

Наима МАҲМУДОВА



ҚАТЛАҒОН ҚУРБОНИ  
ҚИЗИНИНГ ХОЛТИРАМАРИ

Наима МАҲМУДОВА

ҚАТАҒОН ҚУРБОНИ ҚИЗИНИНГ  
ХОТИРАЛАРИ

«MUSIQA» нашриёти  
Тошкент  
2007

## БОЛАЛИК ВА ЎСМИРЛИК. МЕҲНАТ ВА ОИЛАВИЙ ҲАЁТНИНГ БОШЛАНИШИ

Қариндош-уруғларим ва яқинларим анча йиллардан бери мени хотираларимни қаламга олишга ундар эдилар. Мен узоқ вақт мобайнида иккиландим, негаки, бу ишнинг уддасидан чиқа олмайман, деган хавотирда эдим. Ниҳоят, қўлимга қалам олиб, бу ишга жазм қилдим. Албатта, хотира ёзишнинг ўзига хос мураккаб жиҳатлари бўлади. Фикрларни баён этишда гоҳо узук-юлуқликлар, такрорлар бўлиши мумкин. Бунинг учун аввалдан китобхондан узр сўрайман.

Хотираларни баён қилишдан олдин ўзимни китобхонга таништиришни истар эдим.

Мен, Маҳмудова Наима Маҳмудовна, 1928 йил 10 августда Тошкентда туғилганман. Ота-онам бир-бирига ниҳоятда меҳр-муҳаббатли эдилар. Отам – Ҳодиев Маҳмуд Мақсудович (кейинроқ уни Боту деб атайдиган бўлдилар. Бу унинг адабий тахаллуси эди). 1904 йилда Тошкентда бўзчи оиласида туғилган. 1904 йилда туғилган онам – Васильева Валентина Петровна билан у 1924 йилда Москва Давлат университетиде ўқиб юрган кезларида танишган. Шундан кейин улар севишиб, турмуш қуришган. 1926 йилда акам Эркили Маҳмудович, 1928 йилда мен дунёга келганмиз. Оиламиз жуда аҳил бўлиб, бу масканда меҳр-муҳаббат, ўзаро бир-бирини тушуниш руҳи ҳукмрон эди. Бироқ 1930 йилда оиламизнинг бошига кулфат ёғилди – отамни қамоққа тиқишди. Ўшанда мен бир ярим яшар, акам бўлса тўрт ёшда эди. «Халқ душмани»нинг хотини бўлган онамнинг бошига не-не балолар ёғилмади. Охир-оқибат уни ҳам 1941 йилда қамоққа олишди, кейин 10 йилга Сибирга сургун қилишди. Биз чирқиллаб қолавердик.

Бу кулфатлар бошлангандан кейин мен кўпинча Тўхта бувимникида яшайдиган бўлдим. Мен уни «ойижон» деб атаар эдим. Бизнинг уйимизни ҳам тортиб олишди. Шундан кейин вақтинча Шайхонтохурда, собиқ Максим Горький кўчасида илгари масжид жойида жойлашган бир кичик уйда ижарада яшашга мажбур бўлдик. Бу уйнинг эгаси бобом – Мақсуд Ҳодиевнинг яқинларидан эди. Ўзимизнинг уйимиз бўлса, бувимнинг айтишига қараганда, катта бўлган ва у ҳозирги Навоий кўчасидаги Марказий телеграф ўрнида бўлган. Ўша вақтларда бу маҳаллани «Қатортерак» деб аташарди. Мен фақат

Шайхонтохурдаги уйни эслайман, холос. Бу каталакдек икки хонада сиқилиб яшар эдик. Уйнинг олдида айвон, унинг ўртасида сандал бўларди. Биз қиш пайтлари сандалга оёғимизни тиқиб, исиниб ўтирардик.

Умуман, ўша даврдаги воқеалар хотирамда сақланиб қолган. Шундай бўлса-да, уч воқеани узук-юлуқ эслайман. Улардан бири 1933 ёки 1934 йилга оид. Ўшанда қалин қор ёққан эди. Қор уюмлари бўйимдан баланд бўлгани, бувим ва амаким ёғоч белкурак билан ҳовли ва тоғни тозалаганлари ҳозиргидек ёдимда. Қўлимдан келганча уларга ёрдам берардим. Менинг Нина исмли дугонам бўлгучи эди. Бу қўшни қиз билан қорбўрон ўйнаганларим ҳамон ёдимда.

Эсимда қолган иккинчи воқеа – амаким Сиддиқ аканинг Муборак деган бир гўзал қизга уйланишидир. Тўй кунлари ҳам, ундан кейин ҳам мен келиннинг пинжига кириб ўтирардим.

Учинчи воқеа – уйимизнинг рўпарасида яшаган хитойлар билан боғлиқ. Уйларимизнинг орасидан чуқур ва кенг ариқ оқиб ўтар, ўртада девор йўқ эди. Хитойлар узун қора шалвар кийиб юришар, оёқларида ёғоч пойабзал бўлар эди. Улар юрганида ёғоч пойабзал тош йўлда тақиллагани узоқдан эшитилар эди. Биз уларни «тошбақахўр» деб, майна қилардик. Аммо хитойлар ҳеч ҳам хафа бўлмас, мийиғида кулиб кўйишар, аксинча, бизни эркалатишар, гоҳо қоғоз фонуслар ҳада қилишарди.

Акам Эркили Биринчи май кўчасидаги онамнинг уйида яшарди. Бу уй ҳозирги Радио уйининг ўрнида бўлиб, коммунал ҳовлида эди. Акам гоҳ-гоҳ бувимникига келар, шунда биз билан ўйнар, бизга кўшилишиб хитойларнинг жигига тегар эди.

Қатортеракдаги уйимизни олиб кўйишгач, бизга Бодомзордан ер участкаси ажратишди. Амакимга Олой бозори яқинидаги Урицкий кўчасидаги университетга қарашли ҳовлидан уй беришди. Амаким ўша пайтда Ўрта Осиё давлат университетида дарс берарди. Бу ҳовлида асосан университет ўқитувчилари яшашарди. Ўша вақтларда мен фақат ўзбекча сўзлашардим, рус тилини билмас эдим. Шу боис бувим онамдан мени рус тилини ўргансин дея, русча боғчага жойлаштиришни илтимос қилди. Шундай қилиб, ҳозирги «Ўзбекистон» меҳмонхонаси ўрнида жойлашган боғчага қатнай бошладим.

1936 йилда амакимнинг уйига кўчиб ўтдик. Амаким Бодомзордаги ерда уй қурилишини бошлаб юборди. Ўшанда саккиз ёшда бўлиб, мактабда ўқир эдим. Онам акам икковимизни ҳозирги Франция элчихонаси ўрнида жойлашган 60-мактабга жойлаштирди. Мен бу мактабда тўртинчи синфгача ўқидим, холос. Чунки кўп ўқитувчи ва ўқувчилар бизни «халқ душмани»нинг боласи деб масхара қилишар, баъзи ўқувчиларнинг ота-оналари бўлса бизнинг бу мактабда ўқиётганимиздан газабланишар эди. Кўпинча бу масхараларга чидай олмай, уйга йиғлаб қайтардим. Акам кунларнинг бирида сабр косаси тўлиб, ўқитувчининг бошига тахта билан тушириб қолган. Натижада, биз бошқа мактабга ўтишга мажбур бўлдик. Акам 50-мактабда, мен 2-мактабда ўқий бошладик. Янги мактабга ўтишимда амаким Сиддиқнинг роли катта бўлди, у бизни ҳақорат ва масхара қилишадиган мактабда ўқишимизни истамади.

Бу давр мен учун жуда оғир йиллар бўлди. Бизни нега ҳақорат қилишларини, камситишларини, отам нега халқ душмани эканлигини ҳеч тушуниб етолмас эдим. Кўча-кўйда, мактабда отамни «халқ душмани» дердилар. Ваҳоланки, бувим ва бобом, амакиларим ва холаларим, онам менга отанг ҳалол ва покиза инсон, истеъдодли ёзувчи, деб айтишарди. Мен табиатан некбин бўлганим учун янги мактабга тез ўрганиб, янги дўстлар орттирдим. 60-мактабдаги дугонам Маргарита билан алоқаларимни узганим йўқ.

2-мактабда 13 ёшимгача, 7-синфгача ўқидим. Шундан кейин уруш бошланиб, бутун ҳаётимиз ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Мактабимиз Ҳ.Сулаймонова кўчасида, ҳозирги «Шератон» меҳмонхонаси ўрнида жойлашган бўлиб, онамникига яқин эди. Шу боис мен кўпинча онамникида қолардим. 1941 йилнинг июль ойи эди. Бир кун тунги соат 3ларда эшигимиз қаттиқ тақиллади. Онам эшикни очгач, хонага ҳарбий кийимдаги уч киши бостириб кирди. Уларнинг бири аёл эди. Тунги «меҳмон»лар онамни қамаш ҳақидаги ордерни кўрсатишди. Деразадан ҳовлига қараб, усти ёпиқ қора машинага кўзим тушди. Халқ «қора қарға» деб атайдиган бу машина ёнида яна бир неча киши турар эди. Биз – онам, акам ва мен донг қотиб қолган, уйни тинтиётган одамларнинг хатти-ҳаракатига ҳайрат билан қараб турар эдик. Бу одамлар уйни роса тит-пит қилишди. Бироқ, назаримда, арзигулик ҳеч нарса топишолмади шекилли, жавонда турган барча

китобларимизни йиғиштириб олишди. Бу китоблар хонадонимиздаги энг қимматли нарсалар бўлиб, улардан бошқа арзигулик ҳеч нарса йўқ эди. Улар онамни олиб кетишгани онамизни нега ва қаёққа олиб кетишганини бизга айтишгани ҳам йўқ. Улар кетгандан кейин хоналарнинг аҳволига қараб йиғлаб юбордим. Чунки ҳамма нарса ағдар-тўнтар қилинган, кийим-кечаклар, идиш-товоқлар, қоғозлар ҳамма ёққа сочиб ташланган эди. Биз кўрқувдан қалтираб, титраб турардик. Сўнг ўзимизга келгач, акам икковимиз бобомникига югурдик. Улар бу гапни эшитиб, ҳайратга тушсалар-да, хавотирларини билдирмасдан, бизни юпатишга тушдилар. «Бу бир англашилмовчилик бўлса керак, онангизни эрта-индин, албатта, чиқариб юборишади», дедилар. Бироқ, афсуски, онамизни кўриш бизга судгача насиб қилмади. Суд бўлаётган куни ташқарида кутиб турар эдик. Онамни келтиришганида унинг ранги-рўйи сарғайиб кетганини кўриб ич-ичимдан эзилиб, додлаб йиғлаб юборишимга оз қолди. Ўзимни зўрға тутдим. Томоғимга бир нарса тиқилгандай бўлди. Акамнинг ўзи бир ҳолдаю мени юпатишга уринар эди. Бизни суд залига киритишмади. То суд мажлиси тугагунга қадар ташқарида кутиб турдик. Ниҳоят суд тугаб, онамни ташқарига олиб чиқишди. Онамизга талпиндик. Бироқ ҳарбийлар бизни итариб ташлашди. Онам жовдираб: «Болаларим, ўзингизни асранг. Менга 10 йил беришди. Лекин бу қандайдир англашилмовчилик. Мен тез орада қамоқдан чиқиб қайтиб келаман», деб қичиқиришга улгурди, холос. Уни судраб, «қора қарға»га тиқиб-олиб кетишди. Мен хўнграб йиғлай бошладим. Дунё кўзимга қоронғу кўринар эди. Ҳаётнинг ҳеч қандай маъноси қолмагандай эди. Атрофдагиларнинг баъзилари бизга ачиниш, баъзилари масхара билан қараб туришарди. Ҳеч кимда хайрихоҳлик назарини кўрмадим. Бу менга баттар алам қилиб, хўрсиниб-хўрсиниб хўнграй бошладим. Акам, бобом, Сиддиқ ва Юнус амакиларим, онамнинг отаси Пётр ота мени юпатишга уриндилар, аммо ўзимни ҳеч тўхтата олмадим. Ўзимни босиб олганимда майдон хувиллаб қолган, ёнимда яқинларим ҳайратдан донг қотиб туришарди.

Онамнинг тезда қайтиб келишига ишонган акам Эркили уйни асраш учун онамнинг квартирасида доимий яшай бошлади. Бироқ кўрганларимиз ҳали ҳолва экан. Кўп ўтмай ҳали ўсмир бўлган акамни ҳам қамоққа олишди! Уни Гоголь кўчасидаги оперетта театрига босқин қилишда айблашди.

Орадан бироз вақт ўтгач, бу уйдирма эканлиги маълум бўлди. «Халқ душмани»нинг фарзандини орадан кўтариш учун жаллодлар ана шундай тухмат уюштирган эдилар. Тоталитар тузум мунавварларни йўқ қилиш билан чекланиб қолмасдан, уларнинг фарзандлари, яқинларини ҳам ҳибсга тиқиши ўша вақтларда одат тусига кирганини кейин билдик. Акамни қамашганидан сўнг кўп ўтмай, уйимизга университетнинг хўжалик бўлими бошқарувчиси кириб келди ва хонани бўшатиб қўйишимизни, ҳамма нарсаларни университетнинг мулки сифатида топширишимизни талаб қилди. Биз прокуратурага мурожаат қилиб, барча нарсалар, яъни иккита кроват, бир стол, олтига стул, ёзув столи ва китоб жавонларини онамиз сотиб олганини исботлашга мажбур бўлдик. Прокуратура ишни кўриб, нарсаларни олиб кетишимизга рухсат берди, бироқ хонани тортиб олишди.

Ҳамид амаким билан бу қақир-қуқурларни эшак аравага ортиб Бодомзорга ташиганимни ҳамон эслайман. Қариндошларимиз ўша вақтда Бодомзорда, бобом қурган уйда яшар эдилар.

Мақтабда ўқишни давом эттирдим. Кўп ўтмай бошимга яна бало-қазо ёғилди. 1941 йилнинг охирларида уйимизга повестка келтириб беришди. Повесткада Маҳмуд Ҳодиевнинг қолган барча оила аъзолари, болалари Тошкентдан ҳайдаб чиқарилиб, Сибирга сургун қилиниши ёзилган эди. Бобом бу пайтда оғир хаста бўлиб, тўшакда ётар эдилар. Шунга қарамай у бир амаллаб ўрнидан туриб, мени етаклаб, шаҳар ижроқўмига олиб бордилар. Ўша пайтда ижроқўм ҳозирги Мустақиллик майдони яқинида, собиқ Навоий кутубхонаси биносида жойлашган эди. Бобом билан Сибирга юбориладиган одамларни қайд қиладиган бўлимга кирдик.

Ўшанда 13 ёшда бўлиб, ниҳоятда озғин ва заиф, нари борса 10 ёшли қиздек кўринардим. Қайд бўлими дарчасига бориб, дарча орқасида ўтирган аёлга: «Онамни ва акамни қамаб қўйган бўлсалар, мен қандай қилиб бир ўзим Сибирга кетаман», дедим. Бобом бу сўзларимни эшитиб, ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Бироқ дунёда яхши одамлар ҳам бор экан. Сургун қилинувчиларни рўйхатга олаётган аёл бир менга, бир бобомга қаради. Аҳволимизни кўриб, кўзида ёш айланди. У бир хўрсинди-да, менга деди: «Қизалоқ, бор кетақол, мен сени жўнатиб юбордик деб ёзиб қўяман», деди. Мен бу

аёлнинг юз-кўзини, хайрихоҳона нигоҳини ҳеч қачон унутмайман ва уни доим миннатдорлик билан эслайман.

Оғир касалликдан сўнг бобом 1942 йилнинг бошида вафот этдилар. Мени тарбиялаш ва боқиш билан боғлиқ барча ташвишлар Сидиқ амакимнинг зиммасига тушди. Мен 2-мактабда 1942 йилгача ўқиб, 7-синфни битирдим. Шундан кейин Сидиқ амаким мени университетнинг Шундан бўлимига жойлаштирдилар. Бу бўлимда 3 йиллик тайёрлов ўташим керак эди. Вазифалар ниҳоятда кўп бўлиб, уларни ўзбек тилида тайёрлаш мен учун жуда оғирлик қилди. Шунинг учун ҳам бир йилдан кейин деканатдан мени рус гуруҳига ўтказишларини илтимос қилдим. Бу гуруҳни 1944 йилда муваффақиятли тамомлаб, ўрта мактабни битирганлигим ҳақида аттестат олдим. Бу даврга оид бир воқеа эсимда яхши сақланиб қолган – тайёрлов бўлимида яхши ўқиганим учун мени калиш билан мукофотлашган эди. Бундан ўзим, айниқса, бувим жуда хурсанд бўлдик. Чунки қишда мен университетга йиртиқ лагта туфлида қатнаб, қийналиб кетган эдим.

1943 йилда бир куни Шайхонтоҳурдаги кўшнимиз бўлган болаликдан дугонам Нинани тасодифан кўчада учратиб қолдим. У тўсатдан: «Сенга ун керак эмасми?» деб сўраб қолди. Жуда қувониб кетдим ва ун кераклигини айтдим. Сидиқ амаким бутун оиламизни боқар, унга жуда ёрдам бергим келар эди. Бироқ ун олишга пулим йўқ эди. Шунда Нина кимдандир қарз олиб туриш мумкинлигини ва амаким бу қарзни кейинчалик қайтариб беришини айтди. Нима қилиб бўлса ҳам унни олиш кераклигини, чунки у давлат баҳосида олиб беришини айтди. Бу жуда яхши таклиф эди. Чунки ўша пайтлари ун танқис бўлиб, фақат карточка билан бериларди. Мен дарров дугонам Маргаританинг онаси ёнига бордим. У магазинда ишлар эди. Аҳволни тушунган Маргаританинг онаси менга 200 сўм берди. Биз Нина билан «Зарафшон» ресторанига бордик. Шунда Нина: «Сен шу ерда кутиб тур, мен ҳозир ун олиб чиқаман», деб ресторанга кириб кетди. Кун жуда совуқ эди, шунга қарамай Нинани дарвоза ёнида 5 соат кутдим. Бироқ ундан дарак йўқ эди. Мен ресторанга кириб, Нинани суриштиришга қарор қилдим. Бироқ маълум бўлдики, Нинани бу ерда ҳеч ким танимас экан. Фақат бир ходима ресторанига бир қиз орқа эшикдан кириб, шу заҳотиёқ олд эшикдан чиқиб кетганини айтди. Шундагина Нина мени алдаганини тушуниб етдим. Мени алдашгани алам қилмас эди. Ҳамма гап



Маргаританинг онасидан олинган пулни қайтаришда эди. Энди нима қиламан? Ноилож бор гапни бувимга айтдим. Бувим пенсиясидан тўплаб юрган бор пулини берди. Ўзим ҳам қора кунга деб йиғиб қўйган 50 сўмни қўшиб, қарзимни тўладим.

1944 йилда университетда Шарқ факультети очилди. Мен бу ерга ўқишга кирдим. Бир йил ўқиганимдан кейин бу факультетни битирсам, халқ душманининг қизи сифатида менга ҳеч қаердан иш беришмаслигини тушундим. Менга медицина жуда ёқар эди. Бунинг устига Юнус амаким ҳам терапевт-шифокор эди. Биз тез-тез тиббиёт мавзуларида суҳбатлашиб турардик. Шу омиллар таъсирида медицина институтига ўтишга қарор қилдим. Қароримни Сиддиқ амаким ҳам маъқуллади. «Ҳа, Наима, - тўғри ўйлапсан. Агар медицина факультетини битказсанг, доим, ҳеч бўлмаса, ярим ставкага бўлса ҳам иш топа оласан», деди у. Шундай қилиб 1945 йилдан 1951 йилгача Тошкент Давлат медицина институтининг даволаш факультетида ўқидим. Институтдаги ўқиш йиллари бошқа талабаларники каби кечди. Қанча аъло ўқимай, жамоат ишларида фаол қатнашмай, мени комсомолга қабул қилишмади. Халқ душманининг қизи бўлганим учун комсомолга олмасликларини билганим сабабли ўзим ҳам бу ташкилотга киришга кўп ҳам рағбат билдирганим йўқ. Ота-онам ҳақида ҳеч қачон ҳеч кимга ҳеч нарса деганим йўқ. Бундан медицина институтида ўқиётган яқин дугонам Ақида хабардор эди, холос. Қизиғи шундаки, Ақида билан кўп йиллардан сўнг учрашдик. Бир вақтлар у билан бир кўчада яшаган эдик. Бизнинг бувиларимиз, Хайри холам унинг опаси билан яқин дугона эдилар. Кейинчалик биз Бодомзорга кўчиб кетдик, Ақидаларнинг оиласи бўлса, Тошқишхўжмаш мавзеида яшар эди. Бувим Ақиданинг бувисини кўриш учун гоҳ-гоҳ уларникига мени ҳам олиб борар эди. Шунда дугонам билан шодон кўришиб, бирга ўйнардик. Институтда ўқиган йилларимиз дўстлигимиз янада мустаҳкамланди. Биз бир майизни тенг бўлишиб ер, шодлигимизни ҳам, ҳасратимизни ҳам баҳам кўрар эдик. Иккимиз ўзаро бир махсус дафтар тутиб, ўз фикрларимизни унга галма-гал ёзиб борар эдик. Ҳатто, лекция эшитиб ўтирган вақтимизда ҳам ўзаро ёзишардик. Ақиданинг акаси Рамз курсдошимиз эди. У ҳам мен билан дўст эди. Яқиндагина, 2005 йилда ўшанда Рамз менга уйланмоқчи бўлганини эшитдим. Ақида бундан жуда хурсанд бўлган. Аммо

Рамзнинг отаси мутаассиб коммунист бўлиб, гарчи яхши одам бўлса-да ва мени ёқтирса-да, бу ишга қарши чиққан. «Рамз, сен бу қизга уйланишинг мумкин эмас, чунки у халқ душманининг фарзанди. Агар унга уйлансанг, кейин яхши ишларда ишлай олмайсан», деган. Шу билан Рамзнинг менга уйланиш иштиёқи сўнган-қўйган. Бу гаплардан, умуман, хабарим йўқ эди. Йиллар ўтиб Ақида бўлиб ўтган воқеаларни менга айтиб берди.

Урушдан кейинги йиллар ниҳоятда қийинчилик даври бўлди. Озиқ-овқат тақчил, егулик нарсалар карточка билан бериларди. Биз кўпинча оч-наҳор юрардик. Бир марта ҳолсизликдан трамвайда ҳушимдан кетиб қолганман. Шунда йўловчилар мени ҳушимга келтириб, уйимга олиб келишган. Бувим жуда кўрқиб кетиб, мени амакиваччам профессор А.А.Асқаров ҳузурига олиб борди. У мени текшириб кўргач, хавотир оладиган ҳеч бир касаллик йўқ, бу оч юришининг оқибати, шунинг учун академик таътил олиб, ўзимга қарашим ва яхши овқатланишим кераклигини айтди.

Мен академик таътил олишга қатъиян қарши эдим. Шу боис ўқишимни давом эттирдим. Айни вақтда ТошМИнинг акушерлик бўлимида санитарка бўлиб ишлай бошладим. Маошим, стипендиям ва бувим пенсиясидан берган пуллар ҳисобига тузукроқ овқатланадиган бўлдим. Бундан ташқари Сиддиқ амаким ҳам университет ошхонасидан овқатланиш карточкасини менга берди. Ошхонада ҳар куни гўштсиз бўтқа беришар ва бу овқат назаримда энг мазали таом эди. Бу вақтга келиб Сиддиқ амакимнинг Чингиз ва Ҳаммаджон исмли иккита ўғли бор эди. Бироқ Чингиз 1943 йилда вафот этди. Болаларни ювиб-тарашда Муборак келинойимга ёрдам берардим. Сиддиқ амаким ошхона карточкасидан ташқари, карточкага бериладиган озиқ-овқат ва нонни ҳам менга берарди. Гоҳо 15 килограммга етадиган бу юкни кўтариб уйга олиб кетардим. Юк қанча оғир бўлмасин, ўша куни хурсанд бўлиб уйга етиб борардим. Оғир юк кўтариб келганимни кўрган бувимнинг менга раҳми келарди, мен бўлсам ҳазиллашиб: «Агар бунақа юк бўлса, ундан ҳам оғирини кўтаравераман», дердим. Шунда бувимнинг меҳри ийиб кетиб, мени қучоқлаб ўпар, кўзларида ёш айланар эди. Бувим институтдан қайтиб келишимни интизорлик билан кутиб ўтирар, доим бирон егулик – ё бир бўлак олма, ё қурт, ёки бир бўлак гўшт, ёхуд шунга ўхшаш бирон нарсани менга илинади.

«Бувижон, нега бундай қиласиз, ахир, нега ўзингиз емайсиз?» деган саволимга у кулиб: «Сен есанг, мен егандай, кўзичоғим», деб жавоб берарди.

Биз бобом қурган уч хона ва катта айвондан иборат уйда яшар эдик. Уй деворлари сомонсувоқ билан сувалган эди. Бир хонада Содиқ амаким хотини ва болалари билан, иккинчи хонада Ҳамид амаким хотини Катя ва иккита боласи билан, учинчи хонада бувим, Хайри холам, Юнус амаким ва мен яшар эдик. Айвон жонимизга ора кирарди. Бу ерда эмин-эркин ўтириш мумкин эди. Биз ерда, туя жуни солинган тўшак устида ухлардик. Қиш пайтлари сандалда исиниб ўтирардик. Хоналарни керосин лампа ёритарди. Қалин қор ёққан вақтлари Юнус амаким ва Хайри холам билан томга чиқиб, қор қурадик.

1946 йилда Эркили акам турмадан чиқиб келди. У 10-синф имтиҳонларини сиртдан топшириб, аттестат олди ва ТошМИга ўқишга кирди.

Биз ўқишга киргандан сўнг ТошМИда олти йил ўқиладиган бўлди. Иккинчи ва олтинчи босқичдан сўнг иккита давлат имтиҳони топширилди.

Мен аъло ўқирдим. Касаба ишларида фаол қатнашардим. Ҳар йили пахта теримида илғорлар қаторида бўлардим. Натижада, институтнинг илғор талабаларидан ҳисобланардим. Ўқиш билан бирга мен санитарка, акам нарказитор бўлиб ишлардик. Акам турмада турма фельдшери кўлида санитар бўлиб ишлаб, кўп нарса ўрганган, бу энди унга кўл келарди. Шу боис нарказитор бўлиб ишлаш унга қийинчилик туғдирмасди.

Институтга кўпинча пиёда борар эдим. Йўлда кетаркан, дарсликларимни ўқиб кетардим. Мен ҳеч қачон, ҳатто қаҳратон совуқ кунлари ҳам дарс қолдирмас эдим. Уст-бошим жуда камтарона эди. Ёзда кийиш учун биттагина оқ гули бўлган кўк кўйлагим ва бир нечта оқ ёқам бор эди, холос. Ҳар куни кўйлагимнинг ёқасини алмаштирар эдим. Қишда бўлса чит рўмол ўрар, пахтали камзул ва эски этик кийиб юрар эдим.

Мактабда ўқиган вақтларимда бўлиб ўтган бир воқеани яхши эсламан. У пайтда бобом ҳаёт эдилар. Ўшанда қаҳратон қиш бўлиб, кўп қор ёққан эди. Эрталаб туриб, қишлик кийимим йўқлиги учун мактабга қандай боришимни билмай, йиғлаб юбордим. Бобом хаста бўлиб, тўшакда ётар эди. У мени ёнига чақириб, деди:

- Қизим, ертўлага тушгин. У ерда этигим бор, уни кийиб мактабга кетақол.

Мен ертўлага тушиб, бобомнинг этигини роса қидирдим, аммо уни топмадим. Қарасам бувимнинг маҳсиси бор экан. Бу маҳсининг чапидагиси йиртиқ экан. Бобомнинг эски этигининг ўнг жуфти ҳам йиртиқ эди. Мен жуда хурсанд бўлиб, маҳсини, унинг устидан этикни кийиб олдим. Югуриб чиқиб оёқ кийимимни бобомга кўрсатиб мақтандим. Бобом аҳволимни кўриб йиғлаб юборди ва «Буниси эмас», деди. У бир амаллаб ўрнидан турди. Зўрга ертўлага тушиб, менга ўзининг қирқинчи кирза этигини топиб берди. Ўша вақтда мен ўттиз олтинчи пойабзал кияр, ўзим бўлсам қирқ икки килограммлик озгин қизча эдим.

Янги этикни кўриб, қувониб кетдим. Дарров уни кийиб, бобомни ўпиб қўйдим ва ўқишга чопдим. Йўлга чиқишимдан олдин, бобом деди:

- Қизим, яхши кунлар келар, аммо бугунги қийинчиликларни унутмаслик учун бу маҳси ва этикни уйингнинг остонаси устига осиб қўйгин. Шунда қаерда ва ким бўлмагин, бу машаққатли кунларингни эслаб юрасан.

Бобомнинг сўзларини ҳеч қачон унутмадим. Этик ва маҳсини мактабда ўқиган кезларимда ҳам, университетнинг тайёрлов бўлимида ва медицина институтида ўқиган вақтларимда ҳам доим кийиб юрдим. Ваҳоланки, институтда ўқийдиган бошқа қизлар ўша вақтга кўра башанг кийинишарди. Мен бўлсам ўқиш имконини топганимдан шод эдим. Институтда ўқиб юрган йиллари оиламизда баъзи ўзгаришлар бўлди. Сиддиқ амаким ҳовлимизнинг бошқа томонида уй қуриб, кўчиб ўтди. Ҳамид амаким хотини ва болалари билан Киевга кўчиб кетди. Эркили акам бўлса Аза исмли гўзал бир қизни севиб қолди ва унга уйланди. Янги қариндошларим мени яхши кўришар ва тушунишар, мен ҳам уларни яхши кўрар эдим.

Эркилининг уйланиши учун роса елиб-югурдим. Азага совчи бўлиб бордим. Тўйдан кейин улар Азанинг онасиникида яшай бошладилар. Бу уй иккинчи ҳукумат шифохонасининг қоровулхонасида жойлашган эди. Эркилининг қайнотаси шу шифохонанинг қоровули бўлиб ишларди. Ҳаёт қийинчиликларига - кийим-кечак, озиқ-овқат танқислигига чидаб, акам билан ўқишни давом эттирдик.

Қариндошларим кўчиб кетгач, бувимнинг ёнида Юнус амаким ва унинг оиласи ҳамда мен қолдик. Ҳовлининг этагида Сиддиқ амаким ўз уйида оиласи билан яшар эди. Сиддиқ амаким ҳам, Юнус амаким ҳам баҳоли қудрат бизга ёрдам бериб туришар ва оч қолмас эдик. Юнус амакимнинг ҳам болалари туғилди. Имкон борича Жамила келинойимга болаларини тарбиялашда ёрдам берардим. Шуниси қизиққи, Жамила келинойимнинг бешта фарзандининг туғилишида мен иштирок этдим. Келинойим тўлғоқ пайти унинг ёнида бўлишимни истар эди.

- Сен ёнимда бўлсанг, менга осон бўлади, - дерди у.

Шундай қилиб, икки амакимнинг ҳомийлигида институтни тугатдим. Институтда ўқиган йилларим эсимда қоладиган иккита воқеа бўлиб ўтди. Уларнинг бири менинг Бухорога биринчи сафарим бўлди. Бухорода 1948 йилда безгак тарқалган эди. Бу касалликни тугатиш учун тиббиёт институти талабаларини ҳам ўша вилоятга сафарбар қилишди. Безгакнинг олдини олиш учун безгакка қарши акрехин, плазмацит ва бошқа дори-дармонларни беришди. Бухорода бизни вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига йиғишди ва бир неча кишидан иборат гуруҳлар тузиб, туманларга жўнатишди. Мен учта курсдошим билан Шахрисабз туманидаги «Коммуна» колхозига йўл олдик. Биз ўша ерлик хинизатор билан биргаликда ҳовлима-ҳовли, далама-дала юриб безгакка қарши дори-дармон тарқатардик. Маҳаллий аҳолининг иккидан бири шу хасталик билан оғрир эди.

Колхозда бизни колхозчиларнинг уйларига тақсимлашди. Менга колхоз раисининг уйида яшаш насиб қилди. Раиснинг иккита хотини ва саккизта боласи бор эди. Раиснинг уйи иккита хонадан иборат бўлиб, бир хонани менга беришди. Ўзлари, яъни ўн жон бир хонада яшай бошлашди. Бу одамларнинг саховатпешалиги ва мурувватини тасвирлаш учун қалам ожизлик қилади. Томорқа каттагина бўлиб, у ерга помидор, картошка, пиёза ва сабзи экилган эди. Хонадон эгалари нима топса шунини мен билан баҳам кўришарди. Ҳар куни ёвгон ичар эдик. Ҳар икки ҳафтада бир марта қозонга гўшт тушарди. Гўштли овқат ейиш ҳаммага ҳам насиб қилавермасди. Шундай қилиб бу колхозда бир ойча яшадик. Ҳар куни кўп пиёда юришга тўғри келарди. Чунки далалар бир-биридан узоқда эди. Кўп ўтмай янада озиб кетганимни ва ҳар куни чарчаб қайтишимни кўрган раиснинг менга раҳми

келди. У менга бир эшак топиб берди. Мен хурсанд бўлиб дарров эшакка миндиму далага йўл олдим. Бироқ эртароқ хурсанд бўлган эканман. Негаки, эшак катта дала этагидаги улкан тол тагига бориб тўхтаб қолди. Ҳарчанд қичамай, ҳеч юрмади. У шу ердан уйга қайтаверди. Бу ҳодиса 10 марта такрорланди. Шундан кейин сабр-косам тўлди-да, пиёда кетдим. Маълум бўлишича, эшакнинг эгаси далада ишлаган вақтлари шу тол тагида дам олар ва шу ердан уйга қайтар экан. Шу тариқа унда ўзига хос рефлекс – толдан нариёққа ўтмаслик «одати» пайдо бўлган.

Бир ойдан кейин Тошкентга қайтиб келдик. Юқоридагилар ишимиздан мамнун бўлишди. Институтда мажлис ўтказиб, ҳаммамизга миннатдорчилик эълон қилишди ва ҳар биримизга ўн сўмдан мукофот беришди.

Эсимда қолган иккинчи воқеа 1949 йилда бўлиб ўтди. Ўшанда Ашхабодда кучли зилзила содир бўлди. Шаҳар бутунлай вайрон бўлди. Кўп одамлар қурбон ва ярадор бўлди. Барча ярадорларни Тошкентдаги шифохоналарга олиб келишди. Улар орасида оёқ-қўли ва умуртқалари синган одамлар кўп эди. Беморларнинг анча-мунчаси хушсиз ётарди. Бу вақтда хирургия фанини ўқиётган эдик. Талабаларни Ашхабоддан келган беморларга бириктириб қўйишди. Уларни даволай бошладик.

Кафедрамиз Жуковский кўчасида, тез ёрдам касалхонаси базасида жойлашган эди. Кейинчалик бу шифохона Тошкент бош қурилиш бошқармасининг касалхонаси деб атала бошланди. Ҳозирги пайтда у 1-шаҳар касалхонасидир. Кафедрага профессор Содиқ Алиевич Маъсумов мудирлик қилар, у лекцияларни жуда қизиқарли ўқирди. Восит Воҳидович Воҳидов ва Саид Аъзамович Аъзамхўжаев кафедра ассистентлари эдилар. Восит Воҳидович кейинчалик йирик олим бўлиб етишди, академик бўлди ва кўкрак хирургияси илмий текшириш институтини ташкил қилди. Саид Аъзамович ҳам таниқли профессор, хирургия кафедраси мудир ва хизмат кўрсатган фан арбоби бўлди. Улар дарсни жуда қизиқарли ўтишарди. Шу боис гуруҳимиздаги деярли ҳамма талабалар хирург бўлишни хоҳлаб қолишди.

Ашхабоддан олиб келинган ярадор ва беморларнинг кўпчилиги газ гангрена хасталиги билан оғрир эди. Бизга уларга лампас кесмалар қилишга рухсат беришди. Бу жуда мураккаб иш бўлиб, бир умрга эсимда қолди.

1951 йилда институтни муваффақиятли тамомлагач, мени невропатология кафедраси клиник ординатурасида ишга олиб қолишмоқчи бўлишди. Бироқ истиқболда бу ерда муваффақият қозона олмаслигимни сезганим учун тақсимот вақтида мени республиканинг энг узоқ туманларидан бирига юборишни илтимос қилдим. Мени Хивага ишга юборадиган бўлишди.

Шундай бўлишига қарамасдан, клиник ординатурада ҳужжатларимни расмийлаштиришга киришишди. Сўнг бу ҳужжатларни Соғлиқни сақлаш вазирлигига жўнатишди. Анчагача жавоб келмади. ТошМИ кафедраси мудирини профессор Шергародский ва Шифокорлар малакасини ошириш институти кафедраси мудирини профессор Я.Гордон мени институтда олиб қолишни жуда хоҳлашар эди. Вазирликдан жавоб келмаётгани учун улар ҳам ҳайрон эдилар. Сиддиқ амакимнинг сабри тугаб, нима гаплигини билиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигига кетди. Вазирлиқнинг ходимлар бўлимида унинг Рубин исмли таниши ишлар эди. У ҳеч кимга айтмаслик шарт билан амакимга «Жиянингизнинг устидан «юмалоқ хат» тушди. Оддий дафтар варағига халқ душманининг қизини Тошкентда, бунинг устига клиник ординатурада олиб қолиш мумкинми деб ёзишган»лигини айтибди. Бу хатни ким ёзганлигини билмайман ҳам, билишни ҳам истамайман.

Айтмоқчи, ўша кунлари онам Валентина Петровна сургундан қайтиб келган эди. У Тошкентда яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган эди. Бу бедодликни қаранг. Бечора аёл роппа-роса 10 йил сургунда ўтирган бўлса-ю, яна уни ўз она шаҳрида яшаш имконидан ҳам маҳрум қилишса!

Клиник ординатурага жойлашиш имконим йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, Хива шаҳрига кетишга қарор қилдим. Онамни ҳам бирга кетишга кўндирдим.

1951 йилда бу шаҳар бугунгига ҳеч ҳам ўхшамас эди. Бу қадимий шаҳар хароба бўлиб ётар, ободончилик ишлари эътибордан четда эди. Хивага етиб бориш учун кўп машаққат чекишга тўғри келди. Биз олдин Чоржўй шаҳрига йўловчилар поездида етиб бордик. Ундан кейин юк вагонларига чиқиб, Урганчга кетдик. Ўша вақтлари Хоразмга темир йўл эндигина қурилган бўлиб, темир йўлдан фақат юк поездлари юрар эди, холос. Урганчдан Хивага юк машинасида етиб олдик. Теварак атрофнинг кўриниши мени ҳайратга солди. Чунки Урганчдан Хивага қадар у ер бу ерда қишлоқлар кўринар, қабристонлар

шу даражада кўп эдики, биз гўё ўлик шаҳарга кетаётгандай эдик. Бу ғалати манзарага қарамай, кайфиятим яхши эди. Негаки, 10 йилдан сўнг ниҳоят онам билан бирга эдим. Онамни шунча йилдан бери интизор бўлиб кутган эдим. Онамнинг оқ қайин пўстлогига ёзиб юборган хатларини қайта-қайта ўқирдим. У юборган майда-чуйдаларни – кўлда тўқилган дастрўмол, пахта ва латтадан тикилган кўғирчоқ ва бошқаларни муқаддас билиб асраган эдим.

Сургундан қайтиб келган онам билан учрашув лаҳзалари кўз ўнгимда. Мен, Эркили акам, унинг хотини Аза, онамнинг отаси Пётр Петрович, унинг хотини Анна Степановна ва Содиқ амаким онамни кутгани Тошкент вокзалига чиқдик. Онамни сургунга олиб кетишганида у оқ-сарикдан келган гўзал аёл эди. Йўловчилар вагонларидан тушар экан, мен тасаввуримда сақланиб қолган бу гўзал аёлни ахтарар эдим. Бир пайт қарасам озиб-тўзган, букчайган, сочлари оппоқ оқариб кетган муштдеккина кампирча биз томонга кела бошлади. Ваҳоланки, ўшанда у 47 ёшда эди. У бизни, биз уни зўрға танидик. Таниган заҳоти йиғлашиб, у томонга югурдик. «Она, онажон» деб қичқирардим.

Турмадан қайтиб келган онам узоқ вақт ишга жойлаша олмади. У бувимникида мен билан бирга яшай бошлади. Мени Тошкентда қолдирмасликларини, онамга ҳам иш бермасликларини ҳис қилганимдан сўнг онамга Хивага кетишни таклиф қилган эдим.

Хивада касалхонанинг бир хонасида яшай бошладик. Касалхона ва поликлиникада невропотолог ҳамда ўриндошлик йўли билан акушер-гинеколог бўлиб ишлай бошладим. Курсдошим Клара ҳам бу ерда инфекционист бўлиб ишлар эди. Биз у билан дўстлашиб кетдик.

Ижарага уй олиш учун кўп елиб-югурдик. Ниҳоят, беморларимдан бири онасиникида бир хона борлигини айтди. Биз ўша ерга кўчиб ўтдик. Бу хонанинг поли йўқ эди. Хона ўртасида кичкинагина «буржуйка» деб номланган печка бор эди. Сув жўмраги ва ҳожатхона ҳовлида эди. Шунга қарамай, биз уй топганимиздан хурсанд эдик.

Касалхонада ишлаш билан биргаликда тиббиёт билим юртида ҳам дарс бера бошладим. Онамни пахта заводининг болалар боғчасига тарбиячи қилиб жойлаштирдим. Қийинчиликларга қарамай ҳаётимиздан рози эдик.



Хоразмга кетиш олдидан мен хайрлашиш учун дугонам Ақиданикига борган эдим. Ақиданинг эри Комилжонинг дўсти Умар уларникига меҳмон бўлиб келган экан. Бироз суҳбатлашдик. Шундан сўнг Умар кетди. У эсимдан ҳам чиқиб кетди. Бироқ эртасига Хайри холамникига Ақида келиб мен билан кўришмоқчи эканлигини айтиб қўйишни илтимос қилибди. Ўша пайтлари Хайри холам ва Ақида Лабзак маҳалласида қўшни бўлиб яшашар эди. Мен нима гаплигини билиш учун Ақида билан учрашдим. У «Кечаги йигит сенга ёқдимми?» деб сўраб қолди. Мен бўлсам «Эсимда ҳам қолгани йўқ» деб жавоб бердим ва нима гаплигини суриштирдим. Шунда дугонам бу йигит мени севиб қолганлигини ва менга уйланмоқчи эканлигини айтди. Мен кула бошладим. Лекин дугонам ҳазиллашмаётганини, бу гап жиддий эканини айтди. Шунда:

- Энди кечдилов, чунки мен эртага онам билан Хивага жўнаб кетяпман, - дедим.

Шу билан суҳбатимиз ниҳоясига етди. Эртасига Хивага жўнаб кетдик. Ақида менга тез-тез телефон қилиб, Умарнинг яхши йигит эканлигини айтиб, унга турмушга чиқишга ундай бошлади. Унинг айтишича, Умар Самарқанд вилоятининг Ургут туманида бош шифокор ва хирург бўлиб ишлар экан. Ақида деярли ҳар куни телефон қиларди. Бир куни Ақида эмас, профессор И.К.Мусабоев, бошқа бир куни профессор Р.А.Абдуллаев телефон қилишди. Ҳар иккови ҳам Умарни мақташди. Мен узоқ ўйладим, иккиландим. Лекин ҳеч бир қарорга кела олмадим. Бир куни бирданига уч йигит – Умар, Улуғбек ва Толибдан хат келиб қолди. Умарнинг мактуби ҳис-ҳаяжон ва меҳр-муҳаббат билан ёзилган эди. Шундай бўлса-да, ҳар учала йигитга бир мазмунда, яъни «Мен халқ душманининг қизиман, сизнинг кейинги ҳаётингизга тўғаноқ бўлишни истамайман», деб жавоб бердим ва уларнинг таклифини рад қилдим.

Улуғбек ҳам, Толиб ҳам жавоб қайтаришмади. Фақат Умар «Сиз кимнинг қизи эканлигингиз менга барибир. Менга сизнинг ота-онангиз эмас, ўзингиз караксиз» деб жавоб ёзди. Шунга кейин унга бўлган муносабатим ўзгарди.

Бу орада Ақида, Комилжон ва Умар ҳар куни бувимникига бориб, ундан мени Умарга турмушга чиқишга кўндиришни илтимос қилишган. Умар уйга кирмасдан кўчада кутиб турган. Кейинчалик бувимнинг айтишича, у Ақиданинг

кундалик келишларига шунчалик ўрганиб қолганки, у келмагунча уйқуга ётмаган. Бир оз вақт ўтгач, 1952 йилнинг январиде Шифокорлар малакасини ошириш институтидан невропатология бўйича малакамни ошириш лозимлиги ҳақида йўлланма келди. Жуда хурсанд бўлдим. Онам Хивада қоладиган бўлди. Мен бўлсам Тошкентга йўл олдим. Поезддан тушиб хайрон бўлдим. Мени Умар кутиб турар эди. У ҳам хирургия бўйича малака оширишга келган экан. Ақидадан менга йўлланма юборишганини эшитиб, вокзалга кутиб олгани чиққан экан. Илк бор шу ерда биз бироз суҳбатлашдик. Шундан кейин у мени уйгача кузатиб қўйди. Эртасига Умар мени кинога таклиф қилди. Ўн кунимиз шундай кечди – биз ҳар кун кинога борар эдик. Ораликда ошхонага кириб, карам шўрва ичардик. Негадир икковимиз ҳам горчица суртилган нон ердик. Ўнинчи кун у унга турмушга чиқишимни сўради. Жавобини кутиб ўтирмасданоқ эртага совчилар келишини айтди. Ҳақиқатан ҳам эртасига Самарқанд дорихоналар бошқармасида мудир бўлиб ишлайдиган Саъдулла ака (Умарнинг тутинган отаси) ҳамда республика дорихоналар бошқармасининг мудир И.Иброҳимовлар совчи бўлиб келишди. И.Иброҳимов Сиддиқ амакимнинг яқин таниши эди. Остонадан ҳатлар-ҳатламас И.Иброҳимов Сиддиқ амакимга шарт қўйди:

- Агар менга ижобий жавоб беришни ваъда қилсанг, уйга кираман, бўлмаса кирмайман, - деди у.

Сиддиқ амаким:

- Хўш, бу нима гап экан? - деди.

- Сенинг оиланга ҳеч ҳам ёмонлик истамайман. Мен фақат яхши гап билан келдим. Лекин «хўп» десанг, нима гаплигини айтаман, - деди И.Иброҳимов.

Амакимнинг «хўп» дейишдан бошқа иложи қилмади. Шундан кейин меҳмонлар уйга киришди. Бир пиёла чой устида И.Иброҳимов амакимга Саъдулла акани таништирди.

- Бу киши жуда яхши йигитнинг отаси. У йигит жиянинг Наиманинг қўлини сўрапти. Уни бу оиллага берсанг, ҳеч ҳам афсусланмайсан.

Амаким бир оз ўйлагач, бувимни чақирди. Бувим бўлғуси куёвнинг Ургут туманида яшашини эшитгач, ўйланиб қолди. Бироқ меҳмонлар амаким билан бувимни кўндиришди. Бу суҳбат бўлаётган чоғда Умар икковимиз гоҳ у, гоҳ бу кинони кўриб юрар эдик. «Айбсиз айбдор» деган янги чиққан фильм

эсимда қолган, холос. Умар: «Агар, амакингиз рад қилса нима қиламиз?» деб сўради. Шунда мен «Нима қилардик, сиз Ургутга кетасиз, мен бўлсам Хивага» деб жавоб бердим. Умарнинг чўчиб кетгани кўзларидан билиниб турарди. У ўйлаб қолди. Сўнг бирдан деди:

- Наимахон, мен сизни ўғирлаб кетаман, хўпми? Хўп дея қолинг.

Уйга қайтиб келгач, амаким билан бувим совчиларга розилик билдирганини эшитиб, Умарнинг шод бўлганини кўрсангиз. У ўзини кўярга жой топмасди. Умар олийжаноб, чаққон ва меҳрибон йигит бўлиб, менга жуда ёқарди. Ўша пайтда мен йигирма тўрт ёшга кирган эдим. Беш кундан кейин иккита аёл – Назиранинг онаси Хадича опа синглиси билан тугун кўтариб уйга кириб келишди. Тугунларда ҳар хил кийимликлар, пойабзал, ширинликлар ва нон бор эди. Одатга кўра, нон синдириб, тугун алмашдик. Расмий унашув маросимидан сўнг мени Умар ўз яқинларига таништира бошлади. Биринчи бўлиб И.Иброҳимовнинг уйига бордик. У ҳам, хотини ҳам мени жуда яхши кутиб олишди. Уларга ёқиб қолганимни сездим. Ундан кейин Олий суд раиси Т.Воҳидовникига бордик. Судьянинг жуда чиройли хотини, иккита гўзал қизи ва ўғиллари бор эди. Воҳидовлар бизни жуда яхши меҳмон қилишди. Унинг Раъно ва Ўктам исмли қизлари дастурхон устида нукул менга қарашар ва мен билан суҳбатлашишга ҳаракат қилишарди. Биттаси 18, иккинчиси 15 ёшда бўлган қизларни мен ҳам яхши кўриб қолдим. Кейинчалик тақдир тақозоси билан иш юзасидан улар билан учрашишига ҳам тўғри келди.

1952 йил февралда тўй кунини белгиладик. Тўй май охири ёки июнь оyi бошларида бўладиган бўлди. Биз никоҳимизни қайд қилдириш учун ЗАГСга бордик. Мен томонидан Муборак келинойим, Умар томонидан Хадича опа гувоҳ бўлди. Никоҳ гувоҳномаси қўлга тегар тегмас, Умар хурсандликдан боши осмонга етди. У ўша куниеқ Ургутга жўнаб кетди.

Тўй май ойининг охирида бўлиб ўтди. Тўйгача биз Умар билан телефон орқали ҳар куни гаплашиб турдик. Уйимизда телефон бўлмагани учун Пушкин кўчасида жойлашган марказий телеграфга борар эдим. Телефон сўзлашуви учун Умар ҳар куни чақирув қоғози юборарди. Бир куни нимадир бўлиб сўзлашувга боролмадим. Эртасига сўзлашганимизда

Умар хушмуомалалик билан нега кеча сўзлашувга келмаганимни суриштирди. Кейинчалик билдимки, у туман телефонисткаси сўзлашувга таклифнома юбормаган бўлса керак деб ўйлаб, уни роса сўкибди.

Тўйимиз олдин Тошкентда, кейин Самарқандда бўлиб ўтди. Тошкентдаги тўйимиз ҳовлимизда ўтказилди. Бувимнинг тўй кунлари қилган меҳрибончиликларини ҳеч унутмайман. Одатга кўра, тўй куни келин деярли ҳеч нарса емайди. Бироқ тўй авжига чиққан пайтда бувим секингина орқа тарафдан келиб менинг олдимга нўхот шўрва солинган косани қўйди. Мен мохорани жуда яхши кўрардим, лекин уялиб емадим. Аммо бувим ҳеч қўймади, биз Умар билан гўшангада ўтирган пайтимизда шўрвани олиб кириб берди.

Бир кундан кейин Самарқандда Умарнинг тутинган она-онаси Саъдулла ака билан Хадича опа тўй қилиб беришди. Бу воқеа июнь ойининг бошларида бўлиб ўтди. Умарнинг катта уйи ҳовлисида дастурхонлар ёзилди, Самарқанднинг барча кўзга кўринган кишилари меҳмон бўлиб келишди. Уларнинг биронтасини ҳам танимасдим. Муборак келинойим билан Хайри опа ҳам келган эдилар. Тўй жуда зўр ўтди. Ҳамма ўйнаб-кулиб рақсга тушди. Умарнинг дўстлари Ўктам Каримовна Ваҳобова ва унинг эри ҳамда Ўктам Орипович Орипов ва унинг хотини Роза, айниқса, эсимда қолди. Улар билан кейин жуда яқин дўст бўлиб кетдик. Тўйда бўлиб ўтган яна бир ҳодиса эсимда қолган: бирданига электр движок тўхтаб, чироқ ўчиб қолди. Ҳамма ҳайрон бўлиб қолди. Шунда Умар фахрий ўрнидан туриб, тезда движокни тузатди. Барча қарсак чалиб юборди. Эртасига Хадича опа «келинсалом» маросимини ўтказди. Бу маросим Самарқандда «рубинон» деб аталар экан. Умарнинг барча қариндошлари, қўшнилари, яқинлари менга совға беришар, мен эса уларга таъзим қилар эдим.

Самарқандда бир неча кун яшагач, биз юк машинасида Ургутга жўнаб кетдик. Менинг сепим бир сандиқ, иккита кўрпа, идиш-товоқдан иборат эди. Биз узоқ йўл босдик. Мен кабинада, Умар бўлса кузовда ўтирарди. Бора-боргунча Ургут қандай жой эканлигини сўрайвериб, ҳайдовчининг жонига тегиб кетдим. Бу Тошкентдан учинчи бор чиқишим эди. Биринчи марта талабалик йиларимда безгак касалини тугатиш учун Бухорога борган эдим. Иккинчи марта Хивага ишга кетган эдим. Мана, учинчи марта бўлса Ургутга доимий

яшашга кетяпман. Йўл-йўлакай далалар, қишлоқлар ўртасидан ўтиб бордик. Ургут – шаҳар типигаги посёлка деб аталарди. Назаримда бу ерда катта, чиройли уйлар бордай эди. Бир сой кўпригидан ўтиб, кичкина қишлоққа кўзим тушди. Шунда ҳайдовчи «Мана Ургутга ҳам етиб келдик» деди. Қишлоқ пахса ва тошдан қурилган кичик-кичик уйлардан иборат эди. Қишлоқни чуқур жардан оқиб ўтувчи сой иккига ажратиб турарди. Узоқ-узоқлардан тоғлар кўриниб турар, бу жуда мафтункор эди. Бир неча дақиқадан сўнг катта тош уй ёнига етиб бордик. Уй олдида бир неча киши курсиларда ўтирарди. Умар машинадан тушиб, улар билан кўришди ва мени таништирди. Бу кишилар орасида райкомнинг биринчи котиби Саидов ва райижроқўм раиси Б.Набиев ҳам бор экан. XX аср бошида тошдан қурилган бу уй райком ва райижроқўм биноси экан. Маълум бўлишича, туман раҳбарлари бизни кутиб ўтиришган экан. Кечқурун улар рафиқалари билан бизникига меҳмон бўлиб келишди.

Биз тор кўчадан тоғ тарафга йўл олдик. Бир тепаликнинг устида касалхона жойлашган экан. Унинг биноси ҳам XX аср бошида тошдан қурилган экан. Касалхона ҳовлисида уч хонадан иборат уй бўлиб, бу ерда бош врач, яъни Умар истиқомат қилар экан.

Касалхона ҳовлисида бутун жамоа бизни кутиб турар эди. Улар бизни илиқ қаршилашди. Умар: «Мана, уйга ҳам етиб келдик» деди. Арзимаган сепимни уйга олиб кирар эканман, бир хонада темир кроват, жавон кўрдим. Полга палос тўшалганди. Иккинчи хонада битта стол ва тўртта курси турарди. Кейинчалик маълум бўлишича, уйдаги палосдан бошқа ҳамма нарса касалхонаники бўлиб, вақти-соати билан уларни қайтариш керак экан. Оилавий ва меҳнат фаолиятим ана шундай бошланди.

Онам Хивада бўлгани учун тўйимга кела олмади. Онамга фақат бир йилдан кейингина паспорт беришди. Шундан сўнггина у Тошкентга келишга муваффақ бўлди. Унинг Ургутга келгиси йўқ эди. Онам Тошкентда қолиб, Қибрай туманидаги болалар боғчасига тарбиячи ва мактабга рус тили ўқитувчиси бўлиб ишга жойлашди. Тошкентга келган биринчи кундан бошлаб у юқори ташкилотларга ўзини ва отамни оқлаш, отамнинг қаерда эканлигини билдириш ҳақида илтимос билан мурожаат қила бошлади. Фақат 1953 йилда, Сталиннинг вафотидан сўнг, «илиқлик» даври бошлангач, унга жавоб

беришди. Келган хабарда Ботунинг 1941 йилда Тошкентнинг Октябрь туманида зотилжам касаллиги сабабли вафот этгани айтилган эди. Ваҳоланки, кейинчалик маълум бўлишича, отам 1938 йилда Москва яқинида отиб ташланган экан. Жавобдан қаноатланмаган онам оқлаш тўғрисида илтимосномалар юборишда давом этди. Ниҳоят, 1958 йилда келган мактубда жиноят таркиби йўқлиги сабабли у ва Боту оқланганлиги хабар қилинган эди. Онамга маълум миқдорда пул ва Чилонзорнинг 1-кварталидан 3 хонали уй беришди. Ниҳоят, онамнинг елкасига офтоб тегди!

Мен Ургутда ишлашда давом этдим. Бу орада ҳаётимда баъзи ўзгаришлар бўлиб ўтди. Мен Ургутда невропотолог шифокор бўлиб ишлардим. Туманда бор-йўғи 5 нафар шифокор бор эди, холос. Шу боис ўриндошлик йўли билан акушер-гинеколог, педиатр, терапевт, отоларинголог, офтальмолог ва хирург бўлиб ишлашимга ҳам тўғри келди. Бунинг устига жарроҳлик амалиётларида эримга ҳам ёрдам берардим. Бир сўз билан айтганда, умумий амалиёт шифокорига айландим.

1953 йилда қизим Дилбар, 1955 йилда ўғлим Ўктам туғилди. Мен бор кучимни сарфлаб, яхши рафиқа, она ва ходим бўлишга ҳаракат қилар эдим. Туманда меҳнатимни қадрлашар, мажлисларда ҳалол ва ишчан ходим сифатида намуна қлиб кўрсатишар эди. Меҳнаткашлар депутатлари туман кенгашига навбатдаги сайловларда менинг номзодимни ҳам кўрсатишди. Сайловчилар билан бўлиб ўтган биринчи учрашув ҳеч ёдимдан чиқмайди. Туман клуби сайловчилар билан тўлиб-тошганди. Мени шу ерга олиб келиб, қўлимга ўзбек тилидаги нутқ матнини қистиришди. Нутқ жуда мураккаб ва дабдабали услубда ёзилган эди. Матнни бир чеккага суриб қўйиб, сайловчиларга ўз сўзларим билан мурожаат қилдим. Мен уларга шифокор сифатида халқ учун қўлимдан келган барча ишни қиламан, деб айтдим. Бу ҳаётда менинг биринчи расмий нутқим эди. Сўзимни тамомлагач, гулдурос қарсақлар кўтарилди. Сайловдан сўнг сўнгги йилларда сайловчиларнинг оғирини енгил қилишга имкон қадар ҳаракат қилдим. Кўп аёллар эрининг устидан шикоят қилиб келишарди. Мен эринмай уларнинг оилаларига бориб, эрлари, қайнога-қайноналари билан суҳбатлашар эдим. Гоҳида уларнинг муносабатларини яхшилашга эришардим. Агар

биринчи галда муваффақият қозонмасам, бу оилага яна ва яна борардим.

Анча вақтдан сўнг мени туман санитария-эпидемия станциясининг бош шифокори этиб тайинлашди. 1952-1954 йилларда Ургут туманида ишлаган вақтларимда кўп соҳалар шифокори сифатида менга касалхоналарда, поликлиникаларда, ЗАГСда, ҳарбий комиссариатда ва ўрмон мактабларида ишлашга тўғри келди. Беихтиёр «Қандай қилиб бу ишларга улгуриш мумкин?» деган савол туғилади. Ҳозир буни тасаввур қилиш қийин. Лекин биз кунига 18-20 соатлаб ишлар, барча ишларга улгурар эдик. Соат 12 гача касалхонада, ундан кейин соат 15 гача поликлиникада, сўнг соат 18 гача ё ЗАГС ёки ҳарбий комиссариатда ишлар эдик. Соат 18 дан сўнг ўрмон мактаби беморларини даволашга борардик. Гоҳи тун ярмигача ва ундан кейин келган чақирувларга жавобан бориб, оғир касалларни даволар эдик.

Бир куни тунда эндигина кўзим илинган экан, эшик тақиллаб қолди. Кўзимни очиб ойнадан қарасам, сел ёғаётган экан. Ҳовлида филдираклари катта арава турарди. Эшикни кўшни қишлоқдан келган колхозчи тақиллатган экан. У болалари қаттиқ касал бўлиб қолганини айтиб, ёрдам беришни илтимос қилди. Негадир ўша пайтлари ҳеч нарсадан кўрқмас эдим. Шу боис дарҳол керакли нарсаларни олиб, аравага чиқдим. Устимни брезент билан ёпиб қишлоққа йўл олдик. Унинг учта боласи қизамиқ билан оғриб ётар, ҳароратлари жуда юқори эди. Яхшиямки, улар зотилжам эмас эканлар. Лозим бўлган ишларни қилиб, сувга тушган мушукдай бўлиб совуқдан қалтираб, уйга қайтсам, Умар қайноқ чой тайёрлаб қўйган экан. Чой ичиб бироз ўзимга келдим. Уйкуга ётганимизда соат 3 дан ошган эди. Ўша куни Умарнинг иши ҳам жуда кўп бўлибди. У кечки соат 8 га қадар иккита оғир жарроҳлик амалиётини бажарибди. Беморларнинг биттаси қорнидан яраланган эди. Гапига қулоқ солмагани учун эри бу аёлнинг қорнига пичоқ тиқиб олган. Бу иш уларнинг бешта боласи кўзи ўнгида бўлиб ўтган. Қонга беланган аёлни олиб келишганида яра ўрнидан ичаклари чиқиб ётарди. Ичакнинг бир қисми шикастланган эди. Умар шикастланган ичакни олиб ташлаб, тикиб қўйгунча анча вақт ўтган. Жарроҳлик амалиётини бошламасдан илгари аёлнинг эри хўнграб йиғлаб, Умарга: «Мен ва болаларим учун хотинимни қутқаринг», деб ёлворган. Иккинчи бемор кўричак касали билан тушган экан.

Ҳар иккала амалиёт муваффақият билан якунланган ва беморлар тузалиб кетишди.

Шуниси борки, ўша пайтда жарроҳлик амалиётлари кечки пайтлари движок ёрдамида ёритиларди. Чунки марказий электр тизими йўқ бўлиб, ҳар доим чироқ ўчиб қолиш хавфи бор эди. Хайриятки, ўша куни чироқ ўчиб қолмаган. Эртасига ҳар икковимиз тонг саҳарлаб уйғондик. Умар вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига бориши керак эди. Мен бўлсам, одатдагидек, ўз ишимга кетдим. Касалхонада ҳеч қанақа машина йўқ эди. Махсус жиҳозланган «тез ёрдам» машинаси етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган. Хоҳ кундузи, хоҳ кечаси касал кўришга аравада борар эдик. Эркак шифокорлар кўпинча от миниб кетишар эди. Касалларни ҳам узоқ қишлоқлардан шифохонага аравада олиб келишарди. Узоқ йўлга чидамаган оғир касаллар йўлдаёқ ўлиб қолган ҳоллар бўларди.

Қизимиз Дилбар соғлом бўлиб туғилган эди. У йиғлоқи эмас эди. Етти ойлигидаёқ «она», «дада» ва «хола» дейдиган бўлди. Ўн ойлик бўлганида эмакламасданоқ юриб кетди. Бизнинг «Альфа» лақабли катта итимиз бор эди. Ўн ойлик Дилбар итнинг кетидан югуриб юрар, «Альфа-Альфа» деб уни чақирарди. Ит ҳам уни яхши кўрар, югуриб келиб ўзини силатар эди.

Дилбар туғилгандан кейин бир ой ўтмай ишга чиқдим. Ишда бўлган вақтларимда Дилбарга Рая исмли энагаси қараб турар эди. Болани узоқ вақт ёлғиз қолдириш мумкин эмаслигини ҳисобга олиб, асосий вақтимни касалхона ва поликлиникада ўтказар, ҳужжатларни уйга олиб келиб, ҳисоботларни тўлдирав эдим. Вилоят соғлиқни сақлаш бўлимида менинг ҳисоботларим ижобий баҳоланар ва бошқа туман соғлиқни сақлаш бўлимларига намуна қилиб кўрсатиларди.

Табиатан фаол арбоб бўлган Умар касалхонага «тез ёрдам» машинаси олиш ҳаракатига тушди. Ҳарчанд уринмасин, вилоят соғлиқни сақлаш бўлими ҳам, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳам «тез ёрдам» машинасини беришмади. Ниҳоят, бир куни вазирликдан бизга телефон қилиб, Умарга шунақа машина сотиб олишни таклиф қилишди. Улар машинани текинга бера олмасдилар, чунки вазирлик ҳисобига машина билан таъминланиш учун Ургут туманининг навбати 200-ўринда эди. Навбатни кутадиган бўлсак, «тез ёрдам» машинасини фақат 5-7 йилдан кейингина олишимиз мумкин эди, холос. Шунини



ҳисобга олиб, Умар машина сотиб олишга қарор қилди. Бироқ бунинг учун пулимиз йўқ эди. Умар юқори идораларга чопди. Лекин унинг югуришлари беҳудага кетди. Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими ҳам, райижроқўм ҳам машина олишга пул беришмади. Шунда Умарнинг хаёлига бир фикр келди. У ўз ғоясини олдин райижроқўм ва туман молия бўлими билан келишиб олгач, касалхона жамоасини йиғди. Умар йиғилганларга қарата: «Касалхонамизда «тез ёрдам» машинаси бўлишини хоҳловчилар қўл кўтарсин», деди. Барча қўл кўтарди. Шунда Умар бундай машина олиш имкони борлигини, бироқ уни икки кун ичида сотиб олиш кераклигини айтди. Юқори идоралар машина сотиб олишга пул ажратишмагани учун фақат бир йўл – ойлик маошни ўн кун кечроқ олишга рози бўлишлари қолган эди. Агар жамоа рози бўлса, бу пулни машина сотиб олишга тўлаш мумкин эди. Умар ойликни кўпи билан ўн кундан сўнг беришга ваъда берди. Йиғилганлар ўзаро баҳс-мунозара қилганларидан сўнг таклифга рози бўлишди. Икки кундан сўнг касалхона ҳовлисида «тез ёрдам» машинаси пайдо бўлди. барча ходимлар ва беморлар худди бир ажойиботни кўраётгандек машина атрофида айланишар эди. Уларнинг шодлигини тасвирлашга қалам ожиз.

Умар ўз ваъдасини бажариш ва ходимларга ойлик бериш учун вилоят ижроқўми ва вилоят молия бўлимига: «Ургут туман касалхонаси ходимлари ойликсиз қолди, тезда ёрдам беришингизни сўраймиз» деган мазмунда телеграмма юборди. Вилоят молия бўлиmidан эртасигаёқ пул тушди ва ҳамма маошини олди. Молия бўлимидагилар пул юбориш билан биргаликда ойликни бериш нима учун кечикканлигини сўрашган эди. Маош бош шифокор Умарнинг ўзбошимчалиги сабабли кечикканлигини билишгач, уни вилоят ижроқўмига чақириб, ҳайфсан эълон қилишди. Бунинг устига агар бундай ҳол яна такрорланадиган бўлса, Умарни бош шифокор лавозимидан озод қилиб, ишини тергов органларига оширишлари тўғрисида огоҳлантиришган.

Кечга яқин Умар уйга ширакайф қайтди. У хурсанд эди. Сабабини суриштирсам, у ҳайфсан олганини, лекин энди туманда «тез ёрдам» машинаси борлигидан хурсандлигини айтди.

1954 йилда Дилбар бир ёшга тўлган куни Умар вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига бориб келиб деди:

Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими мудир ваҳоб Иброҳимович Рашидов мендан ва туман соғлиқни сақлаш бўлими мудир Мўлдабековдан туманда ишлаётган шифокорлар орасидан санэпидстанция бош врач лавозимига номзод кўрсатишни сўради. Биз узоқ ўйладик ва сенинг номзодингни кўрсатишга қарор қилдик.

Қатъиян эътироз билдириб, «Рафиқа ва она, бунинг устига ҳомиладор бўлсам, боз устига даволовчи шифокор бўлсам, бу иш тўғри келмайди. Мен санэпидстанция бош шифокори бўлишни хоҳламайман» дедим. Бироқ, қаршилигимга қарамай, Умар эртасига мени туман санэпидстанцияси бош шифокори қилиб тайинлаш ҳақида вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг буйруғини олиб келди. Шунда зиммамга нечоғлик катта масъулият юкланганлигини ҳис қилдим ва ишга киришдим.

## ТУМАН САНЭПИДСТАНЦИЯСИДА БОШ ШИФОКОРЛИК ФАОЛИЯТИ

СЭСга бош шифокор бўлиб ўтганимдан кейин биринчи қилган ишим – туман соғлиқни сақлаш бўлиמידан ташкилотимиз учун талаб даражасидаги бино ажратишларини сўраш бўлди. Чунки бу ташкилот ертўлада жойлашган эди. Бир неча кундан кейин бизга алоҳида уч хонали бино ажратишди. Бу бинонинг ҳовлиси ҳам бор эди. Илгари ушбу бинода безгакка қарши кураш муассасаси жойлашган эди. Бу ташкилот СЭСга бирлаштирилди. Шундан кейин мен икки жабҳада – СЭСда санитария шифокори, касалхонада бўлса даволовчи шифокор сифатида ишлай бошладим. СЭСнинг яхши бош шифокори бўлиш учун кўплаб адабиётларни кўриб чиқишимга ва санитария-эпидемиология масалалари бўйича муҳим ҳужжатларни ўрганишимга тўғри келди.

Касалхонадаги ишни ҳам давом эттирдим. Ўша пайтлари бўлиб ўтган бир неча воқеалар эсимда қолган. Бир куни кечки пайт мени касалхонанинг туғруқхонасига чақириб қолишди. Бу ерга узоқ қишлоқдан ҳомиладор аёлни оғир аҳволда, ҳушсиз ҳолда олиб келишганди. Қишлоқ фельдшери ёзиб берган йўлланма – ташхисда аёлнинг эгиз кутаётгани ёзилган эди. Дастлабки текширув аёлнинг бачадони ёрилиб кетиш эҳтимоли борлигини кўрсатди. Йўлда аравада келгунча силкиनावериб,

бачадон ёрилган ҳам бўлиши мумкин эди. Бунинг аломатлари очик кўриниб турар, шу боис тезда аёлни жарроҳлик столига ётқизиш керак эди. Самарқандга телефон қилиб, вилоят акушер-гинекологини зудлик билан юборишларини илтимос қилдим. Мутахассис келгунга қадар мен ва бошқа шифокорлар бор имкониятни ишга солиб аёлнинг ҳаётини сақлаб турдик. Вилоят акушер-гинекологини келган заҳоти аёлни жарроҳлик столига ётқиздик. Болани кесиш йўли билан туғдириш керак эди. Бироқ аёл кўп қон йўқотганлиги сабабли вафот этди. Текшириш шуни кўрсатдики, бачадон ҳақиқатан ҳам ёрилиб кетган ва бола ўлик эди. Бу аёл бор йўғи 18 ёшда бўлиб, биринчи туғиши эди.

Иккинчи воқеа якшанба куни бўлиб ўтган эди. Касалхонага ўн тўрт ёшли болани олиб келишди. У бўғилар, кўкариб кетган, ўзини у ёқдан бу ёққа ташлар эди. Маълум бўлишича, у ўйнаб юриб, беш тийинлик тангани ютиб юборган. Танга қизилўнгачнинг тагига тушиб кетган. Биз дарҳол трахеотомия қилдик. Бола ўзига келгандай бўлди, аммо кўп ўтмай у яна бўғила бошлади. Тангани чиқариб олишнинг иложи бўлмади ва бола бир соатдан кейин ҳаётдан кўз юмди. Ҳалигача бу ҳодисаларни ичим эзилиб эслайман. Назаримда гўё ниманидир қилмагандек туюлаверади менга. Кейинчалик мутахассислар, акушер-гинекологлар, отоларингологлар билан бир неча бор маслаҳатлашдим. Ҳар сафар улар: «Кўлингиздан келган ҳамма ишни қилгансиз, бу ҳақда ўйлашни бас қилинг», дейишарди. Шунга қарамасдан мен яна бу воқеаларни эслашда давом этар, шубҳалар ичимни кемирар эди.

Шифокорлик фаолиятим давомида жуда кўп хурсандчилик онлари ҳам бўлиб ўтган. Эримнинг дўсти 10 йил давомида фарзанд кўрмаган эди. Мен эр-хотинни даволай бошладим ва бир йилдан сўнг аёл ҳомиладор бўлди ва ўғил туғди. Аёлни мен туғдирдим. Шодликдан боши осмонга етган ота-она болани фамилиям шарафимга Маҳмуд деб аташди. Ҳозир бу йигит вояга етган. Кўпгина фарзандлари бор. У туғилган пайтдаги менинг шодлигимни ва ота-онасининг қувончини кўрсангиз эди!

Бир куни касалхонага ич терлама билан оғриган беморни хушсиз ҳолда олиб келишди. Уни даволаш учун барча чораларни кўрдик. Бемор ўзига келмагунча унинг ёнидан жилмадим. Ўша вақтларда касалхонанинг юқумли касалликлар бўлимида тажрибали, ақли шифокор Роза Мухлисовна

Бурнашева ишлар эди. Бу аёл Умарнинг курсдоши бўлиб, оиламизнинг яқин дўсти эди. Биз у ёки бу беморни, ҳатто оила аъзоларимизни даволаш билан боғлиқ масалалар ҳақида ундан маслаҳат олиб турар эдик. Қизим Дилбарнинг ҳарорати кўтарилиб қолса ёки оғир нафас ола бошласа хоҳ кечаси, хоҳ кундуз мен Роза Мухлисовнани чақирардим. У дарҳол етиб келар, керак бўлса болани даволаш учун кечаси бизникида ётиб қолар эди. Мен Дилбарнинг бўғма билан оғриб қолишидан жуда кўрқардим. Чунки ўша вақтларда фақат Ургут туманидагина эмас, балки Самарқанд вилоятида, ҳатто бутун республикада бўғма касали кенг ёйилган эди. Худога шукурки, Дилбар бу касал билан оғримади. У фақат тез-тез томоқ оғриғи билан хасталаниб турарди. Дилбарнинг аҳволи яхшилангандан кейингина Роза Мухлисовна бизникидан кетар эди. Ундан ташқари касалхонанинг юқумли касалликлар бўлимида Рая, Циля каби ҳамширалар, Геня исмли санитарка ҳам ишлар, улар обрўли ходимлар ҳисобланар эдилар. Беморни даволашга киришар эканмиз, Геня: «Худонинг ўзи асрасин, ўзи шифо берсин!» деб дуо қилар эди. Шундай қилиб мен, Роза Мухлисовна, Циля, Рая, Геня беморни ҳамжихатликда даволар эдик. Ич терлама касали билан оғриган бир беморни даволаган эдик. Беш йил ўтгандан кейин тасодифан уни учратиб қолдим. У соғлом, шўх-шодон эди. Ёнида тўрт яшар қизчаси ҳам бор эди. «Раҳмат, доктор, раҳмат!» деб у қизчасини кўрсатиб давом этди: «Мен соғайгандан сўнг шу қизчам туғилди», деди у жилмайиб. Қизча менга қизиқсиниш билан қараб турар эди.

Натижаси яхши бўлган бундай ҳолатлар жуда кўп бўлган. Уларнинг ҳаммасини эслашим мушкул. Мен туман маркази, қишлоқларда айланиб юрган пайтимда собиқ беморларим ва йўловчилар учрашиб қолса кулишиб кўришар, соғлиғимни суриштиришар, миннатдорчилик билдириб қўйишар эди. Шунда кайфиятим кўтариларди.

Касалхона шароити жуда оғир эди. Марказий электр тармоғига уланмагани учун жарроҳлик ва бошқа амалиётларни, рентген текширувларини, айниқса, армияга чақирувчиларни кўриқдан ўтказиш ишларини маълум бир вақтда, движок ишлаб турган пайтда амалга оширишга тўғри келарди. Бошқа вақтлари керосин чироқлар қўл келарди. Шуниси борки, фақат касалхонагина эмас, балки бошқа давлат муассасалари, жумладан, туман фирқа кўмитаси ва райижроқўм ҳам марказий электр тармоғига уланмаганди.

Касалхонани электр билан таъминлаш ишини яхшилаш учун Умар кичкина гидроэлектростанция (ГЭС) қуришга қарор қилди. Касалхона ёнидан оқиб ўтадиган сойдаги шовва бундай ГЭС қуриш имконини берар эди. Умар касалхона ходимларини ва қўшнилари ишга солиб, сойни кенгайтириб, шовванинг сувини кўпайтиришга эришди. Сўнг керакли ускуналарни сотиб олиб, ГЭСни қурди. Шу тариқа бу кичик ГЭС касалхонамизни, қўшни уйларни, ҳатто фирқа кўмитаси ва райижроқўмни ҳам доимий электр энергия билан таъминлай бошлади. Бу ГЭС ички имкониятлар ҳисобига қурилди. Умар ГЭСни қуришдан олдин туман ва вилоятнинг юқори ташкилотларига ГЭС қуришга рухсат беришларини ва бунинг учун маблағ ажратишларини сўраб мурожаат қилди. Бироқ мактубларига ҳеч ким жавоб ҳам бермади. Шу сабабли Умар ички имкониятларни ишга солиб таваккалга иш қилди.

Шуниси қизиқки, раҳмат айтиш ўрнига уни турли идораларга чақириб сўроқ қила бошладилар. Фақат бир тасодиф унинг жонига ора кирди. Кунларнинг бирида Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги биринчи раҳбари Усмон Юсупов туманимизга келиб қолди. Туман раҳбарлари уни ишлар билан таништириб бўлгач, муаммоларни муҳокама қилиш учун ичкарига киришган. Суҳбат авжига чиққан пайтда бирданига чироқ ўчиб қолган. Фирқа котибининг жаҳли чиқиб, дарҳол Умарни олиб келишларини буюрган. У бу иш Умарнинг найранги эканини фаҳмлаган. Сўроқлардан безор бўлган Умар ГЭСни бекорга қурмаганини билиб кўйишлари учун электрни атайлаб узиб кўйган. Котиб ундан дарҳол электрни улашни талаб қилган. Шунда Усмон Юсупов нима гаплигини суриштириб қолган. Умар бўлса ГЭСни давлат маблағларини олмасдан қурганлигини, бу иш учун уни судга бермоқчи эканликларини айтган. Усмон ака ҳам чироқни ёқиб беришни илтимос қилиб, эртасига Самарқандга вилоят ижроия кўмитасига бориши кераклиги айтган. Эртасига Самарқандга йўл олар экан, Умар менга деди:

- Кечқурун у ердан ё ўлигим келади, ёки тиригим.

Кўрқиб кетдим. Кечгача жонимни ҳовучлаб ўтирдим. Кечки пайт Умар хурсанд ва бироз ширакайф ҳолда кириб келганини кўргачгина, тинчландим. «Афтидан, ҳаммаси яхшилик билан тугаганга ўхшайди», деб енгил тин олдим. Бўлиб ўтган воқеаларни Умар гапириб берди. У вилоят ижроқўмига кириб борса, раиснинг хонасида вилоят соғлиқни

сақлаш бўлими мудир, молия бўлими мудир, электр тармоқлари бошқармаси бошлиғи ва вилоят прокурори ўтирган экан. Бу раҳбарларни кўрган Умарнинг оёғи қалтираб, боши айланиб кетган. «Тамом бўлдим» деб ўйлаган ичида у. Шунда бирдан Усмон Юсупов электр тармоқлари бошлиғига савол бериб қолган:

- Ургут қачон марказий электр тармоғига уланади?

Бошқарма бошлиғи режага кўра бу иш икки йилдан кейин амалга ошишини айтган. Усмон Юсупов вилоят соғлиқни сақлаш бўлими мудирига мурожаат қилиб, сўраган:

- Туман касалхонаси электрсиз ёки движок берадиган электр ёрдамида сифатли ишлаши мумкинми?

Мудир «Йўқ» деб жавоб берган. Шундан кейин Усмон Юсупов вилоят прокурорига юзланиб дебди:

- Умар Қурбонович ГЭС қуриб қандай хатога йўл қўйди ва унга қандай жазо чораси қўллаш керак деб ўйлайсиз?

- Умар Қурбонович кўпол молиявий хатога йўл қўйган, унинг ишини тергов органларига ошириш керак!

Усмон Юсупов вилоят молия бўлими мудиридан: «Вилоят бўйича қанча маблағ тежаб қолинган?» деб сўраган. Шунда мудир «Икки миллион сўмдан кўпроқ» деб жавоб берган.

- Ургут бош шифокори қурган ГЭС учун қанча маблағ керак бўлар эди?

- Юз минг сўмдан кўп бўлмайди.

Шунда Усмон Юсупов ўрнидан туриб дебди:

- Вилоят шунча маблағни тежаган бўлса, туман электрга шу даража муҳтож бўлса-ю, сиз ҳаётини хавф остига қўйиб, таваккал билан ГЭС қурган ватанпарварни жазоламоқчи бўляпсизлар, ваҳоланки, унга раҳмат айтиб, сизларни жазолаш керак.

Ундан сўнг Усмон Юсупов Умарга ўгирилиб:

- Сиз кетаверинг ва бемалол ишлайверинг. Барча харажатларингизни тўлашади, - деган.

Шу воқеадан кейин бу ГЭСни «Умар ГЭС» деб атай бошлашди. Ҳаммасининг яхшилик билан тугаганидан хурсанд эдим. Бироқ Умарнинг ширакайф бўлиб келганидан бир оз ташвишга тушдим. Бу ташвишим кейинроқ жиддий хавотирга айланди. Чунки Умар худа-беҳудага ҳар куни ичиб келадиган, ҳатто маст бўлиб қайтадиган бўлиб қолди.

Туманда ўша вақтларда эркакларнинг «гап» ўйнаши одат тусига кирган эди. Бу зиёфатларда Умарнинг дўстлари

сақлаш бўлими мудир, молия бўлими мудир, электр тармоқлари бошқармаси бошлиғи ва вилоят прокурори ўтирган экан. Бу раҳбарларни кўрган Умарнинг оёғи қалтираб, боши айланиб кетган. «Тамом бўлдим» деб ўйлаган ичида у. Шунда бирдан Усмон Юсупов электр тармоқлари бошлиғига савол бериб қолган:

- Ургут қачон марказий электр тармоғига уланади?

Бошқарма бошлиғи режага кўра бу иш икки йилдан кейин амалга ошишини айтган. Усмон Юсупов вилоят соғлиқни сақлаш бўлими мудирига мурожаат қилиб, сўраган:

- Туман касалхонаси электрсиз ёки движок берадиган электр ёрдамида сифатли ишлаши мумкинми?

Мудир «Йўқ» деб жавоб берган. Шундан кейин Усмон Юсупов вилоят прокурорига юзланиб дебди:

- Умар Қурбонович ГЭС қуриб қандай хатога йўл қўйди ва унга қандай жазо чораси қўллаш керак деб ўйлайсиз?

- Умар Қурбонович кўпол молиявий хатога йўл қўйган, унинг ишини тергов органларига ошириш керак!

Усмон Юсупов вилоят молия бўлими мудирдан: «Вилоят бўйича қанча маблағ тежаб қолинган?» деб сўраган. Шунда мудир «Икки миллион сўмдан кўпроқ» деб жавоб берган.

- Ургут бош шифокори қурган ГЭС учун қанча маблағ керак бўлар эди?

- Юз минг сўмдан кўп бўлмайди.

Шунда Усмон Юсупов ўрнидан туриб дебди:

- Вилоят шунча маблағни тежаган бўлса, туман электрга шу даража муҳтож бўлса-ю, сиз ҳаётини хавф остига қўйиб, таваккал билан ГЭС қурган ватанпарварни жазоламоқчи бўляпсизлар, ваҳоланки, унга раҳмат айтиб, сизларни жазолаш керак.

Ундан сўнг Усмон Юсупов Умарга ўгирилиб:

- Сиз кетаверинг ва бемалол ишлайверинг. Барча харажатларингизни тўлашади, - деган.

Шу воқеадан кейин бу ГЭСни «Умар ГЭС» деб атай бошлашди. Ҳаммасининг яхшилиқ билан тугаганидан хурсанд эдим. Бироқ Умарнинг ширакайф бўлиб келганидан бир оз ташвишга тушдим. Бу ташвишим кейинроқ жиддий хавотирга айланди. Чунки Умар ҳуда-беҳудага ҳар куни ичиб келадиган, ҳатто маст бўлиб қайтадиган бўлиб қолди.

Туманда ўша вақтларда эркакларнинг «гап» ўйнаши одат тусига кирган эди. Бу зиёфатларда Умарнинг дўстлари

ичкиликбозлик қилишар, ҳатто уларнинг хотинлари ҳам ичкиликни яхши кўришар эди. Мени ташвишлантирган бу ҳодисадан сўнг ўзимга-ўзим қасамёд қилдим: «Менинг уйимда ҳеч қачон ичкилик бўлмайди, ўзим ҳам на ароқ, на коньяк ичман». То ҳозиргача бу ичкиликларнинг таъмини ҳам билмайман. Шунинг ҳам эътирофи керакки, Умар уйга ширакайф қайтадим, ёки маст бўлиб келадими, ҳеч қачон мени хафа қилмас, аксинча, нуқул севги изҳор қилар эди. Кўпинча навбатдаги зиёфатдан қайтгач, у дарҳол ухлаб қолар эди.

1954 йил апрель ойининг охирида байрамдан фойдаланиб, қизим билан Тошкентга бориб келишга қарор қилдим. Бу Дилбар туғилгандан сўнг Тошкентга биринчи бор боришим эди. Умарни бир ҳайрон қолдириш учун мен унга тўртта ироқи кўйлак (ўшанда бундай кўйлақлар урф бўлган эди), битта қора ва битта оч ранг шим олдим. Кетишдан олдин бу кийимларни кийим жавонига илиб қўйдим ва Умарга мактуб қолдирдим. Мактубда Умардан байрам куни жавонни очиб кўришни тайинлаган эдим. Тошкентдан қайтиб келгач, не кўз билан кўрайки, жавонда на кўйлак, на шим бор. Ҳайрон бўлиб Умардан сабабини суриштирдим. У туманимизга машҳур хонанда Фахриддин Умаров меҳмон бўлиб келганини, уни уйда зиёфат қилганини ва кийимларини ҳадя қилиб юборганини айтди. Мен бир оз хафа бўлдим. Лекин Умарнинг феъл-атвори шунақа эди. У ўзи ёқтирган одамдан жонини ҳам аямасди. Унинг ичкиликка берилиб кетаётганидан ташвишланиб, хавотиримни Саъдулла акага айтдим. У Умарни бу йўлдан қайтариш учун кўлдан келган ишни қилишини айтди. Бироқ бундан ҳеч нарса чиқмади. Умар ичишда давом этаверди. Бир куни кечаси уйқудан туриб кўрқиб кетдим. Умар: «Фахриддин Умаров ойнамизнинг тагида ашула айтиб ўйнаб турибди, уни бу ёққа чақир. Шундай одамнинг кўчада туриши яхши эмас» деб такрорларди. Шунда мен уни даволаш масаласи билан жиддий шуғулланиш кераклигини тушундим. Шу орада бўлиб ўтган яна бир воқеа қароримни қатъийлаштирди. Бир гал Самарқанддан қайтиб келаётганида Умар ўзини ёмон ҳис қилган ва Ургутга етмасдан шаҳар яқинидаги сил касалликлари шифохонасига мурожаат қилган. Шифохонадан телефон қилишгач, оёғимни кўлга олиб, ўша ёққа югурдим. Умарнинг юраги жуда тез-тез урар, қусар эди. Унга худди ҳозир жони чиқиб кетадигандай туюлган. Ўз



аҳволдан кўрқиб кетиб паспортига: «Наима, мен сени жуда яхши кўраман. Менинг умрим ниҳоясига етди, шекилли. Болаларимизни сенга топширдим» деб васият ҳам ёзиб қўйибди. Биз бутун имкониятни ишга солиб, уни ўзига келтирдик. Ўшандан кейин Умар бир қанча муддат ичмади. Ичмасликка ваъда ҳам берди. Бироқ дўстлари уни тинч қўйишмади. Фақат биз Самарқандга, ундан кейин Тошкентга кўчиб кетгач, у ичкиликбозликдан қутулди. 1964 йилдан 1988 йилгача, яъни умрининг охириги 24 йили мобайнида Умар бир қултум ҳам ичкилик, ҳатто пиво ҳам ичмади. У сўзининг устидан чиқди. Умар ҳеч қачон мени хафа қилмас, аксинча, доим кўнглимни олишга ҳаракат қилар эди.

Туман СЭСида ишлаб юрган кезларимда республикада, жумладан, Ургут туманида ҳам бўғма ва ич терлама касали тарқалди. Полиомиелит ва безгак касалликлари бўлса тобора камайиб борарди. Бўғма касаллигини камайтириш учун биз эмлаш ишларини олиб бордик. Бу касаллик билан оғриган беморларни ўз вақтида бошқалардан четлатиб, даволай бошладик, касаллик ўчоқларини дориладик. 1955 йил февраль ойида Жартепа қишлоғида бир неча киши бўғма касали билан оғригани аниқланди. Уларни дарҳол касалхонага жойлаштириб, аравада Жартепага йўл олдик. Жартепа бор-йўғи 50 та хонадондан иборат қишлоқча эди. Қишлоқда 400 нафарга яқин одам истиқомат қилар, уларнинг 150 нафари болалар эди. Уларнинг ҳаммасини рўйхатга олиб, биз ёппасига бўғмага қарши эмладик. Бўғма касаллиги аломати бор кишиларни дарҳол бошқалардан ажратдик, уларнинг бир қисмини участка, қолганларини туман касалхонасига жойлаштирдик. Бу билан чекланиб қолмасдан, яқин атрофдаги барча қишлоқларнинг аҳолисини ҳам эмлаб, уйларни дезинфекция қилиб чиқдик. Туман марказига қайтгач юзага келган вазиятни таҳлил қилиб, тумандаги барча болаларни бўғмага қарши эмлашга қарор қилдик. Бу иш бир ҳафта ичида якунланди ва яхши натижа берди. Май ойи охирига бориб, бўғма билан оғриган бирон киши ҳам қолмади. Ёзга бориб туманимиз бўғма касаллигини камайтириш бўйича илғор туман сифатида тилга олинди. Кейинги йилларда бўлса битта-яримта касаллар бўлди. Улар ҳам бўғманинг енгил тури билан хасталанган эдилар. Шундай қилиб, 1957 йилга келиб туманимизда бўғма касаллиги бутунлай йўқ қилинди. Бунинг учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги менга миннатдорчилик билдирди.

Айни ўша вақтларда туманда ич терлама ва полиомиелит касалликлари ҳам бор эди. Ич терлама касали билан оғриган беморларни ўз вақтида бошқалардан ажратар, дезинфекция ишларини ўтказар ва касаллик сабабларини қидирар эдик. Ич терлама касаллиги билан оғриганлар туман марказида кўп эди. Бунинг сабабини ўрганганимизда аҳолининг асосий қисми сой сувини ичиши маълум бўлди. Кўпгина хонадонларнинг ҳожатхоналари шу сой соҳилига қурилган эди. Шу боисдан сой суви касаллик манбаига айланган. Туманда водопровод йўқ эди. Яқин орадаги тоғда бўлса зилол сувли булоқлар бор эди. Масалани атрофлича ўрганиб чиққач, бу булоқлардан қувур ёрдамида сув келтириш масаласини юқори ташкилотлар олдига кўндаланг қўйдик. Мактубимизда кўрсатилган асослар етарли бўлди шекилли, бир неча ойдан сўнг булоқлардан қувурлар ёрдамида сув келтирилди. Натижада ич терлама касаллиги билан оғриган кишилар сони тобора камая борди ва, ниҳоят, бу касаллик барҳам топди. Айни чоғда республикада полиомиелит касаллигини барҳам топтириш учун Себин-Солк дориси билан эмлаш бошланди. Бу дори иссиқда тез бузилиб қолишини ҳисобга олиб эмлаш ишлари кечаси ва тунда амалга оширилди. Биз кечки соат ўнда Тошкентдан дори-дармон олиб келадиган машинани Самарқандда кутиб турар эдик. Бу суюқ дорини катта совутгич қутиларда Самарқандга олиб келишарди. Дорини олган заҳоти Ургутга қайтардик. Қоқ ярим кечаси тумандан тўпланган болаларни эмлар эдик. Олдиндан тайёрлаб қўйилган қанд бўлагига доридан икки уч томчи томизар ва болаларга тарқатар эдик. Бу иш уч кунда ниҳоясига етди. Оммавий эмлаш натижасида полиомиелит касаллиги тобора камая борди ва 1960 йиллардан сўнг Ургутда бирон киши бу касаллик билан оғримди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Самарқанд соғлиқни сақлаш бўлими бўғма, ич терлама ва полиомиелитни барҳам топтириш бўйича қилган ишларимни юксак баҳолашди ва мен «Меҳнат Қизил байроқ» ордени билан мукофотландим.

1955 йил 17 мартда ўғлим Ўктам туғилди. Дилбарни биринчи марта туққан аёллар каби одатдагича туққан эдим. Қизим эрталаб туғилди. Шу заҳотиёқ Умарга телефон қилиб хабар бергандим. Бироқ негадир у кечгача келмади. Мен асабийлашиб қиз туғилгани учун хафа бўлган бўлса керак, деб ўйладим. Бироқ кечга томон у жуда катта атиргул дастасини кўтариб келиб қолди. Гулдастанинг катталигидан унинг юзи

хам кўринмас эди. Ҳамширалар эрингиз келди, деб айтишгач, деразадан қараб, кўзим сон-саноксиз атиргулларга тушди. Ниҳоят гуллар орқасидан Умарнинг юзи кўринди. Унинг оғзи қулоғида эканлигини кўриб мен ҳам қувондим. Кечикканининг боиси у дарҳол Ургутдан чиқиб, етиб келолмаган экан. Кейин ҳам Умар Дилбарга бир умр меҳрибон бўлди.

Ўктамнинг туғилиши бир оз мураккаб кечди. Унинг оёғи олдиндан бўлиб туғилди. Тўлғоқ икки кун давом этди. Иккинчи куни унинг оёқлари чиққач, ўғил эканлиги маълум бўлди. Боланинг эсон-омон ва соғлом туғилганидан Умар жуда хурсанд эди. Ўша куниёқ уйимизни меҳмон босиб кетди. Улар эрталабгача зиёфатхўрлик қилишган. Умар: «Энди менинг ўғлим бор, ўғлим бор!» деб такрорлашдан чарчамаган. Ҳар иккала ҳолда ҳам болалар туғилишидан ярим ой, туғилганидан кейин бир ой ўтгачданоқ ишга чиқиб кетдим. Бироқ ҳомиладорлик таътили вақтларидан ҳам ишхонамнинг фаолиятидан бохабар бўлиб турдим. Шундай қилиб, 1955 йилга келиб икки фарзандим бор эди. Дилбар оғир-босиқ, фаҳм-фаросатли қиз бўлиб, ўйинчоқ ўйнашни яхши кўрар эди. Ўктам бўлса тўполончи эди. Ишдан ҳар куни ҳориб-чарчаб келар ва бир оз дам олиш учун оёқ узатар эдим. Аммо Ўктам ўзига эътибор талаб қилиб, қичқиргани-қичқирган эди. Умар икки кроват ўртасига ҳайинчак қуриб берди. Болани гоҳ у, гоҳ мен тебратиб чиқардик. Бир куни кечаси болани эмизиб, ҳайинчакка ётқизиб қўйдим. Негадир кўп вақт ўтмай, у йиғлай бошлади. Гоҳ Умар, гоҳ мен ҳайинчакни қанчалик тебратмайлик, у тўхтамай йиғлайверди. Бир пайт чироқни ёқиб қарасак, у кроватнинг тагида ётган экан. Қўлимга олган заҳотиёқ тинчиди-қўйди. Ўктам ўйинчоқларни жуда яхши кўрар эди. Икки ойлик бўлган чоғларданоқ ўйинчоқларнинг фарқини била бошлади. Бироқ қизиғи шундаки, қўлига қанақа ўйинчоқ тушмасин нукул оғзига тикарди. У бир ойлик бўлганида биз Самарқандга Саъдулла ака ва Ҳадича опаларни кига бориб келмоқчи бўлдик. Тўсатдан Ўктам йўлда бўғила бошлади. Кўрқиб кетиб орқага қайтдик. Бироқ, маълум бўлдики, унинг томоғига ҳаво кириб, ҳапқириб қолган экан. Болаларнинг соғлиги тўғрисида доим қаттиқ қайғурар эдим. Дилбар тез-тез томоқ оғриғи билан оғрир, Ўктамжон бўлса гоҳо шамоллаб турар эди.

Ишда бўлган вақтларимда болаларга олдин уй ходимамиз Рая, кейинчалик Мўмина опа ва Умарнинг амакисининг

хотини Улуғ опа қараб турар эди. Ўктам туғилган вақтда Дилбар анчагина катта бўлиб қолган эди. Укаси йиғлаганда у дарҳол ўйинчоқ бериб, уни тинчитарди. Ўктамнинг ҳаракатчанлиги ва қизиқувчанлиги кўпинча турли воқеаларга сабабчи бўларди. Бир куни ишдан қайтиб келиб, Улуғ опанинг Ўктамни кучоқлаганича титраб-қақшаб ўтирганини кўрдим. Ҳар иккови ҳам чурқ этмади. Булар бир ишни боплаган бўлишса керагов, деб ўйладим. Бу воқеа кеч кузда, одамлар қалин кийим кийишга ўтган вақтлари содир бўлган эди. Улуғ опа ошхонада таом тайёрлаётган пайтда болани кўздан қочирган. Ўктамжон ариққа тушиб кетган. Бироқ, афтидан, у кўрқмаган, устидаги кийим-боши билан оқим бўйлаб сузиб кетган. Бу ариқ каттагина бўлиб, ҳовлимиздан оқиб ўтар эди. Ўша вақтга келиб биз касалхонадан ўзимиз қурган уйга кўчиб ўтган эдик. Ариқдан булоқ суви оқар эди. Унда балиқлар ҳам ўйнаб юрарди. Кейин тахмин қилишимизча, Ўктамжон балиқ ушлайман деб ариққа тушиб кетган. Кўрқинчлиси шундаки, ариқ ГЭС қурилган шоввага бориб тақаларди. Сувга тушиб кетган Ўктамни кўриб, Улуғ опа дод солган, Ўктам бўлса кула-кула сузиб кетаверган. Яхшиямки, буни кўшни аёл кўриб қолиб, Ўктамни шоввага етмасдан илгари ариқдан чиқариб олган. Ҳамма хавотирда ва ташвишда эмиш-у, Ўктам нукул қиқир-қиқир кулармиш. Буларни эшитгач, мени кўрқув босиб, болани бағримга босдим. У бўлса кўзларини катта-катта очганча менга қараб кулиб турарди. Шу пайт Дилбар югуриб келиб тутила-тутила кўғирчоғини ухлатаётганда бувининг дод-войини эшитганини ва югуриб чиқиб Ўктамнинг оқиб кетаётганини кўрганини, ариққа тушиб, укасини қутқармоқчи бўлганини, лекин буви рухсат бермаганини айтди.

Бу воқеадан ярим йиллар ўтгандан кейин баҳор чоғлари Улуғ опа, Ўктамжон ва Дилбар кўшни аёлникига боришган. Уларнинг ҳовлисида чуқур қудуқ бор эди. Дилбар ҳар доимгидек кўшни хотиннинг қизи билан кўғирчоқ ўйнашга киришган. Ҳамма нарсани билишга интиладиган Ўктамжон бўлса бувининг кўшни хотин билан гапга овора бўлганидан фойдаланиб, қудуқ томонга борган. Қудуққа қараб, ўз аксини кўрган ва аксини ушламоқчи бўлиб, қудуққа тушиб кетишига оз қолган. Агар кўшни хотиннинг ўғли унинг оёғидан ушлаб олишга улгурмаганида, Ўктамжон қудуққа тушиб кетган бўлар эди. Бу унинг иккинчи «жанговар чиниқиши» эди.

Умар ҳам, мен ҳам кечгача ишда қаттиқ банд бўлардик. Ишдан қайтиб келгач, болаларимга китоб ўқиб беришга, эртақлар айтишга вақт топардим. Болалар эртақ эшитишни яхши кўришарди. Дилбар «Тугмача»ни, Ўктамжон бўлса «Уч оғайни ботирлар»ни яхши кўришарди. Бироқ уларнинг таълим-тарбияси учун бу кам эди. Шунинг учун ҳам мен Мўмина опани ёлладим, у болаларни ўқиш, ёзиш ва ҳисоблашга ўргата бошлади. Дилбар узоқ ўтириб, дарс тайёрлар эди. У ҳарфларни ва сонларни тезда ўрганиб олди. Ўктамжон бўлса бир жойда тинч ўтиролмасди. Бироқ, кичкина бўлса-да, Дилбардан қолишмасди. У ҳисоблашни яхши кўрарди. Мўмина опа болалар билар ўзбекча, биз бўлсак русча сўзлашардик. Шу боисдан болаларим ўзбекчани ҳам, русчани ҳам бир хилда билишар эди.

1957 йилда Ўзбекистон Олий Совети депутатлигига тумандан менинг номзодимни кўрсатишмоқчи бўлишди. Бироқ менинг партия аъзоси эмаслигим ва ота-онам «халқ душмани» эканлиги туфайли тавсиялар ўтмади. Бахтимизга 1958 йил бошида ота-онам оқланганлиги ва уларга қўйилган айбловлар, СССР Олий суди қароридан айрилганидек, «жиноят таркиби йўқлиги муносабати билан» олиб ташланганлиги ҳақидаги хушхабар келди.

### САМАРҚАНД ВИЛОЯТ САНЭПИДСТАНЦИЯСИ БОШ ШИФОКОРИ СИФАТИДАГИ ФАОЛИЯТИМ

Отам Маҳмуд Ҳодиев (Боту) расман оқлангандан сўнг ҳаётимда кескин ўзгаришлар содир бўлди. Аввалига, 1958 йилнинг май ойлари эди шекилли, мени райкомга чақаришиб, партияга ўтишни таклиф қилишди. Узоқ иккиландим. Охири фақат партия аъзоси бўлсамгина, ҳаётда оёққа маҳкам туриб олишим, шундагина мен билан ҳисоблашишлари мумкинлигини, бунинг устига ота-онам партия аъзолари бўлганликларини ва партия ғояларига чин дилдан ишонганликларини ҳисобга олиб, партияга киришга қарор қилдим.

Ургут СЭСида ишлашда давом этар эдим. 1958 йилнинг сентябрь ойида мени Самарқанд ижроқўми раисининг ўринбосари Б.Рашидова ўз ҳузурига чорлади. У менга вилоят СЭСи бош шифокори вазифасини таклиф қилди. Тўсатдан бўлган бу таклифдан бир оз шошиб ва ҳайратланиб қолдим. Бу

лавозимнинг уддасидан чиқаманми, йўқми, билмас эдим. Мендан олдин бу ташкилотда Драбинский ва Александрова каби йирик мутахассислар ишлаган эдилар. Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими бош эпидемиологи П.М.Лернорга маслаҳат солдим. У бу лавозимга бир неча номзодлар кўрсатилганлигини, улар орасидан мени танлашганини айтди. Чунки Ургут туман СЭСи кейинги вақтларда фақат Самарқанд вилоятидагина эмас, балки республика миқёсида илғор ҳисобланарди. Умарга бу таклиф ва шу муносабат билан Самарқандга кўчишимиз лозимлигини айтганимда, у хурсанд бўлди. 1958 йил октябрда мен янги ишга ўтдим. Энди битта эмас, балки 15 та туман ва 2 та йирик – Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларининг санитария-эпидемиологик ҳолатига масъул эдим.

Энг аввало, жойлардаги эпидемиологик ҳолатни, корхоналарнинг санитария-гигиена аҳволини ўрганишга киришдим. Туманларга чиқиб, у ерларда ишлаётган ходимлар, раҳбарлар билан танишдим. Туманларда, асосан, соҳани яхши биладиган мутахассислар ишлар эди. Мен тадбирлар режасини ишлаб чиқдим. Унга кўра ҳар ой туманларга чиқиб, кўчма йиғилиш ўтказадиган, йиғилишда бу туманда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар режасини тузадиган бўлдик. Туманга кейинги келишимда эса тадбирларнинг бажарилишини текширдим. Лозим бўлган ҳолларда режадан ташқари тадбирлар ҳам белгиланар эди. Масалан, 1963 йилда Нурота туманида ич терлама касаллиги қайд қилинди. Бу хабар бизга кечки соат саккизларда етиб келди. Дарҳол тегишли ходимларни йиғиб, эртасига соат бешда Нуротага йўл олдик. Қуёш чиққан пайтда у ерга етиб бордик. Бу жуда гўзал жой эди. Бир томонда тоғлар қад кўтариб турар, иккинчи томонда чўл ястаниб ётар эди. Тонг отар экан осмон пушти рангга тўлар, юлдузлар бирин-кетин сўнар эди. Кечга бориб бирданига қоронғи тушар эди. Қуёш ботганидан кейин сал ўтмай осмонда катталиги тухумдай келадиган юлдузлар пайдо бўлар эди. Назаримда уларнинг баъзилари тухумдан ҳам каттадек туюларди. Осмонга тикилиб қарасанг, тепангда йирик чироқлар осилган қозон тўнқарилганга ўхшарди. Ҳаво жуда тоза бўлиб, симириб нафас олгинг келарди. Тоза ҳавони симириб тўймасдинг. Нурота яқинидаги Ҳозфонда мармар кони бор эди. Ҳозфоннинг шундай биқинида икки томонда қоялар қад кўтариб туради. Уларнинг биттаси катта отнинг бошини,

иккинчиси отнинг орқасини эслатарди. Ривоятларга кўра, бу Александр Македонскийнинг оти эмиш. Жанг пайти халқдан чиққан бир баҳодир бир зарб билан бу отни иккига бўлиб ташлаган ва у мрамарга айланиб қолган эмиш.

Кечга яқин Нуротага вилоят соғлиқни сақлаш бўлими мудир В.И.Рашидов келди. Биргаликда келиб бўлими касаллик сабабларини ўргандик. Бундай ҳолларда қилиниши керак бўлган барча ишларни амалга оширдик. Беморлар шифохоналарга жойлаштирилди, касаллик ўчоқлари дезинфекция қилинди, касаллар билан алоқада бўлган кишилар аниқланиб, шифокорлар назоратига олинди, хасталикнинг олдини олиш чоралари кўрилди. Бундан ташқари Нуротанинг ўртасидан оқиб ўтадиган сойни ҳам дезинфекция қилдик. Нуроталиклар учун ягона ичимлик сув манбаи шу сой эди. Умумий овқатланиш муассасалари назорат остига олинди. Бу ерда икки ҳафта қолдик. Касалликни бартараф этганимизга ишонч ҳосил қилгач ва маҳаллий шифокорларга юқумли касалликларга қарши кураш усулларини ўргатганимиздан кейингина Самарқандга қайтдик.

Уйда мени бир янгилик кутиб турган экан – мен билан бир вақтда Самарқанддаги 7-поликлиникага бош врач бўлиб ишга ўтган Умар янги ишга, яъни вилоят касалхонаси физиотерапия бўлимига мудир қилиб тайинланибди. Бу ерда Ургутдаги ошнаимиз, оиламизнинг дўсти, ҳамшира Анна Николаевна Смолина ҳам ишлар эди. Болаларимиз Улуғ опанинг назоратида бўлиб, уйимиз яқинидаги боғчага қатнашар эди. Шу йилнинг сентябр ойида Дилбар мактабга бориши керак эди.

1960 йил 30-31 августда Тошкентда ошқозон-ичак юқумли касалликларига қарши кураш масаласида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда мен ҳисобот бердим. 1 сентябрда Дилбар илк бора мактабга чиқиши кераклигини ҳисобга олиб, йиғилишдан кейиноқ дарҳол Самарқандга қайтдим. Уйга келиб ҳайратга тушдим. Чунки Дилбар йўқ эди. Маълум бўлишича, Каттақўрғондан Умарнинг дўстлари келиб, қизимни меҳмонга олиб кетишибди. Кечки соат тўққиз бўлишига қарамасдан юк машинасига ўтириб, Каттақўрғонга йўл олдим. Қизимни олиб уйга қайтиб келганимда тунги соат икки эди. Бутун йўл бўйи қизим кўлимда ухлаб келди. 1960 йил 1 сентябрь эрталаб соат тўққизда Дилбар билан мактабга бордик. Қизим шундай қилиб, биринчи кўнгироқда иштирок этди. Ҳар бир боланинг

ҳаётида такрорланмас бу воқеадан қизимнинг бенасиб бўлишини истамас эдим. Табиатан мулойим бўлган қизим ҳали бўлиб ўтаётган воқеаларнинг моҳиятини яхши тушунмаса-да, биринчи кўнғироқда иштирок қилганидан жуда хурсанд эди. Ўқтамжон боғчага қатнашда давом этди. У жуда ҳаракатчан ва тўполончи бола эди. Бир жойда тинч ўтиролмас эди.

Вилоят СЭСида ишлар экан, юқумли касалликларни камайтириш, уларнинг олдини олиш, санитария назоратини амалга ошириш билан бир қаторда СЭС ҳовлисини ободонлаштиришга киришдим. Ташкилотимиз иккита бинода жойлашган эди. Уларнинг бирида лаборатория, иккинчисида, яъни Паразитология илмий текшириш институти биносида маъмурият, эпидемиология, санитария, дезинфекция бўлимлари жойлашган ва жуда сиқилиб ишлашга тўғри келар эди. Бу уйнинг кўшни йўлагидаги тўртта хонадонда одамлар истиқомат қилар эди. Уларнинг бирини менга ажратиб беришди. Мен бу йўлакда яшовчи хонадонларга бошқа уй олиб бериб, уларнинг ўрнига СЭС бўлимларини жойлаштиришга қарор қилдим. Ургутдаги уйимизни сотиб, Самарқанднинг Калининград кўчасидан икки хонали уйча сотиб олдик ва у ерга кўчиб ўтдик. Энди қолган учта хонадонга жой топиш керак эди. Бу масалада менга Самарқанд ижроқўми ёрдам берди. У ерга бир неча бор қатнаб, СЭС учун алоҳида бино кераклигини исботлашга тўғри келди. Ниҳоят, ижроқўмдагилар масалани тушунишди. Гарчанд шаҳарда уй-жой масаласи жуда мураккаб бўлишига қарамасдан, турар жой даҳаларидан биридан учта хонадон учун жой беришди. Бу хонадонлар кўчиб кетгач, СЭСнинг асосий биносини таъмирлашга киришдик. Эндиликда икки қаватли бу уй фақат СЭСники бўлиб қолди. Биринчи бўлиб қилган ишимиз Паразитология институти билан СЭС ўртасида девор қуриш бўлди. Таъмирдан кейин СЭСимиз шинам бўлиб қолди. Ходимларнинг кучи билан СЭС ҳовлисига дарахтлар ва гуллар экдик. 1960 йилнинг бошида Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари К.С.Зоиров ва шаҳар ижроқўми раиси СЭС фаолияти билан танишгани келишди. Қилинган ишлар уларга жуда маъқул бўлди. Раҳбарлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти йўли билан бизнинг СЭСимизда республикада биринчи бор санитария маорифи бўйича семинар ўтказишга қарор қилишди. Бу семинарга турли мамлакатлардан, асосан, Африка ва Осиё мамлакатларидан меҳмонлар чақириладиган бўлди.



1960 йил ўрталарида семинар жуда юксак даражада ўтди. Қатнашчилар мамнун бўлишди. Менга Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Соғлиқни сақлаш аълочиси» нишонини берди, вилоят ижроқўми бўлса миннатдорчилик эълон қилди. Шу воқеадан кейин вилоят раҳбарларининг назарига тушдим шекилли, кўп ўтмай Самарқанд вилоят партия кўмитаси аъзоси ва вилоят кенгаши депутати этиб сайландим. Эндиликда мени турли-туман жамоат ишларини бажаришга жалб этадиган бўлиб қолишди.

Вилоятнинг биринчи раҳбари бўлган А.М.Маҳмудов аёллар ўртасида иш олиб бориш ҳақида шахсан топшириқ берди. Мен уларнинг ўзлигини танишида ёрдам беришим, эрлари ва бошқа қариндошларини уларни хўрлашларига йўл қўймаслигим керак эди. Шу муносабат билан тушган кўймаслигим керак эди. Шу муносабат билан тушган шикоятларни текшириш, зиддиятларнинг сабабини аниқлаш ва бартараф қилиш учун жойларга тез-тез бориб турардим. 1961 йилда вилоят партия кўмитасида узоқ қишлоқлардан келган икки юз нафар аёл тўплангани эсимда. Уларнинг кўпи ёш болаларини эргаштириб келган эдилар. Менга йиғилишда «Оила ва жамиятда аёлнинг роли» мавзуида маъруза қилишни топширишди. Қўлимдаги матн бўлса рус тилида ёзилган бўлиб, матнни йўл-йўлакай таржима қилиб сўзлашга тўғри келди. Ҳар ҳолда бу ишни уддалай олдим. Аёллар ўртасида олиб борган ишим яхши баҳо олиб, мени Фахрий ёрлиқ билан мукофотлашди.

Болаларимнинг ҳаёти бўлса бошқа болаларники сингари бир зайлда кечарди. Дилбар мактабга, Ўктамжон боғчага қатнарди. Ўктамжон боғчага уч филдиракли велосипедда Улуғ опанинг назоратида бориб келарди. Йўл-йўлакай чарчаса ёки дангасалиги тутиб қолса, у велосипедни тўхтатиб, бувисидан кўтаришни талаб қилар эди. Шундай қилиб бир қўлида олти ёшли болани, иккинчи қўлида велосипедни кўтариб олган Улуғ опа уйга ҳориб-чарчаб қайтарди. Унинг чарчаганини кўрган Ўктамнинг раҳми келиб, бувисини кучоқлаб ўпар, чой олиб келиб берарди. Дилбар мактабга ўзи қатнар, аъло ўқир, ҳеч қачон шикоят қилмасди. Умар ичкилик ичишни йиғиштирган бўлса-да, Ургутдан дўстлари келиб қолгудай бўлса, оз-оз ичиб қўярди. Фақат 1966 йилга келибгина у ичкиликни бутунлай ташлади.

Бу вақтларда вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Д.А.Мусаева эди. У эндигина турмушга чиққан ёш аёл эди. У

хомиладорлик муносабати билан таътилга чиққан вақтлари мени унинг вазифасини бажарувчи қилиб тайинлашарди. Шундай қилиб, 1962 йилгача икки вазифани кўшиб олиб бордим.

1963 йилнинг баҳорида Варшава Шартномаси мамлакатларининг режасига мувофиқ, фуқаро мудофааси бўйича республикада машқлар ўтказиладиган бўлди. Юқумли касаллик ўчоғини барҳам топтириш машқларнинг мавазуси қилиб белгиланган эди. Мамлакат раҳбарияти машқларни Самарқанд вилоятининг Хашров қасабасида ўтказишга қарор қилди. Қасаба билан Самарқандни бир сой ажратиб турарди. Бу ерда беш минг киши истиқомат қиларди. Машқларга тайёргарлик кўриш кутилганидек, албатта, СЭСимизга топширилди. Машқ ўтказиш режасини ишлаб чиқиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоят ижроқўмининг розилигини олдик. Режада деярли ҳамма нарса – касалларни аниқлаш, касаллик ўчоғини дезинфекция қилиш, эмлаш ишларини ўтказиш, сув таъминоти ва овқат тайёрлаш ишларини назорат этиш кўзда тутилган эди. Барча участкаларга СЭС шифокорлари бириктирилди. Машқларда СССР Министрлар Совети Раисининг муовини, Варшава Шартномаси мамлакатлари Министрлар Советларининг Раислари, Ўзбекистон Министрлар Советининг Раиси Р.Қурбонов, Ўзбекистон Компартияси МКнинг иккинчи котиби М.Ф.Карлов иштирок этишди. Улар ҳузурида юқумли касаллик ўчоғини барҳам топтириш бўйича олиб борилаётган ишларни аниқ ва батафсил изоҳлаб турдим. Ҳимоя кийимлари кийиб олган ходимларимиз бўлса берилган топшириқларни аниқ бажаришарди. Менинг изоҳларим билан қилинаётган ишлар бир-бирига мувофиқ эди.

Ўқув машқларидан сўнг берилган зиёфатда Москвадан келган олий мартабали амалдор машқларни яхши ташкил этганимиз учун вилоят раҳбарлари ҳамда менга миннатдорчилик билдирди. Дўст мамлакатлар раҳбарлари ҳам бу ўқув машқлари, юқумли касаллик ўчоғини бартараф қилиш тадбирлари уларга кўп янгиликлар берганини айтиб, миннатдорчилик изҳор этишди. Р.Қ.Қурбонов зиёфат вақтида менга «Фуқаро мудофааси аълочиси» нишонини тақдим этди. Ўқув машқларидан кейин ҳаётимиз яна одатдагидек кеча бошлади.

## ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИ МУОВИНИ СИФАТИДАГИ ФАОЛИЯТИМ

Ўқув машқларидан кейин бир неча кун ўтгач, эпизоотик вазиятни ўрганиш учун Пастдарғом туманига кетдим. Тўсатдан мени телефонга чақириб қолишди. Вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг котибаси мени Тошкентга чақирдишанини, бутуноқ вазирликда бўлишим кераклиги айтди. Чақирдишларининг сабаби тўғрисида индамади.

Ичимдан зил кетиб Самарқандга йўл олдим. «Медицинский работник» газетаси мухбири Головин Самарқанд суяк сили санаториясида ич терлама касаллиги рўй бергани ҳақида ёзган эди. Ҳақиқатан ҳам шундай ҳодиса бўлган ва биз зарур чораларни кўрган эдик. Ўн кун ўтган бўлса-да, бу касаллик бошқа қайд қилинмаган эди. Мени шу ҳодисани тафтиш қилиш учун чақирдишган бўлсалар керак, деб ўйладим. Бу ҳодисага оид барча ҳужжатларни олиб, Умар ва Улуғ опани оғоҳлантириб, «Москвич»га ўтириб, Тошкентга йўл олдим. Етиб келган заҳоти вазир Б.Х.Маҳсумов хузурига кирдим. Вазир ич терлама касаллиги ҳақида ҳеч нарса сўрамади. У фақат тушдан кейин Ўзбекистон Компартияси Марказқўмига боришим кераклиги, олдин ташкилий бўлим мудири Я.Зокировга, ундан кейин Ш.Рашидов хузурига киришим лозимлигини айтди. «Нима учун чақирдишгани ўша ерда маълум бўлади», деди у. Бундан жуда ташвишландим ва Сиддиқ амакимнинг ёнига югурдим. Сиддиқ амаким мени юпатиб деди: «Наима, ҳаётингда жуда кўп қийинчиликлар бўлиб ўтди, агар камчиликлар учун сени оғоҳлантиришса, ёки жазолашса-да, сабр қилгин. Худо хоҳласа, бу балки охириги кўргилик бўлар. Кўрқмасдан боравер. Диққат билан кулоқ сол, баҳслашма, сўраган саволларига жавоб бер, холос».

Сиддиқ амакимнинг ўғитларидан руҳланиб Марказқўмга кетдим. Я.Зокировнинг қабулхонасида ўша пайтда Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиология бошқармасининг бошлиғи В.М.Бойко ҳам қабулни кутиб ўтирган экан. Уни кўриб-оқ хавотирим баттар ошди. «Албатта, мени суяк сили санаториясида содир бўлган хасталик юзасидан чақирдишган», деб ўйладим. Бойкодан бу ҳақда сўраганимда, у: «Билмасам, мен ва сизни нимага чақирдишганига ўзим ҳам ҳайронман», деди. Аввалига, В.М.Бойкони қабул қилишди. У

Я.Зокировнинг ҳузурида узоқ қолиб кетди. Қайтиб чиққанида хурсандлиги юзидан шундоқ кўриниб турар эди.

«Худога шукур, у осон қутулибди» деб ўйладим ва ундан: «Нима гап экан?» деб сўрадим.

- Ҳозир ўзингиз кириб чиқасиз, нима гаплигини шунда биласиз. Ундан кейин биз Ш.Р.Рашидов ҳузурига борамиз, - деб жавоб берди у.

Я.Зокиров мени жилмайиб кутиб олди. Ўтирганимдан сўнг, қариндошларим, ишим, ўзим ҳақимда сўраб-суриштира бошлади. Барча саволларга қисқа-лўнда жавоб бердим. У негадир нимага мени чақирганлигини айтмади. Суҳбат сўнгида «Қани энди, кетдик, Ш.Р.Рашидов ҳузурига борамиз», - деди холос.

Учовимиз ҳам Марказқўмнинг учинчи қаватига кўтарилдик. Ўша пайтда Марказқўм Гоголь кўчасида жойлашган эди. Я.Зокиров қабулхонада кутиб ўтиришимизни тайинлаб, ичкарига кириб кетди. В.М.Бойконинг ўзини қандай ҳис қилганини билмайману, менинг юрагим ҳапқирар, безовта эдим. Устимдан оғир бир тош бостириб кўйганга ўхшарди. Чунки бу юқори ташкилотга биринчи марта келишим эди. Олдин В.М.Бойкони, сўнг мени чақирди. Тўрдаги стол орқасида Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг биринчи котиби Ш.Р.Рашидов, ён томондаги стол атрофида бўлса, Марказқўмнинг иккинчи котиби М.Ф.Карлов, Ўзбекистон Министрлар Советининг Раиси Р.Қ.Курбонов ва Я.Зокировлар ўтиришарди. Ш.Р.Рашидов сал кўзғалиб, узун стол этагида турган курсига ўтиришимни таклиф қилди. Сўнг шошмасдан, салмоқлаб сўрай бошлади.

- Сиз бу кишиларни танийсизми? (Мен бош ирғадим) Улар Самарқанддаги фуқаролик мудофааси машқларидан қайтиб келганларидан сўнг сизни ғайратли, қатъиятли, камтар инсон сифатида мақташди. Мен сиз ҳақингизда Самарқанд ижроқўми раиси Г.Г.Юсуповдан ҳам суриштирдим. У ҳам буни тасдиқлади. Шу боис уларнинг сўзларига ишонч ҳосил қилиш учун сизни чақиртирдим. Аниқлашимга қараганда, сиз таниқли ёзувчи Ботунинг қизи экансиз, тўғрими? (Мен яна бош ирғадим) Менда яхши таассурот қолдирдингиз. Шунинг учун ҳам сизга Соғлиқни сақлаш вазирининг даволаш ишлари бўйича муовини вазифасини таклиф қилмоқчиман. В.М.Бойкога бўлса, вазирнинг санитария-эпидемиология

масалалари бўйи биринчи муовини вазифасини таклиф қилдик. Нима дейсиз, розимисиз?

Кутилмаган таклифдан ҳайратга тушган эдим.

- Бу ишнинг уддасидан чиқа олармиканман? Ахир, бир неча йилдан бери санитария-эпидемиология ишлари билан шуғулланаётган бўлсам, - дея олдим холос.

- Ахир, сиз даволаш факультетини битириб, беш йилдан кўпроқ даволовчи врач бўлиб ишлагансиз-ку. Қишлоқда ишлагансиз, у ердагиларнинг муаммоларини яхши биласиз. Бу нур устига нур. Хўш, нима дейсиз?

- Менинг эрим ҳам самарқандлик шифокор. Энг аввало, у билан маслаҳатлашим керак. Унинг иши нима бўлади?

Ш.Р.Рашидов кулди. (У билан ишлашга тўғри келган кейинги йилларда уни доим жилмайиб турган ва хушмуомала ҳолда кўрганман. Лекин унинг кулганини биринчи бор кўриб туришим эди). Ўзимни бутунлай йўқотиб қўйдим. У кулиб бўлгач, деди:

- Албатта, уйга қайтиб эрингиз билан маслаҳатлашиб олинг. Унинг ишига келганда бўлса, наҳотки вазир ўринбосари бўла туриб, Тошкентда унга муносиб бир иш топиб бера олмасангиз? - сўнг жилмайиб давом этди. - Бу ерда бўлиб ўтган гап-сўзлар ҳақида ҳеч кимга айтманг. Ўн кундан сўнг лавозимга тасдиқлаш учун сизни бюро йиғилишига чақирамиз.

Ш.Р.Рашидовнинг хонасидан чиққач, нима қилишни ва қаерга боришни билмай, ҳайрон бўлиб, қаққайиб турардим. Кейин чиқиб келган Я.Зокиров менга далда берди. Шундан кейин Сиддиқ амакимникига кетдим. Хабарни эшитган амакимнинг боши осмонга етди. «Худо бор экан-ку!» - деди у. Ўша куниёқ Самарқандга қайтдим. Бўлиб ўтган гапларни эшитган Умарнинг хурсандлигини кўрсангиз эди.

- Гап ҳам бўлиши мумкин эмас, албатта, Тошкентга кетамиз! - деди у.

Биз чақирришларини кута бошладик. Дарҳақиқат, ўн кундан сўнг вазир ўринбосари лавозимига тасдиқлаш учун мени бюро йиғилишига чақирришди. Йиғилиш залига пиллапоялардан кўтарилар эканман, ҳаяжондан оёқларим юрмай қолаётгандай бўларди. Қандай қилиб қабулхонага етиб борганимни эслай олмайман. Менга шу ерда кутиб ўтиришни тайинлашди. Хаёлимда ҳар бир дақиқа бир соатдек туюларди. Ўн беш дақиқадан сўнг олдин В.М.Бойкони, сўнг мени залга таклиф этишди. Узун стол атрофида Ўзбекистон Компартияси

Марказқўми аъзолари, Олий Совет Раиси, Министрлар Совети Раиси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик қўмитаси, Тошкент шаҳар ва вилоят партия қўмитаси раҳбарлари ўтиришар эди. Девор тагидаги курсиларда вазирлар ва бошқа нуфузли давлат арбоблари ўтиришар эди. Ҳаммаси бўлиб ўттиз кишидан ортиқ қатнашчи бор эди. Я.Зокиров менинг таржимаи ҳолимни, меҳнат фаолиятимни, Самарқанд вилоят партия қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазири томонидан берилган тавсифномаларни ўқиб берди ва Соғлиқни сақлаш вазирининг муовини этиб тасдиқлашга муносиб эканлигимни айтди. Ш.Р.Рашидов бюро аъзолари ва аъзолигига номзодларга мурожаат қилиб, бу масала юзасидан ўз фикрларини айтишни таклиф қилди. Сўзга чиққанларнинг ҳаммаси Я.Зокировнинг таклифини қўллаб-қувватлашди ва мен бир овоздан вазир ўринбосари этиб тасдиқландим. Шундан сўнг Ш.Р.Рашидов менга қараб: «Энди Соғлиқни сақлаш вазирлигига бориб, ишга киришинг», - деди. Мен ҳам шундай қилдим. Фақат Умарга телефон қилиб, мени тасдиқлашганини айтдим. Вазирликдан Самарқанд соғлиқни сақлаш бўлимига мени янги ишга тайинлаганликлари ҳақида телеграмма юборишди. Бўлим мудири Д.А.Мусаева, соғлиқни сақлаш бўлими ва вилоят СЭСининг барча ходимлари жуда ҳайрон бўлишган, сўнг қувонишган. Бу табиий, чунки бундай ҳолларда кимдир қувонади, кимдир афсусланади, кимдир ҳасад қилади. Умар билан гаплашганимда у: «Бу ёққа келиб юрма, ҳамма ишни ўзим саранжом-сарийшта қиламан, уйни сотаман. Сўнг болаларни олиб, Тошкентга етиб бораман», - деди. Ҳақиқатан ҳам бу ишларни у тез орада ҳал қилиб, икки ойдан сўнг болаларни ва нарсаларни олиб, Тошкентга келди.

Лавозимга тасдиқланган кундан бошлабоқ Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги фаолиятим бошланди. Вазир ўринбосари даволаш, педиатрия иши, кадрлар ва таъминот билан боғлиқ масалаларни бошқарарди. Янги лавозимда иш бошлаганимдан кейин бир неча кун ўтгач, ҳузуримга собиқ вазир ўринбосари К.Г.Бобрини кириб келди. У жуда хафа кўринарди. Гарчи мени унинг ўрнига тайинлашган бўлсалар-да, биз илгаригидай дўст бўлиб қолган эдик.

- Тинчликми, нима бўлди, - деб сўрадим.

К.Г.Бобрини таътилга кетишидан олдин уни бўшатишлари ҳақида огоҳлантиришганини айтди. У вазирликда етти йилга яқин ишлаган эди. Унга Сил касалликлари илмий тадқиқот

Д. Абдурашидов

институти ташкилий-услугий бўлимнинг мудири лавозимини таклиф этишган. Бу институтда таниқли олим, профессор Ш.А.Алимов директор бўлиб ишларди. К.Г.Бобринна таклифга рози бўлиб, бамайлихотир дам олишга жўнаб кетган. Таътилдан қайтиб келиб, янги ишга борса, у ерда бундай лавозим йўқлигини айтишган. Шу боисдан нима қилишини билмай, менинг ҳузуримга келган экан. Вазирликнинг режа бўлими мудири А.Г.Темиргалиевни чорлаб, «Нега бундай бўлди?» деб сўрадим. У Сил касалликлари илмий тадқиқот институтида бу лавозимни очиб, сўнг Клавдия Григориевна Бобринани у ерга жўнатишимиз кераклигини, бироқ Ш.А.Алимов унинг номзодига эътироз билдираётганини айтди. Чунки Клавдия Григориевнанинг илмий даражаси йўқ эди. Мен «Бобринани ишга олишга Ш.Алимовни мажбур қиламиз», дедим. Бироқ бу гаплардан сўнг Клавдия Григориевна у ерга ишга боришдан бош тортди. Унга Онкология ва радиология илмий тадқиқот институтидаги ана шундай лавозимни таклиф қилдим. У рози бўлди. Дарҳол бу институтнинг директори, профессор Д.Абдурашидовга телефон қилиб, вазирлик ана шундай лавозимни тасдиқлаганини ва бу ишга К.Г.Бобринани юбораётганини айтдим. Директор рози бўлди. Клавдия Григориевна у ерда муваффақият билан ишлай бошлади. «Илмий даражаси йўқ», деган гап унга қаттиқ алам қилган экан, номзодлик диссертациясини тайёрлаб, 60 ёшида уни муваффақиятли ёқлади.

1965 йилда ҳузуримга профессор Э.И.Отахонов келди. Унинг муаммоларини кўриб чиқиб ҳал қилгач, соғлиқни сақлаш соҳасининг долзарб масалалари ҳақида узоқ суҳбатлашдик. Суҳбат вақтида Эргаш Исабоевич «Ўзбекистонда ички медицинанинг ривожланиши» мавзусида номзодлик диссертацияси устида иш бошлашини таклиф қилди. Бу мавзу устида у кўп йиллардан бери ўйлаб юрар, уни рўёбга чиқарадиган муносиб номзод топмаган эди. Мен бўлсам кўп йиллардан бери илм билан шуғулланишни ният қилиб, материал йиғиб юрганлигимни, бироқ ҳеч қўлим тегмаётганлигини, қачондир фан номзоди бўлиш умиди ҳам сўнганлигини айтдим. Эргаш Исабоевич мавзунинг жуда долзарб эканлигини, республика учун ўтмишдаги ва бугунги кундаги буюк тиб олимларининг фаолиятини ёритиш жуда зарурлигини, вазирликдаги ишим бу ишга халақит бермаслигини, аксинча, ёрдам беришини таъкидлади.

Э.И.Отахонов мени ишонтирди. Шу кундан бошлаб вақт топдим дегунча, архивларни кавлайдиган, илмий адабиётларни уйга олиб кетиб ўқийдиган бўлдим. Олимларнинг таржимаи ҳолинигина эмас, балки уларнинг илмий йўналишларини ҳам диққат билан ўргандим. Бу иш мени шу даража қизиқтириб қўйдики, вафот этиб кетган машҳур шифокорларнинг қариндошларини излаб топиб, улар билан суҳбатлаша бошладим. Улар билганларини эринмай ҳикоя қилишар, мен бўлсам қогозга тушириб борар эдим. Ҳозирда ҳаёт бўлган атоқли шифокорлар билан ҳам учрашдим.

Диссертация мавзуга оид жуда кўп материал тўплладим. Ўтмишда яшаб ўтган Абу Али ибн Сино, Журжоний сингари машҳур тиб олимларининг, шунингдек, Ўзбекистонда яшаган замондош тиб олимларининг ҳаёти ва ижодини, илмий кашфиётларини ёритдим. Тадқиқотда медицина хизматини ташкил этиш нуқтаи назаридан терапевт олимлар фаолиятининг асосий йўналишларини очиб бердим. 1968 йил октябрида илмий ишни ҳимоя қилдим. Академик И.А.Кассирский ва Б.Д.Петровлар ишга оппонент бўлишди. Ҳимоядан олдин у билан боғлиқ баъзи кўнгилисиз воқеалар бўлиб ўтди. Ҳимояга соя соладиган бирон-бир воқеа бўлади, деб ҳеч кутмагандим. Ҳимоя 20 октябрга тайинланган бўлиб, бу ҳақда матбуотда хабар ҳам босилиб чиққанди. Тўсатдан Кассирскийнинг Тошкентда яшайдиган укаси менга Иосиф Абрамовичнинг ҳимояга келолмаслигини айтди. Чунки у Илмий кенгаш котибидан ҳимоя бекор қилиниб, номаълум муддатга кўчирилганлиги ҳақида телеграмма олган экан. Дарҳол Иосиф Абрамовичга кўнғироқ қилдим. Гўшакни унинг хотини олди. Воқеани эшитгач, аёл мени юпатиб, тасалли берди ва деди:

- Ҳеч хавотирланманг, Иосиф Абрамович телеграммага ишонгани йўқ. У аллақачон Тошкентга йўлга чиқди. 19 октябрда уни вокзалда кутиб олинг. У 5-поездда кетди.

Мен махсус кенгаш илмий котибига кўнғироқ қилдим. Котиб ҳеч қандай телеграмма юбормаганлигини айтди. Шундан кейин дарҳол илмий раҳбарим Э.И.Отахонов ёнига югурдим. У ўша пайтда оғир касал бўлиб, шифохонада даволанаётган эди. Телеграмма ҳақида эшитгандан сўнг, у деди:

- Ҳеч ташвишланманг, бу душманларимнинг иши. Улар мендан ўч олишмоқчи. Сиз бамайлихотир ҳимояга



тайёрланинг, бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйламанг. Мен бир илож қилиб, оёққа туриб, ҳимоянгизда қатнашишга ҳаракат қиламан.

Афсуски, раҳбарим ҳимоядан икки кун олдин, 1968 йил 18 октябрда вафот этди. Махсус кенгаш ҳимояни бекор қилмади ва Эргаш Исабоевичнинг хотирасини ҳурмат қилиб, ҳимояни белгиланган куни ўтказди. Ҳимоя аъло даражада ўтди. Мен тадқиқотнинг асосий жиҳатларини баён этиб бердим. Кейинчалик менга айтишларича, берилган саволларга моҳиятан аниқ ва лўнда жавоб берганман. Оппонентим Иосиф Абрамович Кассирский жуда яхши сўзлади. Ваҳоланки, телеграммадан ташқари унга «думалоқ хат» ҳам юборишган экан. Бу хатда менинг терапевт эмаслигим, бу фаннинг ўзига хос жиҳатларини билмаслигим учун терапевтика тарихини етарли даражада илмий ёрита олмаслигим тўғрисида ёзилган экан. Думалоқ хат муаллифи, афтидан, менинг даволаш факультетини битирганимни ва даволовчи шифокор бўлиб ишлаганимни билмас экан, шекилли. У И.А.Кассирскийдан ҳимояга келмасликни ва ўзини шарманда қилмасликни, чунки берилган бирорта саволга менинг жавоб бера олмаслигимни таъкидлаган. Ҳимоя ўтиб бўлгандан сўнггина Иосиф Абрамович ана шундай хат олганлигини айтди. У хат муаллифининг ҳафтафаҳмлиги ва ҳеч нарсадан хабари йўқлигидан ҳайрон бўлган. Чунки у ишни диққат билан ўрганиб, қобилиятимга ишонч ҳосил қилган эди. Унинг фикрича, тадқиқот илмий асосланган бўлиб, кўпгина қизиқарли ва фойдали маълумотлар келтирилган. «Шунинг учун ҳам, - деди И.А.Кассирский, - бу думалоқ хатни олиб ҳайрон бўлибгина қолганим йўқ. Ўзбекистоннинг илмий оламида бундай ярамас кишилар борлигига хафа ҳам бўлдим. Хатга ҳам, телеграммага ҳам эътибор бермай, бу ерга келиб ҳимоянгизда қатнашганимдан жуда хурсандман. Сизни табриклайман! Сиз жуда яхши ҳимоя қилдингиз!»

Соғлиқни сақлаш иши ташкилотчиси бўлган академик Б.Д.Петров диссертациямда ташкилий-тарихий стандартларга риоя қилинганлигини, бу иш мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тарихига муносиб ҳисса бўлиб қўшилишини айтди. Шунини айтиш керакки, Б.Д.Петров ҳимоядан олдин ишимни кўриб чиққан, фикрларини билдириб, камчиликларини кўрсатган ва мен уларни тузатган эдим. Шу воқеалардан сўнг биз у билан дўст бўлиб қолдик. Ўзбекистонга келганида у доимо менинг

меҳмоним бўлар, Москвага бориб қолгудай бўлсам, унинг меҳмони бўлар эдим. Ҳар гал биз дилдан узоқ суҳбатлашар, вазир ўринбосари лавозимида ишлаш учун керак бўлган жуда кўп ва янги маълумотларни домладан олар эдим.

Ҳимояда менга сўнгги сўз ҳам беришди. Одатдагича, ҳимояда қатнашган барча кишиларга миннатдорчилик билдирдим. Гап илмий раҳбаримга миннатдорчилик билдириш устига келиб тақалганда, ўзимни тўхтата олмадим. Ўз-ўзидан кўзим ёшга тўлди ва залда ўтирганлар Э.И.Отахоновни эслаб ўринларидан туришди. Ярим йилдан сўнг Москвадан ҳимоям тасдиқланганлиги ва менга тиббиёт фанлари номзоди унвони берилганлиги ҳақида хабар келди.

Диссертация устида ишлаш давомида йиғган материалларимдан фойдаланиб, «Ўзбекистонда терапиянинг ривожланиш тарихи» номли монография ёздим ва уни устозим академик Э.И.Отахоновга бағишладим. Энди олдимда докторлик диссертацияси устида ишлаш масаласи кўндаланг бўлиб турарди.

1965 йилнинг ёзида оиламиз билан Иссиқкўлдаги Қайсари пансионатига дам олишга кетдик. Умарнинг дўсти – Аҳмедов оиласи ҳам бу ерда дам олаётган эди. Аҳмедов Давлат банкида ишлар эди. Шундоққина кўл соҳилида жойлашган кичкина коттежни бизга ажратиб беришди. Ҳаво жуда иссиқ эди. Сув ҳам илиқ бўлиб, ҳар куни чўмилардик. 13 июнь куни туш пайтида ижарага қайиқ олиб, узоқдаги оролчага сузиб бордик. Соҳилга чиқиб жойлашдик. Болалар чўмила бошладилар. Бирдан Ўктамжоннинг «Ойи, ёрдам беринг, ойи, ёрдам беринг!» деган қичқириви эшитилди. Соҳилга югурдик. Қарасам, Ўктамжоннинг боши сув устида бир кўриниб, бир йўқ бўлиб кетарди. Ўшанда у атиги 10 ёшга тўлган эди. Мен сузишни билмасдим. Кўрққанамдан овозим чиқмай, оёғим юрмай қолди. Овозим чиқмагани учун Умар томонга қараб, кўлларимни силкий бошладим. Аҳмедов имо-ишораларимга эътибор қилиб, Ўктамнинг дод-фарёдини эшитиб қолди. У кийим-бошини ечмасданоқ ўзни сувга ташлади ва Ўктамжонни олиб чиқди. Бола оқариб кетган эди. Умар билан Аҳмедов дарҳол унинг кўкрагини босиб, сунъий нафас олдира бошлашди. Боланинг ичидан кўп сув чиқди. Ниҳоят, у кўзини очди. Боланинг ёнига келиб, сочларини силай бошладим. Тилим ҳамон калимага келмас эди. Анча вақт ўтгач ўзимга келиб, нима бўлганини ўғлимдан сўрай бошладим. Маълум

бўлдики, у гирдобга тушиб, оёқларининг томири тортишиб қолган. Шунинг учун, гарчи сузишни билса-да, гирдобдан қутулиб чиқа олмаган. Агар Аҳмедов бўлмаганида ким билади, ўғлимнинг тақдири нима билан якунланарди?! Дарҳол пансионатга қайтиб келдик. Шундан кейин болаларни ёлғиз чўмилишга юбормайдиган бўлдим. Кўп ўтмай уйга қайтдик.

Шу воқеадан кейин Ўктамжонни сузиш спортига жойлаштирдим. Бироқ у бу ерга кўп қатнамади. Сал ўтгач, енгил атлетика бўлимига ўтди ва ёшлар орасида яхши спортчилардан бири бўлиб етишди, собиқ иттифоқнинг турли мамлакатларига бориб, мусобақаларга қатнашди, I ва II даражали дипломлар олди. Енгил атлетика билан шуғулланиш унинг характерини ва иродасини чиниқтирди.

Иссиққўлдан Тошкентга қайтиб келарканмиз, мени таътилдан чақириб олишди. Чунки Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятида вабо касали тарқалган эди. Ишга чиқсам, вазир Қорақалпоғистонга, унинг биринчи ўринбосари Хоразмга кетган экан. Мутахассислар, дори-дармон ва вабо ўчоғини йўқ қилиш учун зарур бўлган барча нарчаларни жўнатиш иши зиммамга тушди. СЭСда ишлаган пайтларимда орттирган тажрибам вабо эпидемиясини йўқ қилиш билан боғлиқ масалларни ҳал қилишда менга кўл келди. 1965 йилгача мамлакатда вабо барҳам топтирилган деб ҳисобланар эди. Шунинг учун ҳам Қорақалпоғистонда бу касалликнинг пайдо бўлиши бутун мамлакатда фавқулодда воқеа бўлди. Ўзбекистонга иттифоқнинг барча республикаларидан мутахассислар юборилди. Медицина фанлари академиясининг президенти, вирусолог академик Тимаков, пеницилинни кашф қилган академик Ермолаева, жаҳонда машҳур вирусолог Жуков-Вережников ва бошқа йирик олимлар бу ерга келишди. Мен уларни Қорақалпоғистонга жўнатдим. Ўзимизнинг профессор И.К.Мусабоев, профессор Ш.Т.Хўжаев ва бошқа инфекционист мутахассисларимиз ҳам у ерга юборилди. Бундан ташқари Ўзбекистон ва иттифоқ медицина институтларининг юқори курс талабалари ҳам сафарбар қилинди. Уч ой ўтмай вабога барҳам берилди.

Шу орада соғлиқни сақлаш вазирини алмаштиришди. К.С.Зоиров вазир бўлди. Айти чоғда даволаш масалалари бўйича биринчи муовин лавозимини жорий этишди. Бу ишга Ў.О.Орипов тайинланди.

1966 йилнинг апрелида тўсатдан Тошкентда кучли зилзила содир бўлди. Зилзила маркази шаҳарнинг марказида – Олой бозори ёнида жойлашган Қашқар маҳалласида эди. Зилзила оқибатида кўпгина уй-жойлар, жумладан шаҳар марказида жойлашган болалар шифохонаси вайрон бўлди. Шаҳарнинг бошқа бир қанча касалхоналари авария ҳолатига келди. Ер қимирлашлари бир неча ой давом этди. Ҳар куни бир мунча заиф силкинишлар бўлиб турди. Июнь ойида 5 баллдан ортиқроқ яна бир кучли силкиниш содир бўлди. Ҳар бир силкиниш содир бўлганда Умар дарҳол болаларимизни ва кўшнимиз Ўктам Ориповичнинг болаларини кўчага олиб чиқар эди. Ўшанда биз «Чайка» кинотеатри ёнида яшардик. Кўпинча биз кўчада тунар эдик. Ўша пайтлари жуда кўп одамлар ҳеч нарсадан қўрқмай, кўчада тунашарди.

Тошкентнинг бошига тушган табиий офат муносабати билан зилзила оқибатларини бартараф қилиш комиссияси ташкил этилди. Комиссия бевосита Ш.Р.Рашидовнинг назорати остида ишлар эди. Жуда катта қурилиш ишлари бошланди. Бутун мамлакатдан янги объектлар, айниқса, уй-жой қурилиши учун қурилиш маериаллари ва қурувчилар кела бошлади.

Бу даврда жойларга бориб, юзага келган масаларни ҳал қилар эдим. В.М.Бойко чодирлардан ташкил этилган шаҳарчаларга бориб, уларни сув билан таъминлаш, санитария ҳолатини назорат қилиш, касалликларнинг олдини олиш учун эмлаш масалалари билан шуғулланар эди. Худога шукурки, чодир-шаҳарчалардаги оғир шарт-шароитларга қармасдан, олиб борилган профилактика ишлари туфайли, ҳеч қандай юқумли касаллик билан оғриш ҳодисалари содир бўлмади.

Мавжуд касалхоналарни назорат қилишдан ташқари, менга шифохона ва бошқа медицина муассасалари жойлшатиришга ярайдиган биноларни қидириб топиш вазифаси ҳам топширилган эди. Министрлар Совети раисининг муовини С.А.Азимов: «Эгаси ким бўлишидан қатъи назар, шифохона учун ярайдиган биноларни топиб, дарҳол хабар қилинг, биз уларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ихтиёрига берамиз», деган эди. Вазирликнинг бир гуруҳ мутахассислари билан шаҳарни айланиб, яхши сақланган биноларни қидира бошладик. Яқинда қурилган бир нечта интернатлар биноти бу ишга яраб эди. Рўйхат тузиб, республика Министрлар Советига тақдим этдик. Рўйхатда

Оқтепадаги мактаб-интернат (бу ерда ҳозир тез ёрдам шифохонаси жойлашган), Юнусобод туманидаги мактаб-интернат (ҳозирда 17-шаҳар касалхонаси), ўша тумандаги яна бир мактаб-интернат (олдин бу ерга 5-юқумли касалликлар шифохонаси жойлаштирилди, сўнг у Ўрта Осиё медицина педиатрия институтига берилди, ҳозир бўлса бу бино Тошкент Педиатрия медицина институтининг ётоқхонаси ва лицейидир), Адабиёт институти ёнидаги мактаб-интернат (ҳозир Эпидемиология ва юқумли касалликлар илмий тадқиқот институти) кўрсатилган эди. Бундан ташқари яна бир қанча яроқли биноларни ҳам рўйхатга тиркадик.

Касалхоналарни айланиб, аҳволни назорат қилиш пайтида суяк сили касалликлари санаториясида церебрал шол касали билан оғриган болаларни кўриб қолдим. Бу хасталик мазкур санаторияда даволанмаганлиги сабабли, бемор болаларга эътибор берилмас ва лозим даражада даволанмас эдилар. Бемор болаларнинг аҳволи жуда хароб эди. Бундай касаллар учун зудлик билан махсус касалхона очиш керак эди. Министрлар Советининг рухсатидан фойдаланиб, бино қидира бошладим. Ҳозирги Пушкин номли метро станцияси яқинида Гидромелиорация техникуми жойлашган эди. Техникумнинг барча биноларини кўриб чиқдик. Бир нечта ётоқхоналар қаровсиз ётарди. Уларни кўп маблағ сарфламасдан, болалар шифохонасига айлантириш мумкин эди. Мазкур биноларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ихтиёрига бериш ва ана шундай шифохона ташкил этиш таклифи билан С.А.Азимовга мурожаат қилдик. С.А.Азимов рози бўлди ва Министрлар Совети тегишли фармон чиқарди. Эндиликда бу касалхонага бош шифокор тайинлаш масаласи турарди. Вазир, Ў.О.Орипов ва мен номзодлар устида узоқ ўйладик. Шунда вазиримиз Умарнинг номзодини таклиф қилиб қолди. «Фақат Умар Курбоновичдай одамгина йўқ жойдан бизга керакли даволаш-профилактика муассасасини барпо қила олади», деди у. Умарнинг эрим эканлигини эслатганимда у қўл силкиб, деди: «Умар Курбонович катта одам. У тўйларингиздан илгари яхши бош шифокор эди. Шунинг учун ҳам сизларнинг эр-хотин эканлигингизнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ». Ўктам Орипович бу сўзлардан хурсанд бўлди. Бу таклиф мен учун ҳам ёқимли эди. Бош шифокор бўлиб тайинланиши Умарни руҳлантириб юборди. Ишга тайинланган куни кечқурун у: «Бўлди, бошқа ичмайман!» деди ва ўз сўзининг устидан чиқди. 1966 йилдан

умрининг охирига қадар бир қултум ҳам ичмади. Мен бундан доим фахрланиб юрдим.

Ишга тайинлар экан, К.С.Зоиров Умарга: «Бу бинолар жорий таъмир талаб. Сизнинг бу ерда намунали шифохона ташкил этишингизга ишонаман», деди. Умар вазирга бир йилдан сўнг бу биноларни танитай қоласиз, деб ваъда берди. Шундай ҳам бўлди. Қизиғи шундаки, Тошкент учун қийинчилик бўлиб турган бу вақтларда Умар қаердан ишчи ва маблағ топгани билан ҳеч ким қизиққани ҳам йўқ, ҳеч ким ёрдам ҳам бермади. Табиатан ташкилотчи бўлган Умар республика раҳбарларининг диққатини жалб этиб, собиқ техникумнинг иккита ётоқхонасини таъмирлаш учун маблағ ажратишга муваффақ бўлди. Шу тариқа 1967 йилнинг бошида бу шифохона тантанали равишда очилди. Тантананда республика раҳбарлари ва Москвадан келган профессор К.А.Семёнова иштирок этди. Меҳмон мазкур шифохона иттифоқда биринчи эканлигини айтиб, бу оғир хасталик билан касалланган болаларни даволашда шифохона ходимларига муваффақият тилади, республика ҳукуматига миннатдорчилик билдирди.

Умар Қурбонович диспансерда 20 йил ишлади. Ҳозир бу диспансер унинг номи билан аталади. Диспансерда ишлаган йиллари Умар икки марта «Ҳурмат белгиси» ордени, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор унвони билан мукофотланди. Профессор К.А.Семёнова раҳбарлигида мазкур масала бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади. Ҳимоя вақтида Илмий кенгаш аъзоларигина эмас, хаста болаларнинг ота-оналари ҳам иштирок этишди. Улардан бири сўзга чиқиб, бундай даволаш-профилактика муассасасини ташкил қилгани учун Умарга миннатдорчилик билдирди.

1988 йилда Умар Қурбонович 62 ёшида вафот этди. У ўзидан ёрқин хотира қолдирди. Уни яхши инсон ва тажрибали ташкилотчи сифатида ҳамон эслашади, ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишади.

Акам Эркили ва рафиқаси Аза институтни тамомлаганларидан кейин Москвага профессор Вишневский раҳбарлигидаги аспирантурага кириш учун жўнаб кетишди. Улар ётоқхонада сиқилиб яшаб, жуда кўп қийинчиликларни бошдан кечиришди. Барча машаққатларга чидам билан бардош беришди. Эркили ҳам, Аза ҳам 1970 йилгача номзодлик диссертацияларини, сўнг докторлик диссертацияларини ҳимоя

қилишди. Докторлик дипломларини олишгач, Тошкентга ишга қайтишди. Уларни ТошМИга ишга йўллашганди. Ана шундан кейин сансалорлик бошланди. Институт ректори К.А.Зуфаров институтда иккита фан доктори учун иш йўқлигини айтибди. Акам билан келинойимга ёрдам бериш учун ректор хузурига боришимга тўғри келди. К.А.Зуфаров ҳозирда ишлаб турган кафедра мудирларидан бири уларни ишга олса, қарши эмаслигини айтди. Узоқ ўйлаб ўтирмай, болалар хирургияси кафедраси мудир профессор К.Х.Тагировга учрашдим. Чунки Эрки болалар хирургияси масаласида докторлик ишини ҳимоя қилган эди.Бахтимга, Карим Хўжаевич Эрки билан ишлашдан фақат мамнун бўлишини айтди. Бу ишни ижобий ҳал этгач, умумий хирургия кафедраси мудир М.А.Ашрапова билан суҳбатлашдим. Ундан азани ишга олишни илтимос қилдим. Азанинг докторлик иши буйрак патологияси билан боғлиқ эди. Муқаддам Ашраповна: «Гап ҳам бўлиши мумкин эмас, Аза Семёновнани неча йиллардан бери биламан, илмий ишларини ўқиганман, эртагаёқ ишга тушаверсин», деди.

Эртасига Комилжон Аҳмаджоновичга телефон қилиб, бўлган гапларни айтдим. «Жуда яхши!» деди у ва Эрки билан азани ишга олиш тўғрисида буйруқ чиқарди. Бир неча йиллардан сўнггина Муқаддам Ашраповна уни ректор хузурига чақириб, уришганини айтиб берди. «Мен рад қилиб турганимда, Сиз нега рози бўлдингиз?» деб танбеҳ берган ректор.

1972 йилда Ўрта Осиё медицина педиатрия институти очилгач, К.Х.Тагировни у ерга кафедра мудир, Эркини профессор қилиб ўтказишди. Бир неча йилдан кейин кафедра иккига ажралиб, Эрки болалар хирургияси кафедраси мудир этиб тайинланди. У бу лавозимда 1996 йилгача, яъни вафотига қадар ишлади. Аза Семёновнинг тақдирини бир оз ўзгача кечди. Профессор К.Х.Тагировнинг рафиқаси М.А.Романова Шифокорлар малакасини ошириш институти анестезиология ва реанимация кафедрасининг мудир бўлиб ишлар эди. 1970 йилда у вафот этгач, бу ўрин бўшаб қолди. азани чақириб, шу лавозимга ўтиш тўғрисида ўйлаб кўришни таклиф қилдим. Агар у рози бўлса, институт ректори Ҳамидулла Ҳусанович Ҳусанов билан гаплашмоқчи эдим. Аза рози бўлгач, Ҳ.Ҳ.Ҳусанов билан гаплашдим. У, ўз навбатида, масалани вазирга ҳавола қилди. Қайом Собирович Зоиров эртасига азани чақириб, янги ишни таклиф қилди. Вазир бу таклиф ҳақида

ҳеч кимга, айниқса, менга ҳеч нарса демасликни тайинлаган. Аза бу ҳақда менга айтгач, роса кулишдик. Қизиғи шундаки, менинг ташаббусимни менинг ўзимдан яшириш керак бўлиб қолган экан. К.С.Зоиров нимани ўйлаганлигини ҳозиргача билмайман. Афтидан, қариндошимга қандай меҳрибонлик қилганини айтиб, мени хурсанд қилмоқчи бўлган бўлса керак. Аза Семёновна 1997 йилда нафақага чиққунига қадар шу ерда ишлади ва профессор сифатида кўплаб шогирдлар тарбиялади.

1964 йилнинг куз ойлари эди. Мени республика Олий Совети раиси Ё.С.Насриддинова ҳузурига чақириб қолишди. Болалар хасталиклари ва болалар ўлими юқори даражада эканлиги муаммолари тўғрисида узоқ суҳбатлашдик. Оналар ва болаларни асраш масалалари, педиатр кадрлар, шифохоналарда ўринлар етишмаслиги, аёллар ва болаларнинг соғлигини ўрганадиган илмий марказ йўқлиги ҳақида сўзлаб бердим. Аҳволни яхшилаш учун Педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий тадқиқот институти очиш зарурлигини айтдим. Шунда у бу масалани ҳал қилиш учун нима қилиш кераклигини, зарур бино бор-йўқлигини сўради. Барча талабларга жавоб берадиган бундай бино йўқлигини, уни янгидан барпо этиш кераклигини айтдим. «Яхши, мен ўйлаб кўраман, масалани ҳукумат аъзолари билан келишиб олиб, масалани ҳал қиламиз», деди Ё.С.Насриддинова.

Эртасига мени яна Олий Советга чақиришди. Ё.С.Насриддинова билан илмий тадқиқот институти қуриладиган ер участкасини кўришга бордик. Бу жой Тошкент Давлат университети орқасида жойлашган бўлиб, кинопрокатга қарашли эди. Ё.С.Насриддинова бизга ҳамроҳ бўлиб борган киноқўмита раисига киностудия яқинидан уларга жой ажратиб беришларини, бу участкани бўлса Соғлиқни сақлаш вазирлиги ихтиёрига беришларини ҳамда янги ташкилот учун давлат бюджетидан маблағ ажратишларини айтди.

Шундай қилиб, Педиатрия, акушерлик ва гинекология институти 1966 йилда қуриб битказилди. Қурилишни Ё.С.Насриддинова ва мен назорат қилиб бордик. Кейинчалик бу институтдан акушерлик ва гинекология институти ажралиб чиқди. Бу институтлар ишга тушгач, аёллар ва болалар соғлигининг аҳволи, ёш болалар ва оналар ўлимининг сабаблари чуқурроқ ўрганишга киришилди. Педиатр шифокорларнинг етишмаслиги болалар хасталиги юқори даражада эканлигининг сабабини айтиб ўтган эдим. 1970 йилда



бу масалани жиддий ўрганиб, Тошкентда педиатр кадрлар тайёрлаш учун медицина педиатрия институти очиш ҳақида республика ҳукуматига ва иттифоқ Соғлиқни сақлаш вазирлигига таклиф киритилди. Иттифоқ Соғлиқни сақлаш вазири Б.В.Петровскийнинг ёрдами билан ана шундай институт очилди.

Бу вақтга келиб, мени Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашига ишга ўтказишди. Ташкилий иш билан бир қаторда, илмий тадқиқот ишларини ҳам олиб бордим. Иккита фан номзоди тайёрладим. Оналар ва болаларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ 200 дан зиёд мақола эълон қилдим. 1975 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашининг котиби бўлиб ишлаш билан бир қаторда профессор К.А.Семёнова раҳбарлиги остида «Церебрал шол хасталиги билан оғриган болаларни тиббий жонлантириш ва ижтимоий мослаштириш» мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилдим. Диссертация уч бўлимга: бу касалликнинг олдини олиш, даволаш ва жонлантириш бўлимларига бўлинган эди.

1975 йилнинг охирида менга докторлик дипломи беришди. Илмий фаолиятимни, ишдан қатъи назар, давом эттирдим. Бу давр мобайнида учта фан номзоди тайёрладим, ўнта докторлик ва йигирмата номзодлик диссертацияларига оппонентлик қилдим.

Соғлиқни сақлаш вазирлигида ишлаган давримда хизмат юзасидан бир неча бор Москвага бордим, Ленинград, Киев, Минск, Кишинёв, Одесса ва бошқа шаҳарларда бўлдим, курултойлар, семинарлар, анжуманларда иштирок этдим. Бундан ташқари икки марта чет элга: бир гал Жазоирга, иккинчи гал Ҳиндистонга бориб келдим.

## ЧЕТ ЭЛ САФАРЛАРИ

1969 йилда вазир ўринбосари бўлиб ишлаб турган давримда иттифоқ Соғлиқни сақлаш министрининг собиқ ўринбосари, йирик ташкилотчи Алексей Георгиевич Сафонов бошчилигидаги делегация таркибида Жазоирда бўлдим. Жазоир соғлиқни сақлаш вазири сил касаллигига қарши кураш, санитария маорифи ва кадрлар тайрлаш масаласига бағишланган семинарга бизни таклиф қилган эди.

Жазоир ниҳоятда гўзал мамлакат экан. Бир томонда баланд пальмалар ва цитрус дарахтлари ўсиб ётган соҳил бўйи,

кўллар бўлса, иккинчи томонда Сахрои Кабир ястаниб ётарди. Жазоирнинг йирик шаҳарлари Ўрта Ер денгизи соҳилида жойлашган. Соҳилдан жанубий чегарага қадар 1500 километр. Худуднинг катта қисмида Атлас тоғлари бўлиб, уларда арча дарахтлари ўсади. Тоғдан кейин Сахрои Кабир бошланади. Сув камлиги учун бу чўлда деҳқончилик қилиб бўлмайди. Жазоир иқтисодиётининг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги ташкил этади.

Жазоир бир асрдан кўпроқ вақт мобайнида Франция мустамлакаси бўлган ва 1962 йилда мустақил Халқ Демократик Республикаси деб эълон қилинган. Ёш республика олдида халқ хўжалигининг барча соҳаларида, жумладан соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам катта масалалар кўндаланг бўлиб турар эди. Янги ҳукумат бошқа масалалар қаторида, соғлиқни сақлаш ишини яхшилаш ҳамда кўп учрайдиган касалликларга барҳам бериш вазифасини қўйган эди. Ўша даврда сил касалига қарши кураш, санитария маорифи ва кадрлар тайёрлаш долзарб масала ҳисобланар эди. Семинардан олдин биз мамлакат бўйлаб сафар қилдик. Жазоир пойтахти ва бошқа шаҳарлар, уларнинг тарихи, ноёб меъморчилик обидалари билан танишдик. Замонавий осмонўпар бинолар билан бир қаторда, бир-икки қаватли пахса уйлар ҳам тез-тез учраб турарди. Баъзи кўчалар шу даражада тор эдики, икки киши зўрға сиғарди. Бир уйнинг деразаси қаршидаги уйнинг деразасининг шундоққина рўпарасида эди. Кўчалар тор бўлгани учун бу ерларга куёш нури ҳеч ҳам тушмас эди. Бизни жойлаштиришган меҳмонхонадан бўлса, мовий денгиз ва кўк осмон кўриниб турар, ўзингни худди дунёнинг бир четида, фақат сув ва осмон ўртасида ҳис қилар эдинг.

Биз соатига 200 километр юрадиган енгил машиналарда жанубдаги Гардия шаҳри томон йўл олдик. Машиналаримизни мотоциклчилар эскорти кузатиб борар эди. Йўл равон ва тўппа-тўғри эди. Ҳар икки томонда сахро барханлари. 600 километрлар чамаси юргач ағдарилиб ётган «Газ-69» маркали машинага дуч келдик. Ҳайдовчимиз икки ҳафта илгари бу ерда йўл ҳалокати содир бўлганини айтди. Тўфон машинани ағдариб ташлаган. Яхшиямки, машинадаги геологларимиз омон қолишган.

Сал юрганимиздан кейин учта пальма тагидаги қудуққа дуч келдик. Шунда беихтиёр М.Ю.Лермонтовнинг «Уч пальма» шеъри эсимга тушди. Сахрода аҳён-аҳёнда пальмалар остида

гулхан атрофида ўтирган кишилар кўзга ташланар эди. Бу кишилар орасида совет мутахассислари ҳам бўлиб, улар нефть қидирар эдилар. Яна юз километрдан сўнг яна бир қудуққа дуч келдик. Қудуқ ёнида бир нечта бир ўркакчи туялар бор эди. Кўп ўтмай тўртта уйдан иборат кичкина қишлоққа дуч келдик. Йўл устида жойлашган меҳмонхонада тунаб, эртасига йўлда давом этдик.

Саҳрода қуёш чиқиш ва ботиш палласи ниҳоятда гўзал бўлар экан, кечга томон бутун осмон қизғиш тусга киради. Сўнг кўп ўтмай ҳамма ёқни қоп-қоронғи тун қоплайди. Оқшомлари саҳро совуқ бўлар экан. Эрталаб осмон яна қизғиш тусга киради, кўп ўтмай қуёш чиқиб, жазирама иссиқ бошланади. Эртасига тушга яқин Саҳрои Кабир марказида жойлашган Гардия шаҳрига етиб бордик. Бу ниҳоятда ўзига хос шаҳар бўлиб, ибтидоий ҳаёт шакли сақланиб қолган эди. Илгари у «ёпиқ шаҳар» ҳисобланган. Чунки унинг атрофи баланд пахса девор билан ўраб олинган ва ягона дарвоза эрталаб соат еттида очилган ва иш тугагач, кундузги соат учда ёпилган. Шундан кейин ҳеч ким бу шаҳар кириб-чиқа олмаган. Гардияни ва Мазанбия вилоятидаги яна шунга ўхшаш бешта шаҳарни «мовий шаҳар» дейишар экан. Чунки бу шаҳардаги барча уйлар мовий рангга бўялган эди. Шаҳарнинг «янги» қисмидаги меҳмонхонага жойлашдик. Меҳмонхона яқинида катта бозор бўлиб, бу ердан Жазоир молларини сотиб олиш мумкин эди.

Тепалик устида жойлашган шаҳар узоқданоқ кўзга ташланар ва одам ўзини саҳро ўртасидаги афсонавий шаҳарга тушиб қолгандек ҳис қилар эди. Бу шаҳарларда берберлар – кўчманчи мусулмонлар яшашарди. Минг йиллар илгари берберлар Гардия, Мигик, Биянезген, Эльатеф шаҳарларига асос солишган. Мазкур шаҳарлар қадимий қиёфасини ҳамон сақлаб қолган. Бу шаҳарларда 5-10 минг аҳоли яшайди. Улар майда ҳунармандчилик билан шуғулланади. Бозордаги расталарда кийим ва пойабзалдан тортиб, озиқ-овқатгача бўлган барча маҳсулотларни сотиб олиш мумкин.

Ёз ойларида аҳолининг кўпчилиги воҳалардаги пальмазорларга кўчиб чиқишади. Улар пальмалардан хурмо, пальмалар орасига экилган дарахтлардан апельсин ва мандарин, даладан карам, пиёз ва бошқа сабзавотларни йиғиб олишарди.

Жазоирда Орглу, Тимгад, Батна, Константино, Аннабу шаҳарларида ҳам бўлдим. Улар орасида Константино менда катта таассурот қолдирди. Шаҳарга эрамиздан олдинги I асрда римликлар асос солган. Кўп қаватли уйлар ва мухташам виллалар кўп бўлган бу катта шаҳар жуда чиройли эди. Шаҳарни иккига ажратиб турувчи жар устидан бир нечта чиройли кўприклар қурилган. Шаҳар четида, тепалик устида французлар томонидан қурилган Зафар дарвозаси шаҳарга улуғворлик бағишларди. Биз борган шаҳарларимизда касалхоналарни кўрдик. Кўп жойларда касалхоналар янгидан қурилган ёки таъмирланган эди. 1969 йил 10 февралда тиббиёт семинари Жазоир шаҳрида иш бошлади. Силга қарши кураш, тиббиёт кадрлари тайёрлаш ва санитария маорифи бўйича тажриба алмашдик. Буларнинг ҳаммаси жазоирлик дўстларимиз учун жуда фойдали бўлди деб ўйлайман.

1970 йилда шифокорлар гуруҳи таркибида Ҳиндистонга саёҳат қилиш менга насиб қилди. Деҳли, Бомбей ва бошқа шаҳарлардаги тарихий ва замонавий бинолар менда ўчмас таассурот қолдирди. Акра, Жайпур шаҳарларида кўп қаватли уйлар билан бир қаторда пастак кулбалар ҳам учрарди.

Ҳиндистоннинг Тож Маҳал, Қизил қалъа, Шамол қалъа ва бошқа тарихий обидалари менда катта таассурот қолдирди.

Ҳиндистоннинг барча шаҳарларида автомобиллар билан бир қаторда рикшаларни ҳам кўриш мумкин. Улар сизни шаҳарнинг исталган томонига олиб боради. Бозорлар ҳам ажойиб ва ўзига хос. Бу бозордан исталган қадимий нарсангизни сотиб олишингиз мумкин. Одатда, бозордан сандал ёғочининг ҳиди келиб туради. Бозорда ҳам, кўчада ҳам сигирлар бемалол юраверади. Сигир Ҳиндистонда муқаддас ҳайвон ҳисоблангани учун унга ҳеч ким тегмайди, балки йўл бўшатишади. Бир куни обидаларни томоша қилиб, қайтиб келаётганимизда жала ёғиб қолди. Кулбаларнинг бири олдида бир ҳинд совуқдан қалтираса-да, уйга кирмас эди. Тўхтаб, ундан нега бундай қилаётганини сўрадик. У ниҳоятда бир бахтиёр оҳангда: «Меникига муқаддас сигир кирганидан жуда мамнунман. Унга халақит бермаслик учун ичкарига кирмаяпман», деди. Ҳақиқатан ҳам эшикдан сигирнинг думи кўриниб турар эди.

Ҳиндистонлик болалар ҳам ўзига хос. Улар шаҳарда тўда-тўда бўлиб кезиб юришади ва учраган ҳар бир одамдан, айниқса, саёҳатчилардан садақа сўрашади. Бир куни

автобусимиз ёнига келган ўнтача болани конфет билан сийладик. Буни қарангки, конфетни тарқатиб улгурмасдан, атрофимизни бола босиб кетди. Баъзи шаҳарларнинг кўчаларида маймунлар бемалол кезиб юришади. Улар ҳам ёнингизга чўчимай келиб, қўл узатишади. Тутқазган банан, олма ёки бошқа бирор егуликни олиб четга қочишади. Икки ямлаб бир ютиб, яна ёнингизга қайтиб тиланчилик қилишади.

Жайпурда фил миниб саёҳат қилдик. Фил саллона-саллона юрар экан, сиз гўё баланд бир тоғнинг устида ўтиргандек ҳис қиласиз ўзингизни.

Ҳиндистонга хос яна бир ҳолат бизнинг эътиборимизни тортди: доим учрайдиган бойлик ва фақирлик ўртасидаги катта тафовутга қарамай, ҳиндистонликлар доим рақс тушишар экан. Кўчада дўмбира ёки дойра чалаётган, шу оҳангга мос ҳолда рақс тушаётган катталар ва болаларни ҳар бир шаҳарда учратиш мумкин.

Ҳиндистонда тўйлар ҳам ўзига хос тарзда ўтади. Ҳар бир туманда махсус тўйхоналар барпо этилган. Тўй вақтида бу бино ранг-баранг қоғоз гулчамбарлар билан безатилади. Келин ялтироқ кўйлак, куёв бўлса оқ кийим кийган бўлади. Ҳар икковининг бўйнига табиий гулчамбарлар осишади. Ясаниб олган раққосалар улар олдида рақс тушишади. Ана шундай тўйлардан бирини кўриш бизга насиб қилди. Айтишларича, бу ўртаҳол бир хизматчининг тўйи экан. Тўйдан сўнг улар икки хонали уйда яшар экан. Бу жуда катта бахт ҳисобланар экан.

1970 йилларда Ҳиндистонда туғилишни камайтириш учун фаол кураш олиб борилаётган эди. Шунинг учун барча кўчалардаги катта уйларнинг деворларига, автобусларга осилган афишаларда: «Оилада фақат бир, кўпи билан икки бола бўлиши керак, ундан кўпи ортиқча» деб ёзилган бўларди. Қаёққа қарамайлик, ана шундай ёзувларга кўзимиз тушарди. Бироқ, маълумки, кўп болаликка қарши кураш Ҳиндистонда муваффақият келтирмади.

Ҳиндистондан сўнг гуруҳимиз Афғонистонга йўл олди. Ҳиндистондаги бойлик ва фақирлик ўртасидаги кескин тафовут олдида Афғонистон ҳеч гап бўлмай қолди. Назаримизда биз қадимий бир қишлоққа тушиб қолгандек бўлдик. Кўча-кўйда аёллар қора ҳижобга ўралиб юришар, эркаклар бўлса, оқ чит кўйлак кийишар экан. Қобул, Жалолобод ва Фазна шаҳарларини кўргач, олдин Москвага, сўнг юртимизга қайтиб келдик.

## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИДАГИ ФАОЛИЯТИМ

1971 йил октябрида вазиримиз иш юзасидан Москва жўнаб кетди. Бу вақтда Ў.О.Орипов ТошМИ да ректор бўлиб ишлаётганди. Бошқа муовинлар ҳам хизмат сафарида бўлиб, мен вазир вазифасини бажараётган эдим. Тўсатдан Ш.Р.Рашидовнинг қабулхонасидан телефон қилиб, ташкилий бўлим мудирини Г.М.Орловга боғлашди. У эртасига соат учда Ш.Р.Рашидовнинг хузурида бўлишим кераклигини айтди. «Бироқ олдин менинг хузуримга киришингиз керак», деди Г.М.Орлов. Қайси масала юзасидан чақиришаётганини, қандай ҳужжатларни олволишим кераклигини сўрасам, у: «Ҳеч қандай ҳужжатнинг кераги йўқ, нима гаплигини келганингизда биласиз», деб жавоб берди.

Телефон мени ниҳоятда ташвишлантди. Дарҳол Умарга телефон қилиб, ҳамма гапни айтдим. У мени юпата бошлади. Умар: «Агар бирон-бир ишқал бўлса, қандайдир ҳужжатларни сўрашган бўлишарди. Афтидан, навбатдаги долзарб масала юзасидан чақиришгандир», деб далда берди. Бироқ, барибир, кўнглим гаш бўлаверди. Вазирликда саккиз йил давомида ишлаб, яхши ишлар билан бир қаторда қандайдир камчиликларга ҳам йўл қўйган бўлишим мумкин эди. Шу боисдан, ҳар эҳтимолга қарши, аллақачон юқори ташкилот номига «эгаллаб турган лавозимимдан озод қилиб, олий ўқув юртига ўқитувчилик ишига ўтказишингизни сўрайман» деган мазмунда ариза ҳам ёзиб қўйган ва аризани доим ёнимда олиб юрар эдим. «Энди аризани берадиган пайт келганга ўхшайди», деб ўйладим. Эртасига вазиримиз Қ.С.Зоиров Москвадан қайтиб келди. Мен дарров унинг ёнига кириб, соат 3 да Ш.Р.Рашидов хузурига чақиришаётганини айтдим.

- Балки, ўзингиз борганингиз маъқулдир, чунки улар мени Сизнинг вазифангизни бажараётган бир чоғда чақиришди, - дедим.

- Йўқ, ўзингиз боринг, - деб жавоб қилди у, - нима гап бўлганини кейин менга айтиб берасиз.

Соат роппа-роса икки яримда мен бу даргоҳга бориб, дастлаб Г.М.Орловнинг хузурига кирдим. У мени бир яхши иш юзасидан чақиришганлигини, шунинг учун ҳаяжонланиш керак эмаслигини айтди. Бироқ бу қандай иш эканлиги тўғрисида миқ этмади.

- Ҳамма гапни сизга Ш.Р.Рашидовнинг ўзи айтади, деди у.

Роппа-роса соат учда Ш.Р.Рашидовнинг ҳузурига чақиришди. Кириб, у билан саломлашдим. У хушмуомалалик билан кўришиб, ўтиришни таклиф қилди. Ишларимни, ишимдан мамнун-мамнун эмаслигимни суриштирди. Бироқ жавобимни ҳам кутиб ўтирмасдан деди:

- Биз Сизнинг ишингиздан мамнунмиз, шунинг учун Сизни бошқа, янада масъулиятлироқ ишга ўтказишга қарор қилдик.

Ўзимга келишимга фурсат бермай, у давом этди:

- Биз ўзингизни Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашининг котиби, яъни раиси ўринбосари лавозимида кўрсатишингизни хоҳлаймиз. Маданият, спорт ва соғлиқни сақлаш ишларини бошқарасиз. Бу ишлар сизга яхши таниш.

Розиманми-йўқми, жавобимни кутиб ўтирмай, у Георгий Михайловичга деди:

- Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши раиси М.А.Зоидовга айтинг. У Наима Маҳмудовна учун бугунга Москвага самолётга билет олсин. Наима Маҳмудовна эртага эрталаб КПСС Марказий Комитети ва ВЦСПС да бўлиши керак.

Мен иккиландим, бу ишни эплай олармиканман, ахир мен шифокорманку, демоқчи бўлдим. Шунда Ш.Р.Рашидов: «Касаба уюшмаларида бизга айна сиздай шифокорлар керак», деди.

Эътироз қилишнинг ўрни эмас эди. Ш.Р.Рашидов билан хайрлашиб, яна Г.М.Орловнинг ҳузурига кирдим ва дедим:

- Агар мени, албатта, бирон ёққа ўтказиш керак бўлса, бирор тиббиёт муассасасига ўтказсангиз.

Г.М.Орлов бу бошқа ишга ўтказиш эмас, балки юқори лавозимга кўтариш эканлигини тушунтирди.

- Қ.С.Зоиров нима дер экан?

- Вазирингиз аллақачон ҳамма нарсани билади. Мафкура бўйича котиб О.У.Салимов уни аллақачон огоҳлантириб улгурди. Шунинг учун ташвишланманг. Дарров М.А.Зоидов ёнига бориб Москвага билет ва йўл харажатларини олинг. Ким билан қаерда ва қачон учрашишингиз кераклигини у айтади.

Албатта, аввало, Умарнинг ёнига югурдим. Бўлиб ўтган гапларни икковлон узоқ муҳокама қилдик. Бироқ бу иш яхшими, ёмонми – бу ҳақда бир фикрга кела олмадик. Охири

Умар: «Майли, кўрайлик, ҳар ҳолда сенга яхшилик қилишмоқчидир», деди.

Қ.С.Зоиров ҳамма нарсадан хабардор экан. Унинг бироз хафалиги кўриниб турарди. У гўшакни олиб, Министрлар Совети раисининг соғлиқни сақлаш соҳасини бошқарадиган муовинига телефон қилди.

- Бу қанақаси бўлди? Нега мен билан маслаҳатлашмадингиз? Ахир, бу киши бизга жуда керак-ку!

- Ш.Р.Рашидов ҳузурда суҳбат бўлиб ўтгандан кейин мен ҳеч нарса қилолмайман, - дейишди унга жавобан.

Қаюм Собирович ноилож:

- Нима ҳам қилардик, Москвага кетаверинг, кейин бир гап бўлар, - деди.

Шундан кейингина М.А.Зоидов билан учрашдим. У мени табассум билан кутиб олди ва сўради:

- Хўш, бирга ишлаймизми?

Мен ҳозирча унга бирон тайинли жавоб айта олмадим. Билет ва сафар харажатларини олиб, кечки рейс билан Москвага учиб кетдим. Эртасига партия марказқўмига бордим. Мафкура бўлимида мени яхши кутиб олишди, у-бу нарсалар ҳақида суҳбатлашдик. Уларнинг масаладан хабардор эканликлари сезилиб турарди. Сўнг мени марказқўм котиби И.К.Лигачев қабул қилди. У ишларим, турмуш ўртоғим ва болалар ҳақида суриштирди, сўнг ВЦСПС га боришим кераклигини айтди. ВЦСПС нинг ташкилий бўлимида яхши кутиб олишди ва котиблар – А.П.Б<sup>у</sup>р<sup>и</sup>кова ва С.А.Шалаев қабулига олиб киришди. Улар мен билан деярли суҳбатлашмадилар. Уларга ёққанам кўриниб турарди. Котиблар Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашининг пленумида мени котиб қилиб сайлашгач, телефон қилиб қўйишимни сўрадилар. Шунда касаба уюшмаларидаги ишда нималарга алоҳида эътибор қаратиш кераклигини тушунтиришларини айтишди.

Ўша куни кечкурун Тошкентга қайтиб келдим. Эртасига Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашининг пленуми ва сайлови бўлиб ўтди. Мени бу ташкилотнинг котиби этиб сайлашди. Янги вазифамни бажаришга киришдим. Энг аввало, менга тегишли масалалар билан танишиб чиқдим. Ижтимоий суғурта, меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этиш, уларни ва болаларини спорт, бадий ҳаваскорликка жалб этиш, болаларнинг дам олишини уюштириш шу ишлар сирасига кирарди. Маданий-оммавий, кино, ички ва халқаро туризм,



курорт кенгашлари, ижтимоий суғурта бўлими менинг ихтиёримда эди. Маданий-оммавий бўлим меҳнаткашлар ва уларнинг болаларини бадий ҳаваскорликка жалб қилар эди. Деярли ҳар бир корхона, колхоз, совхозларда маданият ўчоқлари, клублар, қизил бурчаклар, маданият саройлари бор эди. Бу ташкилотдаги ишим даврида колхоз ва совхозларда янги маданият саройлари ва клублар очишга эришдим.

Маданий-маърифий муассасалар иши кўригини ташкил этиб турардик. Тошкентдаги тўқимачилар саройи, Чирчиқдаги «Химмаш», Навоийдаги «Фарҳод» маданият саройи, шунингдек, Фарғона, Андижон, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидаги қишлоқ клублари кўрик ғолиби бўлар эдилар.

Тарбиявий ишлар олиб бориш учун республика касаба уюшмалари фаолларни кенг жалб қилиб турар эди. 1973 йилда ўтказилган «Меҳнаткашлар орасида тарбиявий ва маданий-оммавий ишларни янада яхшилашда республика касаба уюшмаларининг ролини ошириши тўғрисида»ги республика касаба уюшмалари фаолларининг йиғилиши бу ишни такомиллаштиришга ёрдам берди.

Бадий ҳаваскорлик иши ёшлар ва меҳнаткашларни тарбиялашнинг муҳим воситаси эди. «Марҳабо талантлар» телевизион фестивали, конкурслар, кўриклар, бадий ҳаваскорлик жамоаларининг ижодий ҳисоботлари маҳоратни оширишга, жамоалар репертуарини бойитишга хизмат қилди. Касаба уюшмалари бадий жамоалари ҳар йили 35000 концерт ва спектакллар намойиш қилиб, 5 миллион томошабинга хизмат қилишар эди.

1975 йил февралда республикада бадий ҳаваскорлик ижодиёти биринчи бутуниттифоқ фестивали ўтказилди. Бу фестивал давомида 30000 қатнашчини бирлаштирган 1000 та янги жамоа ташкил этилди.

Ўша вақтларда иқтисодий билим мактаблари ташкил этилиб, уларда 200 мингдан зиёд тингловчи билим олди. Сирдарё электр тармоқлари корхонаси, Каттақўрғон ёғ-мой комбинати, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Тошкент электрон-техника заводи ва бошқаларда ўқув иши амалиёт билан қўшиб олиб борилди.

Мактаб болаларининг ёзги дам олишини уюштиришда ҳам касаба уюшмаларининг ҳиссаси катта эди. Барча вилоятлардаги йирик корхоналарнинг ўз болалар дам олиш масканлари бор эди. Бу ерда ишчиларнинг болалари ёзда



Найма Маҳмудова



Боту (Маҳмуд Ҳодиев)  
Н.Маҳмудованинг отаси



Боту, В.Петровна ва унинг синглиси. 1924 й.



Боту қамоқхонада. 1931 й.



В.П.Васильева қамоқхонада. 1941 й.



Сиддиқ Ҳодиев.  
Ботунинг укаси.



Юнус Ҳодиев.  
Ботунинг укаси.



Эркли Ҳодиев.  
Ботунинг ўғли.



Хайри Ҳодиева.  
Ботунинг синглиси.



Н.Маҳмудова аммаси Хайри билан.



Умар Курбонов -  
Н.Маҳмудованинг умр йўлдоши.



Н.Маҳмудова



Умар Курбонов ва  
Н.Маҳмудова.



Н.Маҳмудова. 1951 й.



Самарқанд СЭСида ишлаган даврлар.



Н.Маҳмудова Швеция қироличаси (ўртада) билан.



Н.Маҳмудова филиппинлик меҳмон Аройо Джек билан анжуман вақтида.



Того касабa уюшмалари раҳбари Нанбог Барнабони  
қабул қилиш вақтида.



Н. Маҳмудова Тоскана (Италия) касабa  
уюшмалари раҳбари билан суҳбатда.



Н. Маҳмудова халқаро конференция президиумида.



Н. Маҳмудова француз касаба уюшмалари вакилларини қабул қилмоқда.



Жаҳон касаба уюшмалари анжуманида. Прага 1978 й.



Н. Маҳмудова ва Валентина Терешкова (чапдан учинчи) Японияда.





Н. Маҳмудова афгон болалар билан. 1983 й.



Н. Маҳмудова халқ артисти М. Турғунбоева (чапдан учинчи) билан.



Трактор заводида.



Н. Маҳмудова  
(ўртада) Кисловодскда дам олиш вақтида.



Бадий ҳаваскорлик иштирокчилари орасида.



Н.Маҳмудова Республика раҳбарларининг рафиқалари билан  
чет эллик меҳмонлар даврасида. 1974 й.



Наманганлик қариялар билан суҳбат.



Хорлиқ пайтида. Дўстлари Юсуф ака оиласи билан.




Н. Маҳмудованинг қизи Дилбар фарзандлари даврасида.



Н. Маҳмудова қизи Дилбар ва набиралари даврасида.




Н.Маҳмудова ўғли Ўктам билан.



Н. Маҳмудова набираси Комила билан.



Буви ва невара(Шаҳноза)нинг шодлик онлари.



Н.Маҳмудова оила даврасида.  
1-қатор Парвиз, Азиз, Нилуфар, 2-қатор Мадина, Н.Маҳмудова, Комила.



Н.Маҳмудова болалари ва неваралари даврасида.




Н.Маҳмудова қизи Дилбар,  
куёви Пўлат ва набиралари даврасида.





Невараси Шахноза ва эвараси Алишер.



Н. Махмудованинг эвараси Беҳзод.



Н. Махмудова.

хордиқ чиқаришар эди. Қишки таътиллар пайтида болалар дам оладиган маскан йўқлигини ҳисобга олиб, биз бу ерларда қиш вақтларида болаларнинг дам олишини уюштирдик. Бунинг учун бу масканларда иссиқлик тармоқлари ўрнатилди. 1977 йилга келиб ҳар бир вилоятда битта ўқувчилар дам олиш маскани қишда ишлайдиган бўлди.

Маданият саройлари ва клублар энг яхши фильмларни намойиш этишга катта эътибор беришарди. Кино кўрсатиш режаларини тайёрлашда фильмларнинг аҳоли эҳтиёжига ва давр руҳига мос бўлишига эътибор қаратардик.

Касаба уюшмалари мураббийлик ишини ривожлантиришда ҳам кўп ишлар қилдилар. Мен ишлаган давр мобайнида «Мураббийлик ҳақида», «Мураббийлар кенгаши ҳақида», «Мураббийлар мактаби ҳақида», «Ўзбекистон ёшларининг энг яхши мураббийи фахрий унвони ҳақида» Низомлар ишлаб чиқилди. Мураббийлар мактаблари машғулотларининг намунавий дастури ишлаб чиқилиб, Андижон, Наманган, Сирдарё, Тошкент ва Хоразм вилоятларида жорий этилди. Жисмоний тарбий ва спорт бўлими корхоналар, муассасалар ва хўжаликларда спорт ишини ривожлантириш билан фаол шуғулланди. Касаба уюшмаларининг бир нечта спорт жамиятлари бўлиб, улар касаба уюшмалари томонидан молия билан таъминланарди. «Меҳнат», «Буревестник», «Локомотив» каби йирик спорт жамиятлари ана шулардан эди.

Касаба уюшмалари кенгашида ишлаган давримда даволаш-ташхис, меҳнаткашларнинг дам олишини уюштириш, беморлар ва дам олувчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш иши такомиллаштириб борилди. Санаториялар амалиётига ташхис ва даволашнинг янги услублари жорий этилди. Юқори малакали мутахассислар томонидан маслаҳат ёрдами кўрсатиш яхшиланди. Шифохоналарда олиб борилаётган бундай самарали ишлар фақат Ўзбекистонда эмас, балки республикадан ташқарида ҳам шуҳрат қозонди.

Оилавий дам олишни ташкил этишга ҳам катта эътибор берилди. Ўзбекистоннинг гўзал масканларида жойлашган учта шифохонада бирваракай олти юз киши болалари билан биргаликда дам оларди. Илғор тажриба, кадрларни тўғри танлаш ва тарбиялаш туфайли бу ютуқларга эришилди.

Бироқ санаторияларда ўринлар етишмас, борлари ҳам таъмирга муҳтож эди. Бунинг учун ВЦСПС дан марказлашган

маблағлар ажратишга эришиш керак бўларди. Шу мақсадда бир неча бор Москвага бориб, зарур маблағлар ажраттиришга муваффақ бўлдим. «Чинобод», «Луначарский», «Ботаника», «Ситораи Мохи Хоса» сингари мавжуд санаторияларда янги корпуслар қуришга эришдик.

Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги «Она ва бола» санаториясини қуриш учун кўп қийинчиликларга дуч келинди. (Бу вақтда Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашининг раиси эдим). 1980 йилда республика раҳбарлари – Ш.Р.Рашидов, Н.Ж.Худойбердиев ва Н.М.Матчонов вилоятларни айланиб юриб, Зомин довони орқали Бахмал туманига бормоқчи бўлишган. Довонда улар шовва ёнида бир оз ҳордиқ чиқаришган. Соф ҳаво ва атрофнинг гўзаллиги раҳбарларимизни ҳайратга солган. Ёз ойи бўлса-да, тоғ чўққиларида қорлар, тоғ ён бағирларида кўм-кўк ўрмон кўриниб турар эди. Кечга томон тушган салқиндан киши роҳат қиларди. Раҳбарларимиз ўзаро маслаҳатлашиб, бу ерда санаторий қуришга қарор қилишган. Бу санаторийда оналаргина эмас, уларнинг болалари ҳам дам олиб, соғлигини тиклаб олиши мумкин эди.

Вилоятдан қайтиб келган заҳотиёқ Ш.Р.Рашидов менга телефон қилиб, Зомин туманига боришни ва у ерда санаторий қуриш учун нима кераклигини аниқлашни топширди. Ўша кунини мен ва курорт кенгашининг бошлиғи Х.А.Жалилов Зоминга йўл олдик.

Бу ер ҳақиқатан ҳам Швейцарияни эслатарди. Бир томонда тоғлар, ўрмонлар савлат тўкиб турар, иккинчи томонда сой шарқираб оқар эди. 1980 йилги қурилиш режасида бу объект кўзда тутилмаган, унинг лойиҳаси ҳам йўқ эди. Шунинг учун эртасигаёқ Москвага учиб бориб, ВЦСПС раиси С.А.Шалаевга учрашдик. У бизни диққат билан тингласа-да, режа аллақачон тасдиқланганлигини ва маблағ йўқлигини айтди.

Кўп ўйлаб ўтирмай, Ш.Р.Рашидовга телефон қилдик. Шундан кейин у С.А.Шалаев билан телефон орқали узоқ суҳбатлашди, уни бу жойларни келиб кўришга таклиф қилди. «Сиз лойиҳачиларингизга лойиҳа тайёрлашга рухсат берсангиз бас, бу санаторий қурилиши учун илк маблағни ўзимиз топамиз. Мен баҳорги шанбалиқдан тушган пуллардан маълум қисмини шу ишга ажратаман. Санаториялар қурилиши режасини қайта кўриш вақтида бизнинг объектимиз ҳам

рўйхатга киритилади», деди Ш.Р.Рашидов. Эртасига С.А.Шалаев ва лойиҳачилар биз билан Тошкентга учиб келишди. Шу заҳотиёқ учта машинада Зоминга жўнаб кетдик. Зоминни кўрган С.А.Шалаев Ўзбекистонда бундай гўзал жойлар борлигидан ҳайратга тушди. Лойиҳачи бўлса, бўлғуси қурилиш ўрнини дарҳол белгилади.

Зоминдан қайтгач, Ш.Р.Рашидов хузурига кирдик. Марказқўмнинг иккинчи котиби Л.И.Греков, Министрлар Советининг раиси Н.Ж.Худойбердиев ва Олий Совет раиси Н.М.Матчонов С.А.Шалаевнинг қандай қарорга келишини кутиб ўтиришган экан. С.А.Шалаев кабинетга кирар-кирмас табассум билан деди:

- Сиз мен ишонтирдингиз! Зомин туманида санаторий қурамиз. Лойиҳачим шу ерда, у лойиҳани икки ойдан сўнг Сизга кўрсатади. Лойиҳа Сизга маъқул бўлса, дарров қурилишни бошлаб юборамиз.

Мен лойиҳачидан хизмат кўрсатувчи ходимлар учун турар жой қуришни кўзда тутишни илтимос қилдим. Чунки яқин атрофда ҳеч қандай аҳоли пункти йўқ эди. Барча бунга рози бўлди. Роппа-роса икки ойдан сўнг санаторий лойиҳаси тайёр бўлди. Республика раҳбарлари лойиҳани маъқуллагач, 1980 йил охирида санаторийни қуришга киришдик. Энг аввало, хизмат кўрсатувчи ходимлар учун турар жой қурила бошланди. Санаторийнинг асосий бинолари қурилаётган вақтлари бу бинода қурувчилар яшаб туришди. Кўп қийинчиликларга дуч келсак-да, қурилишни 1986 йилда тамомлашга муваффақ бўлдик.

Бошқа жойларда санаторий ва профилакторийлар очиш ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Ҳар бир корхона, колхоз ва совхозда, ўқув юртларида ана шундай муассасалар очила бошланди. Касаба уюшмалари котиби бўлиб иш бошлаган вақтимда атиги 8та ана шундай муассаса бўлса, 1977 йилга келиб уларнинг сони 141 тага етди. Ҳар йили уларда 30000 нафарга яқин киши дам олиб, соғлигини тикларди.

Бундан ташқари касаба уюшмалари ва хўжаликлар дам олиш зоналари ҳам ташкил этдилар. 1977 йилга келиб уларнинг сони 200 дан ошиб кетди. Тошкент, Фарғона ва бошқа вилоятларнинг касаба уюшмалари бунга, айниқса, катта эътибор беришди.

Касаба уюшмалари фаолиятида парҳез овқатлари ошхоналарини ташкил этиш ҳам муҳим ўрин тутди. Парҳез

таомлари ошхоналари кўпайтирилди, мавжуд ошхоналарда парҳез таомлар ҳам тайёрланадиган бўлди. Бу ишлар учун давлат ижтимоий суғурта бюджетидан йилига икки миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди. Ҳар йили 50000 киши парҳез таом билан таъминланди.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларининг ёзги ва қишки таътил вақтида дам олишларини уюштириш учун ҳам кўп иш қилинди. Касаба уюшмалари санаторий ва дам олиш уйларига ажратиладиган йўлланмалар сонини кўпайтирдилар. Спорт-соғломлаштириш лагерлари тармоғи кенгайтирилди. Талабаларнинг дам олиши ва соғлигини тиклашларини ташкил қилиш учун ҳар йили бюджетдан 600000 сўмдан кўпроқ маблағ ажратиларди.

Ички ва халқаро туризм фаолиятимда муҳим ўрин тутарди. Ички туризм кенгаши меҳнаткашларнинг саёҳат қилишлари учун иттифоқнинг шаҳарларига йўлланмалар берар ва саёҳатчиларни Ўзбекистонда кутиб олишар эди. Касаба уюшмалари томонидан Тошкентда «Саёҳат» меҳмонхонаси қурилди. Кейинчалик Самарқанд, Бухоро, Андижон, Фарғона, Наманган, Қашқадарё ва бошқа вилоятлар ҳамда шаҳарларда ана шундай меҳмонхоналар қурилди. Тошкентда «Москва» (ҳозирги «Чорсу») меҳмонхонасини қуришга алоҳида эътибор берилди. 22 қаватли бу меҳмонхонани қуриш учун маблағлар ВЦСПС томонидан ажратилди. Қурилишни Тошкент шаҳрининг биринчи раҳбари А.А.Хўжаев шахсан назорат қилиб турарди. Қурилишни Ш.Р.Рашидов ва бошқа раҳбарлар тез-тез келиб кўриб туришарди.

1977 йил февралда мени яна Ш.Р.Рашидов ҳузурига чақиришди.

- Беш йил мобайнида Сиз ўз хизмат вазифаларингизни яхши адо этганингиздан хабардорман, - деди у. - Меҳнаткашларнинг дам олишини уюштириш, маданий-тарбиявий, жисмоний тарбия ва спорт ишларини ривожлантириш учун кўп ишлар қилдингиз. Ишингиздан мамнунман. Бошқа соҳаларни билишингиздан ҳам хабардорман. Биз сизга Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши раиси лавозимига номзодингизни қўйишни таклиф этамиз. М.А.Зоидов кўп йилдан бери бу ерда раис бўлиб ишлаб келди ва кўп ишлар қилди. Биз уни партиявий ишга ўтказмоқчимиз. Ҳозирча у бу ҳақда билмайди. Сиз ҳам бу ҳақда унга айтманг. Керак бўлган чоқда ўзимиз айтаемиз.

Сизнинг номзодингизни бу лавозимга кўрсатишдан олдин КПСС МК ва ВЦСПС билан келишиб олиш керак. Шунинг учун Москвага боришингиз керак. Айтмоқчи, В.В.Терешкова Совет аёллари комитети пленумига Ўзбекистондан вакил юборишни илтимос қилипти. Биз сизни вакил қилиб юборишга қарор қилдик. Ҳаммага, ҳатто М.А.Зоидовга ҳам ўша пленумга кетаётганингни айтинг. Мана сизга В.В.Терешкованинг телеграммаси. Уни М.А.Зоидовга кўратинг. Пленумда қатнашинг. Кейин Марказқўмнинг ташкилий бўлимига кириб, Ишқовга учрашинг. У сизни Марказқўм котиби билан учраштиради. Сўнг ВЦСПС га бориб С.А.Шалаевга учрашинг. Суҳбатлардан сўнг қайтиб келиб, натижасини бизга билдиринг.

Мен билан учрашувдан В.В.Терешкова жуда хурсанд бўлди. Биз у билан 1974 йилдан буён таниш эдик. Ўшанда биз Прагада халқаро хотин қизлар куни муносабати билан ўтказилган бир анжуманда қатнашган эдик. В.В.Терешкова билан Ўзбекистонда аёллар ўртасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида узоқ суҳбатлашдик. Ўша вақтларда, гарчи мен Ўзбекистон касаба уюшмалари котиби бўлсам-да, Ўзбекистон хотин-қизлари кўмитаси раиси лавозими ҳам зиммамга юклатилган эди.

Анжумандан сўнг мен Ишқов билан учрашдим. У мени Марказқўм котиби Кириленко хузурига олиб кирди. Кириленко суҳбатдан сўнг: «Ш.Р.Рашидовга айтинг, марказқўм рози» деди. Шундан кейин ВЦСПС раиси С.А.Шалаев қабулига кирдим. С.А.Шалаев: «Мен сизни яхши билман, шунинг учун ҳам розиман» деди ва ВЦСПС котиби Александра Павловна Бюрийковани таклиф қилди. Унга Тошкентга бориб республика касаба уюшмаларининг X қурултойида иштирок этишни топширди. «Сиз, марҳамат қилиб, Наима Маҳмудовнани қўллаб-қувватланг», деди у. Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашини бошқаринини таклиф қилганларида чўчиганим йўқ, фақат зиммамга тушаётган қатта масъулият бир оз ўйлантириб қўйди холос. Москвадан қайтгач, Ўзбекистон Компартияси Марказқўмига бориб сафар натижаларини айтиб бердим. У ердагилар Москвадаги суҳбатлар ҳақида аллақчон билишларини, фақат бу ҳақда қурултойгача ҳеч кимга айтмасликни топширишди. Ўзбекистон касаба уюшмаларининг X қурултойи 1977 йил мартда бўлиши керак эди. Биз унга қаттиқ тайёргарлик кўрдик. Ўша куни Навоий номли театрда

эрталаб соат ўнда курултой очилди. Курултой ишида Ш.Р.Рашидов бошлиқ Ўзбекистон раҳбарлари, Москвадан А.П.Бюрйкова ва Ишков қатнашдилар. Ҳисобот, муҳокамалар бўлиб ўтгандан сўнг катта концерт берилди. Кечкурун уйга М.А.Зоидов телефон қилди. У бир оз ранжиган оҳангда сўради:

- СССР Касаба уюшмаларининг XV курултойига бизни қачон олиб борасиз? Ахир, бизни бошланғич касаба уюшмалари аллақачон делегат қилиб сайлашган-ку.

Нима деб жавоб қилишни билмай қолдим. Фақат:

- XV курултойга делегатларни мен эмас, Сиз олиб борасиз,- дедим холос.

У кулиб қўйди-да:

- Мени тушунишингиз керак. Ахир, ҳамма масала курултойдан кейинги ташкилий пленумда ҳал бўлади, - деди.

Эртасига курултой давом этди. Баъзи делегатлар республикадаги касаба уюшмалари фаолиятини танқид қилиб, яхшилаш таклифларини ҳам киритар эдилар.

Ниҳоят ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши пленумининг аъзолари сайланди. Улар орасидан 15 киши президиум аъзоси қилиб сайланди. Шундан сўнг курултой ёпилиб, делегатлар тарқалди. Залда фақат пленум аъзолари қолди, холос. Ташкилий пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг иккинчи котиби Л.И.Греков ва ВЦСПС котиби А.П.Бюрйкова иштирок этдилар. Пленумни Л.И.Греков очди. Йиғилиш қатнашчиларини пленум аъзоси этиб сайланганликлари муносабати билан табриклагач, М.А.Зоидовнинг фаолиятига тўхталди ва деди: «Касаба уюшмаси ҳаракати раиси сифатида у кўп ишлар қилди. Бироқ уни каттароқ лавозимга ўтказадиган пайт келди. Биз унга партиявий ишга ўтишни таклиф қиляпмиз. Шунинг учун уни Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши таркибидан чиқариш ва раис вазифасидан озод этиш тўғрисида овоз беришингизни сўрайман».

Ҳамма бир овоздан қўл кўтарди. Менинг ёнимда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг котиби Х.В.Нигмонов ўтирар эди. У менга мурожаат қилиб кимни сайлашар экан, деб сўрай бошлади. «Кимнидир сайлашади-да» дедим-у, ўзим жуда асабийлашаётган эдим. Шунда Л.И.Греков раис лавозимига менинг номзодимни кўрсатиб, овозга қўйди. Ҳамма ёқлаб овоз берди. Аммо Ўзбекистон касаба уюшмаларининг котиби В.П.Кузьмин Самарқанд кенгашининг

раиси М.Хасановага мурожаат қилиб, деди: «У бу ишнинг уддасидан чиқармикан? Унинг учун ҳам ишлашимизга тўғри келмасмикан?» М.Хасанова унга жавобан: «Уддасидан чиқади, биз ёрдам берамиз», деди. Шундан сўнг менга сўз беришди. Мен Ўзбекистон касаба уюшмаларининг котиблари лавозимига В.П.Кузьмин, Х.В.Ниғмонова ва Қозоқбоевнинг номзодларини, шунингдек, бўлим мудирлари лавозимларини овозга қўйдим. Ҳамма яқдиллик билан ёқлаб овоз берди. Шу билан ташкилий пленум ниҳоясига етди.

Эртасига эрталаб котибларни ҳузуримга чақириб, уларни сайланганликлари муносабати билан табрикладим ва хизмат бурчларининг тақсимоти билан таништирдим. Бу тақсимотни кечқурун тайёрлаб қўйган эдим. Тақсимотнинг бу даража тез тайёрланганлигидан ҳайрон бўлишди. В.П.Кузьминга молия, уй-жой, маиший ишлар, нақлиёт, ташкилий бўлимларни ва касаба уюшмалари курсларини топширдим. Х.В.Ниғмоновга ишлаб чиқариш-оммавий ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимлари топширилди. Қозоқбоевга маданий-оммавий ва жисмоний тарбия-спорт ишлари, туризм, ижтимоий суғурта бўлимлари, кино кенгаши берилди. Ўз зиммамда умумий раҳбарлик ҳамда молия ва ташкилий-оммавий ишлар назоратини олиб қолдим. Барча котиблар тақсимотдан рози бўлдилар ва ўз вазифаларини бажаришга киришдилар.

Ҳар куни эрталабки йиғилишда ўтган куни қилинган ишлар ҳақида ҳисобот бериш одат тусига кирди.

Бу вақтга келиб, мен Ўзбекистон Олий Совети депутати этиб сайланган эдим. Касаба уюшмаларига раис қилиб сайланганимдан сўнг, мен СССР Олий Советига депутат, Соғлиқни сақлаш комиссияси раиси, ВЦСПС президиуми аъзоси, совет аёллари қўмитаси президиуми этиб сайландим. Ўзбекистон Компартияси пленумлари ва бошқа анжуманларда мен Ўзбекистон Олий Совети котиби Г.К.Ҳайдарова билан, Олий Совет сессияларида эса ЎзТАГ раиси Х.Ю.Аслиддинова билан бирга ўтирар эдим. Улар камтар ва ақлли аёллар бўлиб, кеккайиш нималигини билишмас эди. Улар билан мулоқот менга доимо ҳузур бағишлар эди.

Пахта йиғим-терими даврида ҳар йили мени вилоятларга жўнатишарди. Мен пахтакорларнинг меҳнати, овқатланиш шароитлари, мавсумий болалар боғчаларини ташкил этиш масалалари билан шуғулланар ва ёрдам берар эдим. Пахта йиғим-теримида кўпроқ хотин-қизлар ишлагани учун бундай



боғчалар жуда зарур эди. Кўпинча Бухоро, Наманган, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари пахтакорлари хузурида бўлар эдим. Тошкент олий ўқув юртларининг пахта теримида иштирок этаётган талабалари маданий-маиший шароитини яхшилаш мақсадида бир неча бор Сирдарё ва Жиззах вилоятларида бўлдим. Бир гал Жиззах вилоятидаги совхозлардан бирида пахта тераётган ТошМИнинг биринчи ва иккинчи курс талабалари яшаш шароитини ўргангани борганимда, Н.Ж.Худойбердиевга дуч келдим. Талабалар ҳақида унинг гамхўрлиги менда кучли таассурот қолдирди. Осмонни булут қоплаган бўлиб, ёмғир кутилаётган эди. Нормухаммад Жўраевич талабаларнинг аҳволини бир оз бўлса-да енгиллатиш мақсадида уларга этик ва ёмғирпўшлар, озиқ-овқат сотиб олиб берди. Раис далада пахта тераётган талабалар ёнига бориб, ҳар бири билан оталарча суҳбатлашар, уларнинг руҳини кўтарар эди. У кетгандан сўнг, талабалар янада ғайрат билан пахта тера бошладилар. Катта лавозим эгаси бўлган Н.Ж.Худойбердиев гоҳида қаттиққўллик қилса-да, у табиатан олийжаноб ва гамхўр инсон эди. Унинг хатти-ҳараткатларида бу хислати сезилиб турарди.

Жамоат ишларида фаол қатнашиб турдим. 1986 йилгача республика хотин-қизлар кенгашининг раиси, «Саодат» журнали таҳрир ҳайъати аъзоси, Ўзбекистон тинчлик қўмитаси раиси муовини ва бошқа жамоат ташкилотларида ҳам фаолият олиб бордим. Касаба уюшмалари спорт ташкилотларининг спартакиадаларида, болалар муסיқаси ва болалар ижодиёти фестивалларида, меҳнатни муҳофаза қилиш кўрикларида раис сифатида иштирок қилдим. Хизмат юзасидан кўпгина чет мамлакатларга бориб, конгресслар, қурултой ва анжуманларда қатнашдим. Турли мамлакатлардан келган касаба уюшмалари делегацияларини қабул қилдим. Касаба уюшмалари кенгаши раиси сифатида ижтимоий суғурта, маданий-оммавий ва соғлиқни сақлаш ишларидан ташқари, касаба уюшмалари иши услубини такомиллаштириш, уни тўғри ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва ойлик маош, меҳнатни муҳофаза қилиш, туризм ва, умуман, касаба уюшмалари фаолияти билан боғлиқ жуда кўп масаллар билан шуғулланишга тўғри келарди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши ўша вақтда 19 та тармоқ республика касаба уюшмалари қўмиталарини бирлаштирар эди. Улар орасида авиация ходимлари, автотранспорт ва йўллар ишчилари, геологразведка, давлат

савдоси, матлубот кооперацияси, давлат ва маданият ташкилотлари, Ўрта Осиё темир йўллари ва тиббиёт ходимлари ташкилотлари бор эди. Ҳозир уларнинг кўпи тармоқ касаба уюшмалари кўмиталари деб номланади. Бундан ташқари биз 12 вилоят, Қорақалпоғистон ва Тошкент шаҳар касаба уюшмаларини ва жуда кўплаб бошланғич ташкилотларни бирлаштирар эдик. Фабрика-завод маҳаллий кўмитаси ҳуқуқлари тўғрисида янги Низомни тасдиқлашимиз ва уларга туман кўмитаси ҳуқуқларини беришимиз бошланғич касаба уюшмаларининг ташкилий мустаҳкамланиши ва кучайишига ёрдам берди.

Касаба уюшмалари фаолиятида демократияни янада ривожлантириш бўйича қилинган ишлар касаба уюшмаси аъзоларининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаоллигини оширишга, касаба уюшмалари кўмиталарининг иш услуби ва методларини такомиллаштиришга, бошланғич ташкилотларнинг ролини оширишга ёрдам берди.

Касаба уюшмалари ишчи ва хизматчиларнинг ижодий фаоллигини доимо ошириб ва қўллаб-қувватлаб бордилар. Улар илғор жамоаларнинг тажрибаларини умумлаштириб, кенг ёйдилар, режа ва мажбуриятларнинг бажарилишига баракали таъсир ўтказдилар.

Кўпгина бошланғич ташкилотлар меҳнаткашларни ишлаб чиқариш ва жамоат ишларини бошқаришга жалб этишда бой тажриба тўпладилар. Йиғилишлар, доимий ишлайдиган ишлаб чиқариш кенгашлари бунга ёрдам берди.

Ўша йиллари сменалар, бригадалар, бўлимлар, участкалар, яъни кишилар бевосита ҳамкорликда фаолият олиб борадиган жойлардаги касаба уюшмалари гуруҳлари роли ва фаоллигини оширишга, айниқса, катта эътибор берилди. Зеро, ишлаб чиқариш режаларининг муваффақият билан бажарилиши жойларда ташкилий ишнинг яхши ва тўғри йўлга қўйилишига боғлиқ. Касаба уюшмалари гуруҳларининг фаолиятини яхшилаш ва такомиллаштириш масаласи бир неча бор пленумларимизда муҳокама этилди. Бу гуруҳларнинг роли ошганлигини ҳисобга олиб, гуруҳ раҳбарларини танлашга эътибор кучайтирилди. Обрўли, тайёргарлиги бор, ишлаб чиқаришда илғор бўлган кишилар бу ишга танлаб олинди. Бир қанча вилоятларда касаба уюшмалари кўмиталари кўп тиражли газеталар таҳририятлари билан касаба уюшмалари гуруҳлари раҳбарларининг сиртқи ўқувини ташкил этдилар. Тошкент,

Наманган, Самарқанд, Фарғона вилоят кенгашлари гуруҳ раҳбарлари кунларини ўтказишни жорий этдилар. Бу иш тажрибасини умумлаштириш, юзага келаётган вазифаларни жамоа бўлиб муҳокама қилиш ва уларнинг фаолиятини яхшилаш йўлларини белгилашнинг таъсирчан турига айланди.

Республика миқёсида ўтадиган анжуманларда гуруҳ раҳбарлари иш тажрибасини ўртоқлашар, меҳнатни ташкил этишдаги камчиликларни аниқлашар, ишлаб чиқариш корхонаси олдида турган вазифаларни ҳал этиш йўлларини белгилашар эди. Шу йиллар давомида айти шу гуруҳлар касаба уюшмаси ишини яхшилашнинг муҳим ўчоғи бўлиб қолди. Уларнинг фаолияти билан танишиш учун бир неча бор вилоятларда бўлдим.

Ишлаб чиқариш илғорлари ва фаоллари орасидан касаба уюшмаларининг жамоачилик асосида ишлайдиган котибларини сайлаш ижобий натижа берди. Улар пленумларда кўриладиган масалаларни тайёрлашда, бошланғич ташкилотлар ишни яхшилашда фаол ёрдам беришар, маърузалар қилишар, ариза билан келувчиларни қабул қилишар эди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашига В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг чилангари Н.Маннопов жамоатчилик асосида котиб қилиб сайланган эди. У турар жой-маиший бўлим ишини бошқарарди. Сирдарё вилоятида Гулистон таъмир-механика заводининг устаси А.И.Соловёв, Фарғонада қурувчилар бригадаси бошлиғи С.Шодмонов, Андижонда пахта заводи устаси К.Мусаев жамоатчилик асосида фаол иш олиб борган котиблардан эдилар. Фарғона вилоят касаба уюшмалари кўмитасининг жамоатчи котиби Н.Краснова, Фарғона вилоят касаба уюшмалари кўмитасининг жамоатчи котиби К.И.Бичкова ва бошқалар ҳам жонқуярлиги билан кўпчилиكنинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлдилар.

Касаба уюшмалари ходимлари ва фаолларига юксак талаблар қўйилди. Улардан ишбилармонлик, чуқур билим, кенг дунёқараш эгаси бўлиши талаб қилинарди. Ходимларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва малакасини оширишни асосий вазифаларимдан бири деб ҳисоблардим. Шу муносабат билан оддий ходимларни ҳам хизмат сафарига юборишни йўлга қўйдим. Сафардан қайтгач, улар котибият ёки президиумда ҳисобот берар эдилар. Бундан ташқари радио ва телевиденида чиқиш қиладиган, матбуотда мақолалар эълон қилиб турадиган

ходимларни кўпчилик ўртасида рағбатлантирардим. Ходимларни чақириб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини диққат билан эшитар, уларда ўзига ишонч уйғотишга ҳаракат қилардим.

Ташкилотимизда ишлаган кўпгина оддий ходимлар кейинчалик турли касаба уюшмалари ташкилотларининг раҳбарлари бўлиб етишдилар. Масалан, М.Тўлаганова ҳозир Тошкент вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси бўлиб ишламоқда. У билан дўстона муносабатларимиз ҳамон давом этмоқда. М.Содиқов ва Э.Ёқубов касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосарлари бўлиб ишламоқдалар. Бошқа давлат ва жамоат ташкилотларида ишлаётган ташаббускор ва жонкуяр ходимлар ҳам кўп.

Ходимлар малакасини ошириш учун барча вилоятларда касаба йўли билан махсус курслар очилди. Тошкентдаги курс республикалараро миқёсга кўтарилди ва касаба уюшмаси ходимларини ўқитиш ва тарбиялашда муҳим услубий марказга айланди. Ўқиш касаба уюшмалари олдида турган конкрет вазифалар билан кўшиб олиб борилар, методик иш такомиллаштириллар эди. Ўқитувчилар таркибини яхшилаш машғулотлар савиясини оширишга ёрдам берди. Республика ва вилоят кўмиталари бўлим мудирлари ва масъул ходимлари касаба ташкилотлари қурилиши масалалари бўйича, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари ҳамда етакчи мутахассислари иқтисодиёт ва бошқарувни ташкил этиш бўйича, Тошкент олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ижтимоий фанлар бўйича дарс ўтар эдилар.

Амалий машғулотлар Ўзбекистоннинг Тошкент ГРЭСи, Чирчиқ Электр-химия комбинати, Тошкент кабель заводи, 2-вагон депоси, 3-автокомбинат, Янгийўл колбаса заводи, 1-уй қурилиш комбинати, 4- ва 63-касб-хунар билим юртлари, «Василёк» болалар комбинати, 2-клиник касалхона, Тошкент трактор заводи каби илғор корхона ва ташкилотларда олиб борилди.

Курсларда касаба ишининг илғор тажрибаси умумлаштириб, ёйиб борилди. Тошкент тўқимачилик комбинатидаги илғор иш тажрибаси махсус рисола ҳолида чоп этилиб, корхоналарга тарқатилди. Буларнинг ҳаммаси ўша йиллари Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолияти анча фаоллашганидан далолат беради. Касаба уюшмалари ташкилотларининг иш услуби ва методларини, ташкилий

тизимини такомиллаштириш, кадрларни тўғри танлаш, ўқитиш ва жой-жойига қўйиш, омма билан алоқани мустаҳкамлаш, бошланғич ташкилотлар жанговарлигини ошириш бунга ёрдам берди.

Ўша вақтда корхоналар ўртасида мусобақани ташкил этишга катта эътибор берилди. Фолиблар маънавий ва моддий рағбатлантириб борилди. Корхоналаргина эмас, шаҳарлар ва вилоятлар, ҳатто республикалар ва мамлакатлар ҳам ўзаро мусобақалашни одат тусига кирди. Масалан, Тошкент вилояти Иваново, Олмаота вилоятлари, Болгариянинг Хасково округи билан, Тошкент шаҳри Югославиянинг Скопле шаҳри билан мусобақалашар эди. Бу мусобақаларнинг ижобий натижаси бўлди, албатта.

Илмий-техник тараққиёт масалаларида илмий-техник жамиятлар (ИТЖ) муҳим роль ўйнади. Шу мақсадда бошланғич, тармоқ, вилоят, республика ИТЖ лар барпо этилди. ИТЖ аъзоларининг иштироки ва ёрдами билан 3000 дан кўпроқ технологик жараёнлар ўзлаштирилди, янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди, 20000 дан кўпроқ ускуна замонавийлаштирилди. Корхоналарни қайта таъмирлаш ва техник қуроллантириш, ишлаб чиқаришни йириклаштириш ва ихтисослаштириш, ишлаб чиқариш бирлашмаларини барпо этиш борасида кўпгина тадбирлар амалга оширилди.

Инженерлар, техниклар, олимлар, мутахассислар, новатор ишчиларнинг ижодий ташаббускорлигини ривожлантириш учун ИТЖ ташкилотлари ҳар йили аниқ ва мақсадга йўналитирлган мавзуларда 500 дан зиёд конкурс ва кўриклар ўтказар эдилар.

Ишлаб чиқаришда хавфсиз шарт-шароитни таъминлаш ҳам раис сифатида эътиборимда турарди. Ўтган йиллар мобайнида техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, меҳнат қоунчилигига риоя қилишга йўналтирилган бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Бу соҳага оид бир қанча қарорлар чиқарилиб, жорий этилди. Саноат корхоналари, колхозлар, совхозлардаги меҳнат шароитининг аҳволи мунтазам равишда кенгашимиз мажлисларида кўриб бориларди. Меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш борасидаги жамоа шартномаларининг бажарилиши, ишлаб чиқаришда майиб бўлиш ҳолларини камайтириш, оғир ва зарарли жараёнларни механизациялаш каби масалалар йиғилишларимизда мунтазам кўриб борилди. Қабул қилинган

қарорлар юзасидан тезкорлик билан текширувлар ўтказиш йўлга қўйилди. Бу иш натижалари котибиятда кўриларди.

Корхона ва ташкилотлар назорат қилиб борилар, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан техник назоратчилар томонидан йилига 100000 дан зиёд таклиф киритилар ва уларнинг бажарилиши назорат қилиб бориларди. Текширувларнинг 15% га яқинини техник назоратчилар давлат назорати ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширар эдилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашининг бевосита иштирокида корхоналар санитария-техника аҳволининг техник паспорти ишлаб чиқилди ва у Соғлиқни сақлаш вазирлиги, давлат техника назорати, энергетика ва ёнғинга қарши кураш назорати идоралари билан келишиб олинди. 1977 йилдан бошлаб у жорий қилина бошланди. Республиканинг барча саноат корхоналаридаги меҳнат шароитининг аҳволи асосий кўрсаткичлар бўйича паспортлаштирила бошланди.

Касаба уюшмалари кенгашлари ва кўмиталари, техник инспекторлар ишлаб чиқариш соҳасида янги қурилаётган ва таъмир этилаётган корхоналарда аввал бошдан хавфсиз меҳнат шароити яратишга катта эътибор бера бошладилар. Бундай объектларда техник инспекторлар йилига бир-икки марта текширув ўтказар, бу эса корхоналарни меҳнат муҳофазаси кўрсаткичлари бўйича асосий тадбирларни бажарган ҳолда ишга туширишга имкон берар эди. Оғир ва кам унумли кўл меҳнатини механизациялаштириш юзасидан республика жамоатчилик кўриклари мунтазам равишда ўтказилиб турилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тўпланган ижобий тажрибалар умумлаштирилиб, бошқа жойларга ҳам жорий этила борди.

Харьков трактор заводида қўлланган уч босқичли назорат услуги кенг ёйилди. Бу услуб ишлаб чиқаришнинг энг кичик участкасидан тортиб корхонанинг ўзигача меҳнат муҳофазаси аҳволи устидан жамоат назоратини қамраб олар эди. Бу ишда ишчилар, инженер-техник ходимлар, хизматчилар ва жамоатчилик фаол иштирок этар эди.

Республиканинг кўпгина автомобиль хўжаликларида йўл ҳаракати хавфсизлиги жамоатчилик комиссиялари ташкил этилди ва ишлай бошлади. Ҳар йили йўл ҳаракати хавфсизлиги жамоатчилик кўрикларида касаба уюшмаси фаоллари актив иштирок этар эдилар. Бу комиссиялар ва жамоатчи

автоинспекторлар транспорт воситаларининг техник аҳволи, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиниши устида назорат қилар эдилар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида барча назорат органларининг ишини Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳузурида ва вилоят кенгашлари ҳузурида тузилган кенгашлар умумлаштириб турарди. Кенгашлар таркибида касаба уюшмалари техник инспекцияларининг, давлат техника назорати, энергетика ва ёнғинга қарши кураш, халқ назорати, давлат автомобиль инспекцияси ва санитария назорати идораларининг вакиллари бор эди. Бу тадбирлардан кейин комплекс текширувларининг сони анча кўпайди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида эришилган ютуқларни намоиш қилиш, илғор тажриба алмашиш мақсадида хўжалик органлари билан биргаликда мунтазам равишда кўргазмалар ўтказиб бордик.

Ишлаб чиқариш маданиятини, саноат эстетикасини яхшилаш, корхоналар ҳудудини ободонлаштириш, дам олиш жойларини ташкил этиш, ишлаб чиқариш гимнастикаси майдончаларини жиҳозлаш борасида ҳам анча-мунча ишлар қилинди.

Ишлаб чиқариш-оммавий ва иқтисодий ишлар ҳам доимий эътиборимизда бўлди. Саноат, қурилиш, транспорт корхоналари, илмий тадқиқот ва лойиҳа ташкилотлари ўртасида ижодий ҳамкорлик бўйича шартномалар тузиш кенг ёйилди.

Халқимизда «Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар» деган ҳикматли гап бор. Назарий билим олишнинг аҳамияти беқиёс. Бироқ, айтиш чоғда, бевосита ишлаб чиқаришда устоздан тажриба ўрганиш, малака орттиришнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Устоз кўмагида шогирд кўп нарсани ўрганadi, кўзи пишади. Шунинг учун ҳам мураббийлик ҳаракатини ривожлантиришга катта эътибор бердик. Корхона ва муассасаларда кўп йиллар ишлаб, катта тажриба орттирган обрўли устозларга ёш шогирдлар бириктириб қўйилар, кўп ўтмай бу иш ўз самарасини берар эди. Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналарида 100 мингдан ошиқ мураббий фидокорлик билан ўз билими ва тажрибасини шогирдларга ўргатиб борди. Шунини қайд қилиш керакки, бу иш мутлақо беғараз, бирон-бир манфаат кутмаган тарзда амалга оширилди.

Мамлакат тақдири ёшларга, уларнинг қандай таълим-тарбия олишига боғлиқ. Шунинг назарда тутилган ҳолда маҳаллий кўмиталарда болалар ва ўсмирлар ўртасида ишлаш бўйича махсус жамоатчилик комиссиялари барпо этилди. 41000 дан зиёд ишлаб чиқариш илғорлари, мураббийлар, касабачиларнинг фаоллари бу комиссиялар таркибида иш олиб бордилар. Комиссияларнинг иши ёшларнинг меҳнат тарбиясини яхшилашга қаратилган эди.

Айни чоғда болаларнинг дам олишини уюштиришга касабачиларнинг уюшмаларига қарашли клублар, маданият саройлари муҳим эътибор беришарди. Маданий-маърифий муассасаларда ёшларни ишчиликка қабул қилиш, биринчи маош кунни, корхона тарихига бағишланган кечалар ўтказиш каби тарбия шакллари кенг қўлланди. Болаларимиз бу муассасаларда мусиқа, хонандалик, классик, халқ рақслари, расм чизиш, куллулчилик, радиотехника, авиомоделизм каби тўғарақларда ўз қизиқишлари бўйича билим олдилар.

Тошкентдаги «Коммунальник», Чирчиқ электр-химия комбинати, Олмалик тоғ-металлургия комбинати ва бошқа корхоналарнинг клублари болалар ўртасида катта тарбиявий ва маданий-оммавий ишлар олиб бордилар. Уларнинг иши бир неча бор республика миқёсида оммалаштирилди. Клубларда ишлайдиган ходимлар турар жойларда ҳам ана шундай фаолият олиб бордилар. «Ўзбекшахтақурилиш» трестининг «Курувчи» клуби болалар цирк жамоаси қатнашчилари республика болаларига маданий хизмат қилиб, шуҳрат қозонди.

Ижодий жамоаларда қатнашган болалар кўзга кўринарли муваффақиятларга эришдилар. Масалан, Тошкент авиасозлари клубининг филателистлари Прагада ўтказилган халқаро кўрғазмада иккинчи ўринни, Чирчиқ химия комбинати маданият саройининг ёш рассомлари бўлса Деҳлида ўтказилган болалар расмлари халқаро кўрғазмасининг совринини олишга муваффақ бўлдилар.

Ёш авлод тарбиясида китобнинг ўрни беқиёс. Буюк бобомиз Алишер Навоий «Китобдан яхши дўст йўқ жаҳонда» деб бежиз айтмаган. Китоб китобхоннинг билим доирасини кенгайтиради, маънавиятини бойитади. Китоб ўқиган ва уққан одамдан ёмонлик чиқмайди. Китобнинг инсон ҳаётида тутилган буюк ролини ҳисобга олган ҳолда касабачиларнинг уюшмалари китоб ўқишга рағбат уйғотиш мақсадида китоб кўрғазмалари,



китобхонлар конференциялари, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар ўтказиб туриши одат тусига кириб қолди.

Кишини руҳан бойитишда мусиқанинг роли ҳам беқиёс. Касаба уюшмалари Маданият ва Маориф вазирликлари билан ҳамкорликда «Болалар ва ёшлар учун мусиқа ҳафталиклари» ўтказишни жорий қилдилар. Ҳафталик ўтказиладиган республика кўриги билан яқунланарди. Касаба уюшмаларининг маданият муассасалари ёшларни ахлоқий-маънавий ва эстетик тарбиялаш учун, айниқса, байрам кунлари оммавий тадбирлар ўтказишар эди.

Ёш авлодни соғлом қилиб тарбиялаш учун жисмоний тарбия ва спорт ишларига эътибор кучайтирилди. «Меҳнат», «Спартак», «Буревестник», «Локомотив», «Зенит» кўнгилли спорт жамиятлари жисмоний тарбия ва спорт ишини ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, қийин эрийдиган, ўтга чидамли металл комбинати, Тошкент тепловоз депоси, Фарғона педагогика институти ва бошқалар жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ишини кенг йўлга қўйганлиги билан ажралиб туришарди. Корхоналар ва муассасаларда ишлаб чиқариш гимнастикаси, туризм, ов уюштириш, соғломлаштириш гуруҳлари ташкил этиш, шаҳар ташқарисида соғломлаштириш масканлари ташкил этиш, саломатлик спартакиадалари ўтказиш каби турли-туман шакллар кенг қўлланилди. «Талабалар спорти ҳафталиклари» ўтказиш оммалашди.

Касаба уюшмалари кўнгилли спорт жамиятлари, спорт иншоотларини қуриш, таъмирлаш ва ободонлаштириш, моддий базасини яхшилашга кўп эътибор беришарди. Бу ишлар пировардида ижобий натижалар берди. «Меҳнат», «Буревестник», «Спартак» кўнгилли спорт жамиятларининг кўпгина тарбияланувчилари республика терма жамоаларига жалб қилиниб, иттифоқ ва халқаро миқёсда ўтказилган мусобақаларда совринли ўринларни эгаллашарди. 1980 йил ёзда Москвада жаҳон олимпия ўйинлари ўтказилди. Барча республикларнинг вакиллари Олимпиадага таклиф этилди. Касаба уюшмаларида жисмоний тарбия ва спорт ишларини яхши йўлга қўйганимиз учун мени ҳам Ўзбекистон делегацияси таркибида Олимпиадага таклиф этишди. Ўша вақтда Москвани ниҳоятда гўзал қилиб безатишган эди. Янги қурилган Олимпиада шаҳарчаси, стадионлар катта таассурот қолдирарди. Менга велопойга, теннис ва енгил атлетика мусобақаларини

кўриш насиб этди. «Лужники» стадионидаги ҳукумат ложасида Ўзбекистон вакилларига ажратилган жойларда ўтириб, мусобақаларни томоша қилдик. Спортчиларимиз мусобақаларда яхши иштирок этганлиги кайфиятимизни янада кўтарди.

Мени қувонч ва гурур туйғулари бутунлай қамраб олган, нуқул ҳайқириб ашула айтгим келарди. Олимпиаданинг ёпилиш маросими вақтида бошган кечирган ҳис-туйғуларимни тасвирлашга қалам ожиз. Ташкилий қўмита раиси Олимпиада ёпилганлигини эълон қилгач, ҳамма ўрнидан турди ва тантанали мусиқа оҳанглари янгради. Стадион марказидан улкан малларанг айиқча-Мишка осмонга кўтарила бошлади. Ҳамма жўровоз бўлиб, «Хайр, Мишка» деб ашула айта бошлади. Бу ҳаяжонли дамларда Мишканинг кўзидан оққан ёшлар қатнашчилар ва томошабинларга ҳам юқди. Нақадар ажойиб ва ҳаяжонли дамлар эди бу. Олимпия олови секин-аста сўнар экан, Москва осмонини ранг-баранг мушаклар тўлдирди. Мишка осмонга учиб кўринмай кетгач, томошабинлар ҳайрат ва ҳаяжон оғушида лол турар эдилар. Бирдан ҳамма ёқни гулдурос қарсақлар тутди. Ҳеч кимнинг кетгиси келмас, барчанинг кайфияти аъло эди. Афсуски, абадий нарсанинг ўзи йўқ. Ҳаммаси қачондир тугайди. Олимпиада ҳам ниҳоясига етди ва биз чуқур мамнуният, руҳий бардамлик ва энгил кайфият билан Тошкентга қайтдик.

Турар жой-маиший масалалар ҳам эътиборимда бўлди. Кенгашимизнинг турар жой-маиший бўлими ва вилоят кенгашлари ҳузурида жамоатчи назоратчилар иш олиб боришар, улар қурилишларнинг бориши ва сифати устидан доимий назорат қилиб туришади. Вазирликлар ва идораларининг ётоқхоналарида яшаётган ишчи ва хизматчиларнинг маиший шароитларини яхшилаш борасида олиб бораётган ишлари биз томонимиздан тез-тез текшириб турилди. Касаба уюшмаси фаоллари маҳаллий советлар депутатлари турар жой комиссиялари таркибида ҳам катта ишлар қилишди. Улар депутатлар билан биргаликда кишиларга уй-жой тақсим этилиши устидан назорат қилишарди. Жамоатчилик асосида ташкил этилган уй қўмиталари давлат уй-жой фондининг сақланиши, турар жойларни ободонлаштириш ва улардан фойдаланиш даражасини яхшилаш устидан доимий назоратни амалга оширдилар.

Қишлоқ аҳолисининг турар жой шароитларини яхшилаш ҳам диққат назаримизда турди.

Давлат савдоси ва матлубот кооперацияси йўли билан олиб бориладиган савдо ишлари режаларини бажариш ҳамда хизмат маданиятини ошириш ҳам долзарб масала ҳисобланарди. Ходимларимиз республиканинг хўжалик ва режа органлари билан яқин ҳамкорликда савдони ривожлантириш ва такомиллаштириш, меҳнатни ташкил этиш, бу соҳада ишлаётган кишилар меҳнатини ва турмушини яхшилаш чораларини кўрдилар. Кенгашимиз «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталари таҳририятлари, Савдо вазирлиги ҳамда «Ўзбекбирлашув» ҳайъати билан ҳамкорликда умумий овқатланиш корхоналарининг жамоатчилик конкурсларини мунтазам ўтказиб, хизмат маданиятини оширишга эришдилар. Кўп йиллар мобайнида камомадсиз ва ўғриликларга йўл қўймасдан ишлаётган баъзи савдо муассасаларининг илғор тажрибаси ўрганилиб, ахборот варақаси тарзида тавсия сифатида жойларга тарқатилди. Савдо ва умумовқатланиш муассасалари жамоаларида ташкил этилган ўртоқлик судлари катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлди. Кейинги пайтда уларнинг сони анча кўпайди.

1977-1986 йиллар мобайнида аҳолига маиший хизмат қилиш ишини яхшилашда бошланғич касаба уюшмаларининг роли сезиларли даражада фаоллаштирилди. Газеталар ва Маиший хизмат вазирлиги билан ҳар йили соҳа жамоаларининг кўрик-конкурслари ўтказиб борилди. Кўрик-конкурс якунларига кўра илғор жамоаларга мукофотлар берилди.

Хўжалик ташкилотлари билан ҳамкорлик, жамоат транспортдан фойдаланиш ишини янада яхшилаш борасида ҳам кўп ишлар амалга оширилди. Ўзбекистоннинг саноат минтақаларида жойлашган шаҳарларда янги уй-жой даҳалари пайдо бўлганлигини эътиборга олиб, шаҳар автобус тармоқларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилди. Шаҳарлараро йўналишларда йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида шоҳбекатлар қурилди. Буларнинг ҳаммаси йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини анча оширди. Шу билан биргаликда ҳайдовчиларнинг малакасини ошириш чоратadbирлари ҳам кўрилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши ва Ўзбекистон автомобиль вазирлиги қарори билан «Йўловчи автомобиль транспорти иши устидан жамоат

назоратини амалга оширувчи комиссиялар тўғрисида Низом» тасдиқланди. Қарорнинг бажарилши учун жойларда касаба уюшмалари кўмиталари томонидан махсус комиссия ва гуруҳлар ташкил этилди. Уларнинг ишида 700 дан кўпроқ касаба ташкилотлари фаоллари иштирок этдилар.

Ўз фаолиятимда жойларда олиб борилаётган касаба уюшмаси ишларини ўрганишга катта эътибор берердим. Ёнимга мутахассисларни олиб, вилоятларга чиқиб, олиб борилаётган ишлар билан танишардим. Президиум ёки котибиятда касаба уюшмалари раҳбарларининг ҳисоботларини доимий эшитиб бориш йўлга қўйилди. Бу йиғилишларда улар меҳнат шароитини яхшилаш, ойлик маошларни ошириш, тарбия ишининг аҳволи, ишчи-хизматчиларнинг соғлигини тиклаш, тарбия ишлари ва бошқа масалалар юзасидан аниқ масалаларни кўтариб чиқишар эди. Улар юзасидан тегишли қарор қабул қилинар, сўнг бир оз вақт ўтгач, қарорларнинг бажарилиши бевосита жойларда текширилар эди. Кўпол хато ва камчиликлар аниқланган тақдирда, масала яна пленум муҳокамасига қўйилар эди. Тармоқ касаба уюшмаси кўмитаси раиси ва тегишли вазирлик раҳбари асосий маърузачи, Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши раҳбарларидан бири ёрдамчи маърузачи қилиб тайинланарди. Шундай қилиб, мен ишлаган даврда саноат, қишлоқ хўжалиги, коммунал-маиший, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш каби 30 дан ортиқ соҳа ҳамда барча вилоят касаба уюшмаларининг фаолияти кўриб чиқилди. Хоразм, Тошкент, Сурхондарё, Фарғона, Наманган ва Қорақалпоғистон вилоят касаба уюшмалари пленумларида шахсан иштирок қилдим. Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашида 5 йил котиб, 9 йил раис бўлиб ишлаган вақтимда барча вилоятларда касаба уюшмалари фаоллари йиғилишларида, ИТЖ, хотин-қизлар кўмиталари, вазирликлар ва идоралар, турли корхона ва ташкилотларда маърузалар қилдим.

Кенгаш пленумлари ва президиумларида вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари ҳисобот беришарди. Касаба уюшмаларининг обрўсини кўтариш мақсадида баъзи пленумларда Ўзбекистон Компартияси Марказқўми ва Министрлар Совети раҳбарлари иштирок этишарди. Касаба уюшмаларининг фаолияти доимий назорат қилиб борилар, текшириш натижалари ҳақидаги маълумотлар Министрлар Советига юборилар эди. Ишлаб чиқариш илғорларини

рағбатлантириш мақсадида кенгашимиз 10 диплом таъсис этди. Дипломдан ташқари пул мукофоти ҳам берилар эди. Вилоят ва тармоқ касаба уюшмалари ҳам ана шундай рағбатлантирувчи дипломлар таъсис этдилар.

Кенгашимизнинг йиллик фаолияти ҳар йили якунланиб, бу ҳақда юқори идораларга маълумот бериб борилар эди. Ижтимоий-маиший, ишлаб чиқариш маданияти ва ишчи-хизматчилар соғлигини тиклаш масалалари бўйича республика Олий Советининг кўриб чиқиши учун таклиф ва мулоҳазалар киритилар эди. Бу ишларнинг барчаси жамоат ташкилотимизнинг обрў-эътиборини кўтаришга ёрдам берди.

Ўша даврда касаба уюшмалари фаолиятида туризм ҳам муҳим ўрин тутарди. Меҳнаткашларнинг дам олиши ва саёҳат қилишлари, туризмнинг моддий базасини мустаҳкамлаш учун касаба уюшмалари ва давлат ташкилотлари доимий ғамхўрлик қилиб туришарди. Йилига 1 миллиондан кўпроқ киши саёҳатларга чиқарди. Туристик ва саёҳат ташкилотларининг тармоғи тобора кенгайтириб борилди. Касаба уюшмаларининг ўз туристик базалари мавжуд эди. Тошкент вилоятидаги «Чимён», «Бекобод», Наманган вилоятидаги «Кўксарой», «Ойдинкўл», Фарғона вилоятидаги «Шоҳимардон», Андижон вилоятидаги «Ширмонбулоқ», Самарқанд вилоятидаги «Оғалиқ», Бухоро вилоятидаги «Бухоро», Фарғона, Андижон, Хива, Бухоро ва Самарқанддаги меҳмонхоналар, шунингдек, Тошкентдаги 1000 ўринли «Чорсу» меҳмонхонаси касаба уюшмалари йўли билан меҳмонларга хизмат қиларди.

Ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларидан гуруҳлар ташкил этилиб, чет элларга саёҳатга юборилар, хорижлик саёҳатчилар бўлса, республикада қабул қилинар эди. Фуқароларимизни чет элларга сафарга юборишнинг муҳим аҳамияти бор эди. Бу сафарлар халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам бергани сингари, кишиларимизга турли чет эл мамлакатлари халқлари ҳаёти билан яқиндан танишиш имконини ҳам берар эди. Ўзбекистондан ҳар йили 7 мингга яқин турист чет элларга саёҳатга юбориларди. Кўпинча ички ва халқаро туризм ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобига қопланар эди.

Хорижий мамлакатлар касаба уюшмалари билан алоқаларимиз йилдан-йилга кенгайиб, мустаҳкамланиб борди. Мен фаолият кўртсаган йиллари Европа, Осиё, Африка ва Америка мамлакатларида 300 дан ортиқ касаба уюшмалари

делегациялари (2000 киши) Ўзбекистонда бўлди. Мўғулистон, Польша, Руминия, Германия, Чехословакия, Вьетнам, Югославия, Англия, Аргентина, Венесуела, Конго, Куба, Малайзия, Сенегал, АҚШ, Франция, Япония, Италия, Ироқ, Филиппин, Того ва бошқа мамлакатлар касаба уюшмалари делегациялари меҳмонимиз бўлишди. Касаба уюшмалари йўли билан ҳар йили 500 дан зиёд хорижлик саёҳатчилар мамлакатимизда бўлиб, Ўзбекистондаги касаба уюшмаси ҳаракати тажрибасини ўргандилар. Куба делегациясининг раҳбари Альфредо Фонтайна ва Яман Халқ Демократик Республикаси телевидение ва транспорт касаба уюшмалари президенти М.А.Сильман Ўзбекистонда бўлиб, илиқ кутиб олгаимиз учун миннатдорчилик билдирдилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши бир қанча халқаро анжуманларни ташкил этишда қатнашди. Жаҳон касаба уюшмалари федерациясига кирувчи Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари марказларининг йиғилишини ташкил қилишда биз фаол қатнашдик. Бу анжуманда Вьетнам, Мўғулистон, Ҳиндистон, Янги Каледония, Филиппин ва Япония мамлакатларининг вакиллари қатнашди. Шунингдек, Халқаро актёрлар федерацияси, Халқаро театр институти, Халқаро меҳнатни ташкил қилиш ташкилоти, Муסיқачилар ва артистлар халқаро федерацияси анжуманларини ташкил этишда ҳам иштирок этдик. Ўзбекистон пойтахти Москвада ўтказилган жамоат, сиёсий ва давлат арбоблари – тинчликсевар кучларнинг жаҳон конгресси қатнашчиларини қабул қилди.

Осиё ва Узоқ Шарқ мамлакатлари учун Халқаро меҳнат ташкилоти семинари ўтказилди. Корхоналардаги ишчи-хизматчилар ва уларнинг оилалари овқатланишини ташкил этиш мавзусига бағишланган бу семинарда 36 мамлакат вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари вакили сифатида менга Англия, Австралия, Филиппин, Ванату, Франция, Италия ва бошқа мамлакатларда бўлиш бахти насиб этди.

Кенгаш раиси бўлиб ишлаган давримда яхши воқеалар билан бир қаторда, кўнгилсиз ҳодисаларнинг иштирокчиси бўлишга ҳам тўғри келди. 1982 йил январь ойида тунги соат 1 ларда бирдан телефон жиринглаб қолди. Гўшакдан Ўзбекистон Компартияси Марказқўми биринчи раҳбарининг котибаси овози эшитилди. У: «Сизга машина юбордик, тезда бу ерга етиб келинг, Л.И.Брежнев вафот этибди», деди. Ҳаво жуда

совуқ бўлиб, ҳамма ёқни қор қоплаган эди. Шу боис у ерга етиб боришимиз анча қийин кечди. Юқори қаватга, Ш.Р.Рашидов кабинетига чиқиб борсам, у ерда республиканинг барча раҳбарлари йиғилишган экан. Дарҳол навбатдан ташқарии бюро йиғилиши ўтказилиб, Москвага Л.И.Брежневни дафн этиш маросимига борадиган делегация таркиби аниқланди. Ш.Р.Рашидов, Н.Ж.Худойбердиев, бир қанча корхоналарнинг раҳбарлари ва колхоз раиси делегация таркибига киритилди. Уларни эрталаб Москвага делегация кўйдик. Делегация бир кундан кейин қайтиб келиб, бюро аъзолари ва аъзолигига номзодлар хузурида дафн маросимида қатнашганликлари ҳақида ҳисобот берди. Л.И.Брежнев ўрнига янги раҳбар сайлаш масаласини кўриб чиқадиغان КПСС МК бюроси йиғилишида қатнашиш учун Ш.Р.Рашидов Москвада қолган экан. Бу йиғилишда Ю.В.Андропов Москвада кўрсатилган ва навбатдаги пленумда у тасдиқланди. номзоди

Бир йилдан сўнг Ш.Р.Рашидов вафот этди. 1983 йил ноябрь ойи эди. Ишдан қайтиб, эндигина овқатланаётган ҳам эдимки, бирданига телефон жиринглаб, мени Марказқўмга чақириб қолишди. Қорақалпоғистонда сафарда бўлган Ш.Р.Рашидов вафот этганини айтишди. Мен ҳеч ишонгим келмади, чунки кечагина телевизор орқали унинг Хоразмда сўзлаган сўзини эшитган ва кўрган эдим. Маълум бўлишича, Хоразмда машиналарда Қорақалпоғистонга бораётиб, унинг мазаси қочган. Нукусга етиб борар-бормас, аҳволи оғирлашган. Врачлар уни қутқара олишмаган ва у вафот этган. Марказқўмнинг барча аъзолари ва аъзолигига номзодлар, республика раҳбарлари Ш.Р.Рашидовнинг жасади ортилган самолётни аэропортда кутиб олишди.

Ҳамма гамгин, баъзилар йиғлар эди. Ш.Р.Рашидовнинг жасадини уйига олиб бориб қўйгач, бюро аъзолари ва аъзолигига номзодлар Марказқўмга қайтдик. Йиғилишда биринчи котиб вазифаси вақтинча Л.И.Греков зиммасига юклатилди, Ш.Р.Рашидовни дафн қилиш ташкилий қўмитаси тузилди. Ташкилий қўмита таркибига мен ҳам киритилдим. Хайрлашиш учун жасадни Халқлар дўстлиги саройига қўйишга ва уни ҳозирги Ўзбекистон тарих музейи рўпарасига дафн этишга қарор қилинди.

Эртасига Ш.Р.Рашидов билан хайрлашиш учун ўн минглаб одамлар бу ерга оқиб келишди. Аҳолининг турли табақалари вакиллари тобут ёнидан ўтишар, барча йиғлар эди.

Биз бюро аъзолари ва бюро аъзолигига номзодлар, вазирлар, корхона ва ташкилотларнинг вакиллари Ш.Р.Рашидов тобути ёнида фахрий қоровулда турдик. Хайрлашув маросими уч соатча давом этди. Ш.Р.Рашидов дафн этилгандан сўнг бир неча йилдан кейин мамлакатда вазият ўзгарди. Шунда Ш.Р.Рашидовнинг жасадини Чигатой қабристонига олиб бориб кўмишди. Яна бир қанча вақт ўтгач, унинг республика учун қилган хизматлари тўла эътироф этилди ва Ўзбекистон мустақиллиги йилларида у биринчи марта кўмилган жойга ҳайкал қўйилди. 1987 йилда Жиззахда, Ш.Р.Рашидовнинг туғилган юртида унинг таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан катта майдонда тантанали митинг ўтказилди. Митингга сўзга чиққанларнинг барчаси унинг хизматларини таъкидлашди. Республиканинг барча томонларидан келган вакиллар митингга қатнашдилар. Ш.Р.Рашидовнинг номи қайта тикланишида унинг рафиқаси, энг яқин дўсти, ҳаммамиз ҳурмат қиладиган Хурсанд Гофуровна Рашидованинг хизмати катта бўлди.

## ЮРГАН – ДАРЁ

Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши котиби сифатида 1972 йил апрель ойида Чехословакияга бордим. Бу ерда меҳнаткаш аёллар масалалари юзасидан 3-Жаҳон касаба уюшмалари конференцияси бўлиб ўтди. Конференция ишида кўпгина мамлакатлар вакиллари иштирок этдилар. Хотин-қизларнинг ишлаб чиқариш ва жамиятдаги ҳуқуқларини кенгайтириш, ҳаёт ва меҳнат шароитларини янада яхшилашга қаратилган халқаро касаба уюшмалари ҳаракати анжуманда кўрилган асосий масала бўлди. Чехословакия касаба уюшмалари Марказий кенгашининг котиби Мария Кабрегелова шу мавзуда маъруза қилди. Кўпгина маърузаларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хотин-қизлар аҳволи бўйича комиссия қарорлари маъқулланди. 1975 йилни Халқаро хотин-қизлар йили деб эълон этишга қарор қилинди. Конференция қатнашчилари томонидан қабул қилинган ҳужжатлар дунёнинг барча мамлакатларига юбориладиган бўлди. Шундай қилиб 3-Жаҳон конференцияси тинчлик, тараққиёт ва адолат тарафдорларини бирлаштиришда, аёллар масаласида пайдо бўлган кўпгина муаммоларни ҳал қилишда муҳим қадам бўлди.



Конференциядан сўнг Прага ва Братислава шаҳарларини томоша қилдиришди. Прага меъморчилигида турли услублар ва турли даврлар уйғунлашиб кетган ажойиб шаҳар экан. Бу ерда барокко, готик, рококо ва ҳозирги замон услубида қурилган биноларни кўриш мумкин. Прагада барокко услубида қурилган ўзига хос бинолар шаҳарнинг турли томонларида учрайди. Шаҳарни Влтава дарёси иккига ажратиб туради. Унинг устига бир нечта кўприклар қурилган. Машҳур Карлова кўприги ўрта асрга хос ҳайкаллар билан безатилган. Қарийб ўн бир аср илгари қурилган Кремль чех давлатчилигининг ўзига хос рамзи бўлиб хизмат қилади. Кремлга кириш учун олдин Олтин кўчадан ўтиб борилар экан. Бу кўчадаги дўконларда ҳамма нарса, айниқса, тилла буюмлар сотилар экан.

Старомест майдони шаҳарнинг энг қадимги, эҳтимол, энг гўзал майдони бўлиб, бу ерда кўпгина тарихий воқеалар бўлиб ўтган. Ратуша биноти шу майдонда жойлашган. У ерда ажойиб бир соат ўрнатилган. Ҳар соатда ёқимли мусиқа оҳанги янграб, соат эшикчалари очилади. Кўз олдингиздан машҳур эртактларнинг қаҳрамонлари ҳаракат қилиб ўтади. Бу ерда томошабинлар кўп бўлар экан. Шимолий Италия Уйғониш даври услубида халқ маблағлари ҳисобига қурилган Миллий театр, шунингдек, Сметана театри ва бошқалар бизда катта таассурот қолдирди. Прагада 30 га яқин театр фаолият кўрсатар экан. Прагалик меъморлар ўз шаҳрининг ўзига хослигини чуқур ҳис қилиб, замонавий қурилиш олиб борганда уларни асрашга катта эътибор беришар экан.

Ундан кейин мамлакатнинг иккинчи шаҳри бўлган Братислава шаҳрига олиб боришди. Ҳозир бу шаҳар мустақил Словакия мамлакатининг пойтахтидир. Братиславада тепалик устига қурилган муҳташам қаср кишини ҳайратда қолдиради. Бу бинода қадимги маданият музейи жойлашган. Умуман олганда, Братислава Прагадан бир оз замонавийроқ туюлди. Ҳар икки шаҳар ҳам жуда гўзал ва боғ-роғлар кўп.

Тақдир тақозоси билан 1979 йилда мен яна Чехословакияда бўлдим. Бу гал биз Карлова Варига дам олишга борган эдик. Бир вақтлар машҳур давлат бошлиқлари, жумладан Пётр I бу ерда бўлган.

1972 йилнинг ноябрь-декабрида мен Совет аёллари қўмитаси делегацияси таркибида АҚШда бўлдим. Делегацияга қўмита раисининг ўринбосари Ксения Сергеевна Проскурникова бош бўлиб борди. Биздан ташқари Латвия,

Қирғизистон республикалари вакиллари, Москвадага турли ташкилотлар ходимлари ҳамда «За рубежом» ҳафталигининг мухбири бу ерда бўлишди.

АҚШнинг Сан-Диего шаҳрида икки мамлакат аёлларининг 3-семинари бўлиб ўтди. Семинарда тинчликни сақлаш учун курашда аёлларнинг роли, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш, жамият ва оилада аёлнинг ўрни, ижтимоий адолат каби масалалар муҳокама қилинди. Сан-Диего Тинч океани соҳилидаги кичик бир шаҳарча бўлиб, асосан, икки қаватли уйлардан иборат экан. Шаҳарда, асосан, нафақага чиққан кекса одамлар яшайди.

Бизни хусусий хонадонларга жойлаштиришди. Мен кексалигига қарамай ҳаракатчан бўлган бир аёлнинг уйида меҳмон бўлдим. Саксон ёшлардаги бу аёлнинг бир ўзи алоҳида уйда яшар экан. Ҳаво қандай бўлишидан қатъий назар, у ҳар куни эрталаб денгизга бориб чўмилар эди. Аёл, асосан, сабзаёт ва мевалар билан кифояланар экан. Биз у билан дўст бўлиб қолдик. Гарчанд тилимизни билмасак-да, бир-биримизни яхши тушунар эдик. Сан-Диегода ҳар бир маҳаллада кишилар дам оладиган ва суҳбатлашиб ўтирадиган алоҳида жойлар бор экан. Кўпинча бу жойларда аёллар ва болалар ҳордиқ чиқаришади. Маҳалла аёллари галма-галдан бу ерда навбатчилик қилишади. Ҳар бир клубнинг ошхонаси бўлиб, у ерда кофе тайёрлашади. Бир куни мезбоним мени шундай клублардан бирига олиб борди. Клубга кирган заҳотиёқ, бизни хушмуомалалик билан кутиб олиб, кофе билан сийлашди. Деворларга болалар чизган расмлар осилган эди. Болалар оналарининг ёнида ўйнаб юришарди. Мезбоним бу клуб аёллар йиғиладиган махсус жой эканлигини, улар қувончини ҳам, қайғу ташвишини ҳам шу ерда баҳам кўришларини, қийин вақтларда бир-бирига ёрдам беришларини айтди. Буларнинг ҳаммаси мен учун жуда қизиқ эди. Саксон ёшли мезбон аёл билан танишувимдан мамнун қолдим.

Икки кундан сўнг мени таржимон – Елена Михайловна Шибарина билан биргаликда бошқа уйга кўчиришди. Уй соҳиблари икки опа-сингил эди. Уларнинг бири рассом, иккинчиси ҳуқуқшунос экан. Уларнинг уйи икки қаватли бўлиб, бизни иккинчи қаватга жойлаштиришди. Ҳар куни эрталаб мезбонлар билан биргаликда нонушта қилардик. Нонушта вақтида, одатда, тухум, сариеғ ва мураббо сурилган

нон беришарди. Тушликда бутун делегация биргаликда овқатланарди. Опа-сингил мезбонлар бизнинг шарафимизга дўстларини меҳмонга чақиришди. Улар орасида оқ танлилари ҳам, қора танлилари ҳам бор эди. Қизиғи шундаки, ўн кишидан иборат бу меҳмонларга ҳеч қандай дастурхон ёзишмади. Фақат қаҳва билан сийлашди, холос. Меҳмонлар дуч келган жойда – кимдир диванда, кимдир ерга ёзилган палос устида ўтириб, қизгин суҳбат қуришарди. Улар бизга кўпдан-кўп саволлар беришди, ўз навбатида, ўзлари ҳам кўп нарса ҳақида гапириб беришди. Эски мебелларни таъмирлайдиган устахона очган бир меҳмоннинг тажрибаси бизни қизиқтириб қолди. Эртасига бу устахонадаги меҳнат шароити билан танишишга қарор қилдим.

Устахона тўртта бинодан иборат эди. Уларнинг бирида эски мебеллар қабул қилиб олинар, иккитасида таъмир қилинар, тўртинчисида таъмирдан чиққан мебеллар сақланар экан. Устахонада ёшлар ва асаб-руҳий хасталикка чалинган, церебрал шол ва олигофрения билан оғрийидиган ўсмирлар ишлашар экан. Уларнинг ҳар бири фақат бир иш билан шуғулланарди. Бир ўсмир мих қоқар, иккинчиси мебелни бўяр, учинчиси бўлса мебелга газмол тортар экан. Шуниси ҳайратланарлики, улар бу ишларни маҳорат билан бажаришарди. Қисқа вақт ичида, яъни деярли бир йилгача бўлган муддатда улар мебель таъмирчилиги ишида малакали мутахассис бўлиб етишар экан. Устахонада таъмирланган мебель яп-янгидай кўринарди. Бу мебель арзон бўлгани учун ўртаҳол кишилар уни сотиб олиш учун навбатга туришар экан. Устахонадаги таълим муддати тугагач, бу мутахассисларни мебель тайёрлайдиган катта корхоналарга жон деб ишга олишар экан. Меҳнат терапияси нақадар пухта ўйлаб ташкил этилганлиги, ногиронларга иш ўргатиш яхши йўлга қўйилганлигидан биз ҳайратга тушдик.

29 ноябрда семинар иш бошлади. Семинарда маъруза қилган америкалик қатнашчилар турли мамлакатлардан келган аёлларнинг бундай ўзаро учрашувлари ижобий тажриба алмашиш, бир-бирини яхшироқ билиш, жаҳонда тинчлик учун курашда кучларни бирлаштириш, куч-ғайратни аёллар ҳуқуқи учун курашга сафарбар этиш имконини беришини қайд қилишди. Мен Ўзбекистон аёллари номидан сўзга чиқиб, аёлларимизнинг жамият ва оилада тутган ўрни ҳақида сўзлаб бердим. Семинар қабул қилган ҳужжатларда қуролланиш

пойгасини тўхтатиш, атом ва водород қуролини ишлаб чиқиш ва синашни ман қилиш, бутун дуёда тинчлик ўрнатишда жаҳондаги барча аёлларнинг ҳамкорликдаги кураши гоят муҳим эканлиги таъкидланган эди.

Семинардан кейин Америка хотин-қизлар ташкилотлари вакиллари, университет ва коллежлар талабалари ва ўқитувчилари билан учрашдик. Лос-Анжелес университети профессорлари лекцияларида бўлиш насиб қилди. Лекцияларда талабаларнинг ўзларини тутишлари бизни ҳайратга солди. Кимдир курсида, кимдир полда ўтирар, деярли барча талабалар нуқул сақич чайнагани чайнаган эди. Бироқ лекция бошланган заҳотиёқ, барча талабалар диққат билан қулоқ тутишар, дафтарларига нималарнидир ёзиб боришарди. Лекция тугаганидан сўнг жуда кўп саволлар беришди. Делегациямиз аъзолари, жумладан мен ҳам, талабалар олдида сўзладик. Маърузамиз уларда катта қизиқиш уйғотгани кўриниб турарди. Дарсдан сўнг талабалар бизни ўраб олиб, саволлар бера бошлашди. Улардан бири ёнимга келиб ўзини таништирди. У Чикагодан экан. Уни Ўзбекистон олий ўқув юртларидаги ўқув жараёни ҳамда республикамизнинг қаерда жойлашгани қизиқтирди. Унинг барча саволларига батафсил жавоб бердим. Талаба, ўз навбатида, ўзи ҳақида сўзлаб берди. Унинг отаси кўй боқар, онаси эса уй бекаси экан. Оилада учта фарзанд бўлиб, талаба учинчиси экан. Тарих факультетида ўқийдиган бу йигит нишон йиғиш билан шуғулланар экан. Мен ҳам унга бир нечта нишон совға қилдим. Нима мақсадда нишон йиғишини сўрасам, у: «Келгусида нишон тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланмоқчиман. Шунинг учун уларни йиғаман», деб жавоб берди. У менга қалпоғини кўрсатди. Қалпоққа турли мамлакатларнинг элликка яқин нишони қадалган эди.

Лос-Анжелесда Ҳолливудни бориб кўрдик. Юлдузлар хиёбонини томоша қилдик. Йўл устида асфальтга машҳур артистларнинг оёқ излари туширилган эди. Дунёга машҳур «Дисней-ленд» болалар боғини ҳам кўрдик. Бу ажойиб парқда бутун кунимизни ўтказдик. Бу ерда эртақлар дунёсига кириб қолгандай бўласиз.

Кўрганларимиздан ниҳоятда таъсирланиб, Вашингтонга учиб кетдик. Вашингтонда Орлеан қабристонига, Вашингтон музейида бўлдик. Сенат биносига кирдик. Оқ уй атрофида айланиб сайр қилдик.

Ўша куни бизни СССРнинг Америкадаги элчиси Добринин қабул қилди. Биз унга семинар ҳақида гапириб бердик, қилган ишларимиз элчига маъқул тушди.

Кейинги куни машинасозлик маркази бўлган Детройт шаҳрига учиб кетдик. Шаҳарга кираверишда ўн қаватли уй катталигидаги автомобиль гилдираги ўрнатилган эди. У машинасозликка ихтисослашган шаҳар рамзидир. Ундан кейин Нью-Йоркка бордик. Бродвейдаги Бешинчи авенюни пиёда айландик. Бродвей жуда гўзал кўча бўлиб, бу ерда қаҳвахоналар, ресторанлар, кинотеатрлар бисёр. Ҳар қаламда кўчада қайсидир куйни ижро этаётган мусиқачиларни, хиппиларни, тақирбошларни, монах аёлларни кўришингиз мумкин. Бродвейдаги кинотеатрлардан бирида «Чўқинтирган ота» фильмини кўрдик. Ўша вақтда мамлакатимизда бу фильмни кўрсатиш у ёқда турсин, у ҳақда гапириш ҳам маън этилган эди.

Эртасига мени Анжела Девис топиб келди. У 1970 йила Ўзбекистонда бўлган. Ўшанда уни республикамиз бўйлаб саёҳат қилдирган эдим. Анжела менга Нью-Йорк метросини ва камбағаллар яшайдиган маҳаллани кўрсатди. Бешинчи авенюнинг бой маҳалласида фақат бойлар яшашади. У ердаги ибодатхонада Кеннедининг никоҳи қайд қилинган. Ибодатхона ёнидаги боғнинг у тарафида Ҳарлем - қора танли камбағаллар яшайдиган маҳалла жойлашган эди. Уларнинг уйларининг на ойнаси, на эшиги бор эди. Атрофда маиший чиқиндилиар сочилиб ётар, яланғоч болалар қаторида катта-катта каламушлар югуриб юрар эди. Хавфсизлик мақсадида Анжела Девис машина ойнасини очмаслигимизни илтимос қилди. Чунки бу ерда ҳар хил нохуш воқеалар содир бўлиб турар экан. Америкада бўлган вақтимизда мамлакатимиздан келган муҳбир В.Зорин Бешинчи авеню билан Ҳарлем ўртасида жойлашган боғда сайр қилмоқчи бўлган. Боғда унга хужум қилиб, ҳамма нарсасини шилиб кетишган. Ҳар доим ёлғиз ҳеч қаёққа бормаслигимиз ҳақида бизни огоҳлантиришарди. Биз яшаган меҳмонхонада ва кўчаларда плакатлар осилган бўлиб, бундай деб ёзилган эди: «Эҳтиёт бўлинг! Кечки соат саккиздан сўнг сизнинг ҳаётингиз учун жавоб бермаймиз. Полиция». Шунга қарамай, биз гоҳо кечқурунлари Бродвейда сайр қилдик.

11 декабрь куни эрталаб кўп қиёфали Америка билан учрашувдан унутилмас таассуротлар билан Москвага учиб кетдик.

Японияда икки марта – биринчи гал 1974 йилда, иккинчи гал 1982 йилда бўлдим. Биринчи борганимда 9-Совет-Япон касаба уюшмалари учрашувида иштирок этдим. Ўзбекистондан хайъат таркибида мен ва Тошкент вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси А.В.Браилов бор эди. Делегацияга ВЦСПС котиби П.Т.Пименов бошчилик қилди. Япониядаги барча префектураларнинг касаба уюшмалари фаоллари учрашувда иштирок этди.

1974 йил 23 сентябрь куни теплоходда Япониянинг ғарбий соҳилидаги Ниигата бандаргоҳига етиб бордик. Бандаргоҳнинг ўзидаёқ митинг бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари делегациямизни олқишлаб, учрашувни самарали, ўзаро фойдали тарзда ўтказишимизга муваффақият тилашди. Ниигатанинг бу учрашув учун танланиши бежиз эмасди. 1964 йилда Ниигатада кучли зилзила содир бўлиб, Хабаровск ўлкаси шаҳарга ёрдамга келган. Шундан кейин бу шаҳарлар қардош бўлиб қолган ва ҳар йили Япониянинг турли шаҳарларида совет-япон учрашувлари ўтказилиб турар, уларда ҳамкорлик, ахборот материаллари билан алмашув, халқаро меҳнатни ташкил қилишда иштирок этиш, тинчлик ва халқлар дўстлиги учун курашда ҳамкорлик масалалари кўриларди.

Майдзуру, Хиросима, Нагая, Киото ва Токио шаҳарларида ҳам бизни илиқ ва меҳмондўстлик билан кутиб олишди. Япон шаҳарларининг меъморий ёдгорликлари, маданияти, санъати ва турмуши билан танишдик. Япониянинг оғир, енгил ва машинасозлик саноати корхоналарида, турли ўқув юртларида бўлдик. Саноат корхоналари цехларининг озодалиги, ҳавосининг софлиги ва шовқиннинг йўқлиги катта таассурот қолдирди. Корхонанинг ҳар бир цехида чиройли безатилган ошхона ва супермаркетлар бор эди. «Тойота» автомобилларини чиқарадиган заводдаги меҳнат жараёни киши эътиборини тортади. Ҳар бир ишчи ўз жойида ишини аниқ ва пишиқ-пухта, ҳеч нарсага чалғинмасдан қилар экан. Ҳатто, бизнинг ташрифимиз ҳам уларни ишдан чалғитгани йўқ. Ишчиларни чалғитмаслик учун шу ернинг ўзида кўриш майдончаси барпо қилинган. Бу майдончада туриб, ишга халақит бермасдан, меҳнат жараёнини кузатиш мумкин.

Япония меҳнаткашлари ўз ҳуқуқлари учун фаол курашадилар. Ҳар йили баҳор ва кузда иш шароитларини яхшилашни ва маошни оширишни талаб қилиб, ишчилар бошига ёзувлик рўмол боғлаган ҳолда кўчага чиқишар ва

соатлаб ўтиришар экан. Касаба уюшмалари бош кенгаши, мустақил касаба уюшмалари кенгаши (Далей), ишлаб чиқариш касаба уюшмалари Янги конгресси (Синсан-Бецу) ва бошқа жамоат ташкилотлари бу чиқишларни уюштиришар экан. Бундай чиқишлар муайян натижалар ҳам бераркан. Митинг қатнашчиларидан бирдан сўрадим: «Ахир, сиз 7-10 кунлаб митингда қатнашсангиз, корхонанинг иши тўхтаб қолмайдими?» Қизиғи шундаки, бу митинглар вақтида иш тўхтаб қолмас экан. Ўз ишини тамом қилган смена ишчилари митингга чиқишар, бошқа смена ишни давом эттирар экан. Шундай қилиб митинг қатнашчиларининг сони ҳам камаймас, ишлаб чиқаришга ҳам зиён етмас экан.

Маълумки, Япония атом қуролини ишлатишнинг даҳшатли оқибатларини ўз бошидан кечирган ягона мамлакатдир. Бу даҳшат оқибатлари ҳали бугунгача ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Хиросимани бориб кўрганимизда атом бомбасини қўллашнинг даҳшатли оқибатларини ўз кўзимиз билан кўрдик. Ҳатто, атом бомбаси портлаган вақтда қурбон бўлган одамларнинг учинчи ва тўртинчи авлодлари ҳам нурланиш касаллиги билан хасталаниб вафот этаётган экан. Хиросимада бу қурбонлар хотирасига кўп ёдгорликлар ўрнатилган. Портлаш тўлқини оқибатида вайрон бўлган бино яқинида жойлашган Тинчлик боғида ҳар куни эрталаб соат саккизда, яъни бомба портлаган вақтда тирикларга ҳалок бўлганларни эслатувчи занг чалинади. Боғ ўртасида кўнғироқ устида тинчлик рамзи – кабутар ҳайкали қўйилган. Япониядан ва бутун жаҳондан бу ерга зиёратга келган болалар қоғоз кабутарлар қолдиришар экан. Бу билан болалар катталарга жаҳонда тинчликни сақлаш кераклигини эслатишар экан.

Япониянинг яна бир қанча шаҳарларини зиёрат қилгач, теплоходда мамлакатга қайтдик. Қайтишимизда фавқулодда бир воқеа содир бўлди. Бир куни эрталаб нонушта пайти кема капитанига жасорат ва қатъият кўрсатгани учун миннатдорчилик билдириш тўғрисида ВЦСПС телеграммасини ўқиб беришди. Телеграммада капитан фахрий ёрлиқ ва пул мукофоти билан тақдирлангани ҳам ёзилган эди. Биз кема бизни эсон-омон Японияга олиб бориб қайтаётгани муносабати билан капитан мукофотланган бўлса керак, деб ўйладик. Кечки пайт капитан катта зиёфат берди. Дастурхон лиқ тўла, столларнинг бели синиб кетай дерди, ичкилик дарё бўлиб оқди. Бир неча йилдан кейингина А.В.Браиловдан бўлиб

ўтган воқеани эшитдим. Маълум бўлишича, телеграмма келган кундан олдинги кечада, ҳаммамиз ухлаб ётган пайтда ксмамизнинг чўкиб кетишига сал қолган экан. Кема сув ости тошларига урилиб, тешилган. Дарҳол йўловчиларни барча одамларини оёққа турғизиб, тегишли чораларни кўришга киришган. Бир соат мобайнидаги қаттиқ иш туфайли тешикни беркитишга муваффақ бўлишган. Биз бундан мутлақо беҳабар ҳолда ўйнаб-кулиб ватанга қайтиб келдик.

Япония касаба уюшмалари вакиллари билан учрашувимиз кейин ҳам давом этди. 1975 йил августда Волгоградда ўнинчи учрашув бўлиб ўтди. Япониянинг барча префектураларидан юздан ортиқ вакил учрашувга келди. Бу учрашувда мен ҳам иштирок этдим.

Мен Японияда 1981 йилда яна бир бор бўлдим. Бизнинг делегациямизнинг раҳбари Совет аёллари қўмитсаининг раиси, биринчи аёл космонавт Валентина Владимировна Терешкова эди. Ўзбекистондаги бир қанча илмий тадқиқот институтларининг раҳбарлари ҳам биз билан бирга эдилар. Токио аэропортида делегациямизни Япониянинг илғор аёллари кутиб олишди ва бизни пойтахт марказидаги жуда зўр меҳмонхонага жйлаштиришди. Хоналаримиз бир зал ва икки ётоқхонадан иборат бўлиб, уларнинг бири европача, иккинчиси япон услубида жиҳозланган эди. Япон услубида жиҳозланган ётоқхонада кичкина хонтахта бўлиб, кўрпа-тўшак ва ёстиқлар девор тагига тахлаб қўйилган эди. Бу менга ўз қишлоқларимизни эслатди. Мендан қайси хонада дам олишимни сўрашганида, японча ётоқхонада дам олишимни айтдим. Меҳмонхона хизматчилари пол устига кўрпа-ёстиқ тўшаб, оппоқ чойшаблар билан ўраб қўйишди. Улар ҳар куни чойшабларни алмаштиришар эди. Токиодай сершовқин бир шаҳарнинг ғала-ғовури ҳеч эшитилмаслиги ҳайратланарли эди. Полда ухлаш мазза бўлиб, ёшлигимни эслатди.

Токио яқинида яшайдиган бир аёлникига меҳмонга бордик. Унинг уйи бир қаватли бўлиб, кафтдек ҳовлиси бор эди. Мезбонлар бизни хурсандлик билан кутиб олишиб, хонтахта атрофига тўшалган кўрпачаларга ўтқазишди. Зираворланган товуқ гўшти ва шўрва билан сийлашди. Ҳовлининг тозалиги кишининг ҳавасини келтирар эди. Ҳовли ўртасида кичкинагина гиштин йўлакча бўлиб, атрофи гулларга тўла эди. Японияда ер танқис бўлгани учун жуда қиммат. Шу



боис ҳар бир япон ўзига тегишли кафтдек ерни ниҳоятда қадрлар ва гулларга буркаб кўяр экан.

Кейинги куни Япониянинг бошқа шаҳарлари, Нагайо, Киото ва Хиросима аёллари билан учрашувга жўнаб кетдик. Бу шаҳарларга тезюрар поездлар орқали бордик.

Бир йилдан сўнг мезбонларимиз Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келишди. Улар республикамизда икки кун бўлиб, Тошкент, Самарқанд ва Бухорони бориб кўришди. Улар билан келган кинорепортёрлар ўзбек аёлларининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида хужжатли кино олишди. Жумладан, менинг ишхонамда ва уйимда ҳам бўлишди. Улар Умарнинг палов пишириш жараёнини суратга олишди. Бу таом уларга жуда ёқди. Бир оз вақт ўтгач, мазкур фильм Япония ва мамлакатимиз экранларида кўрсатилди.

1975 йил февралда Ироқ пойтахти Бағдодда араб мамлакатлари ишчи аёллари муаммоларига бағишланган касаба уюшмаси конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда қатнашган мамлакатимиз касаба уюшмалари делегациясига мен бошчилик қилдим. Мен Ўзбекистонда яшаб меҳнат қилаётган аёллар ҳақида маъруза қилдим. Анжуман аёлларнинг меҳнат шароити яхшилаш, уларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш сингари масалалар юзасидан тавсиялар қабул қилди.

Анжумандан сўнг Ироқнинг тарихий ёдгорликлари билан танишдик. Бағдод Дажла дарёсининг икки қирғоғида жойлашган. Шаҳар 762 йилда халифа Мансур томонидан барпо этилган ва узоқ йиллар Аббосийлар пойтахти бўлган. Шаҳарда ўрта асрнинг жуда кўп меъморий ёдгорликлари сақланиб қолган. Хусусан, Аббосийлар саройи, мрамар ва олтиндан ишлов берилган Зубайда мақбараси, Мустансария мадрасаси мажмуаси, Сўқол-Ғазал минораси, Хон-Маржон карвонсаройи, Боб Ал-Вастони дарвозаси ва бошқалар муҳташамлиги билан саёҳатчиларни лол қолдиради. Олтин масжиднинг гумбазлари тилладан қопланган. Бу масжид ҳамон намозхонлар хизматида. Бағдодда замонавий бинолар ҳам кўп. Улар шаҳарнинг қадимий қисмига уйғунлашиб кетган. Осиё халқларининг жуда кўп эртақ ва афсоналарида Бағдод тилга олинади. Шаҳарда, ҳатто, Али бобо ва қирқ қароқчига ёдгорлик ҳам ўрнатилган.

Ундан кейин биз жаҳоннинг қадимий шаҳарларидан бири – Бобилни бориб кўрдик. Машҳур Бобил минораси ва Семирамиданинг «Осма боғлари»дан ҳозир фақат вайроналар қолган холос. Улар устида ҳозир археологлар ва олимлар

тадқиқот ишларини олиб боришаётган экан. Олиб борилган қазишларга кўра, шаҳар тўртбурчак шаклда бўлган. У уч қатор девор билан ўраб олинган. Бу деворларнинг бирида мудофаа миноралари бўлган. Шаҳар марказида машҳур етти қаватли минорали Мардук ибодатхонаси бўлган.

Шаҳардаги тепаликларнинг бирида катталиги икки қаватли уйдаи келадиган улкан шер ҳайкали бор. Бу шер Бобил подшолигининг куч-қудрати рамзи бўлган.

Кейин Карбало шаҳрини зиёрат қилдик. Шаҳар олатдаги шарқ шаҳарларини эслатади. Гавжум бозорлар, тор кўчалар, уйлар бу ерга хос. Шаҳар марказида олтин гумбазли муҳташам масжид бор. Ривоятларга кўра, пайғамбаримиз Муҳаммад (сав)нинг неваралари Ҳасан ва Ҳусан шу ерда ўлдирилган ва дафн этилган. Масжидга оёқ кийимини ечиб киришади. Аёллар бошдан оёқ қора ҳижобда киришлари мумкин, холос. Масжидга кирувчи ҳар бир зиёратчи мақбара олдида таъзим бажо келтиради.

Ироқ ва унинг одамлари билан танишувдан унутилмас хотиралар билан мамлакатимизга қайтдик.

1975 йил мартда, яъни Халқаро аёллар йилида Германия Федератив Республикасида бўлдим. Майн дарёси соҳилида жойлашган Франкфурт шаҳрининг гўзал кўприклари, ноёб меъморий ёдгорликлари кишини ҳайратга солади. Бу ердан Дюссельдорф шаҳрига жўнаб кетдик. Дюссельдорфдаги Болнерштарссе кўчасидаги 53-уйда жаҳонинг энг машҳур шоири ва мутафаккирларидан бири Ҳайнрих Ҳайне туғилган. Бу шаҳарда касаба уюшмаси ташкилотлари вакиллари билан учрашдик. Германиянинг бошқа бир қанча шаҳарларида бўлиб ўтган митинглар ва учрашувларда қатнашдик. Шимолий Венеция деб аталадиган Ҳамбург шаҳри жуда ўзига хос. Шаҳарда кўплаб корхоналар, ибодатхоналар, банклар бор. Шаҳарнинг ғарбий қисмида ресторанлар, кечки клублар, барлар кўп. Эльба дарёси шимолида барпо этилган сунъий кўл қирғоғида муҳташам виллалар бор. Ҳамбург университети Европанинг йирик илмий ва маданий маркази ҳисобланади.

Умуман, Германия шаҳарларининг ниҳоятда озода, саранжом-саришталиги, ишчан муҳит, дўстона муносабат кўзга яққол ташланади. Одамлар вақтида унумли меҳнат қилишни ҳам, яхши дам олишни ҳам билишади. Ёшларнинг китоб ўқишга қизиқиши барча шаҳарларда сезилади. Кўча-

кўйда, ҳисбонларда, ҳатто, метро, автобусларда ҳам китоб ўқиб ўтирган ёшларни кўришингиз мумкин.

Бундай ҳолатни Англияда ҳам кўрдим. Мен у ерга 1978 йилда ВЦСПС делегацияси таркибида борган эдим. ВЦСПС котиби Л.Земляникова делегация бошлиғи эди. Делегацияда Москва ва барча республикалар вакиллари бор эди.

Лондонга борган кунимиз ҳаво очиқ ва илиқ эди. Кейинги кунлари бўлса нуқул ёмғир ёғди ва доим туман бўлди. Умуман, Лондонга туман тез-тез тушиб тураркан.

Лондонда касаба уюшмалари вакиллари билан учрашувлар бўлиб ўтди. Менга кўп саволлар беришди. Ҳайратланарлиси шундаки, инглизларнинг кўпчилиги Ўзбекистон деган мамлакат борлигини, ҳатто, унинг қаерда жойлашганини ҳам билишмас экан. Уларга жаннатмакон юртимиз, унинг меҳнаткаш инсонлари, бой маданий-тарихий мероси, хотин-қизларнинг турмуши ва меҳнати ҳақида сўзлаб бердим.

Одатлагидек, мамлакат шаҳарлари, одамлари билан танишдик. Лондоннинг тарихий обидалари билан танишдик. Англия парламентини бориб кўрдик. Парламент биноси олдидаги майдонда машҳур давлат арбоби Черчилнинг ҳайкали қал кўтариб турибди. Бироз букчайган ва ҳассага таянган, кўзларида донолик акс этиб турган бу ҳайкал назаримда Англиянинг рамзи эди.

Парламент биносининг йиғилишлар зали деярли бўм-бўш эди. Депутатларнинг кўпчилиги йиғилишни ўз кабинетларида ўтириб кузатишар эди. Биз Маргарита Тетчернинг кабинетига кирдик. У ўша вақтлари маориф вазири эди. М.Тетчер бизни илиқ кутиб олди ва анча суҳбатлашди. Эътиборимни тортган нарса кабинетни тўлдирган китоб ва кўлёзмалар бўлди. Тетчернинг на қабулхонаси, на котиби борлиги биз учун ҳайратланарли бўлди.

Ундан кейин ташқарига чиқиб, Англия қиролларининг саройини кўрдик. Сарой олдидаги қирол аскарларининг алмашинуви жуда қизиқ эди. Шунингдек, Лондон кутубхонасини ҳам кўрдик.

Жаҳонга машҳур Мадам ТИСО музейи жуда ўзига хос. Бу ерда барча замонлардаги машҳур кишиларнинг мумдан ишланган ҳайкаллари қўйилган. Улар орасида Ленин, Сталин, Гитлер, Англиянинг барча қирол ва қироличалари, машҳур сиёсий арбоблар, актёрлар, футболчилар, хонанда ва

бошқаларнинг ҳайкаллари ҳам бор эди. Бу бизда жуда катта таассурот қолдирди.

Уша кунн кечқурун кечки Лондонни айландик. Тарафальгар майдонини, пойтахтдаги энг катта ресторанны бориб кўрдик. Рестораннинг орқа тарафидаги мўрилар ёнида исиниб турган яхши кийинган бир қанча жанобларни кўриб ҳайрон бўлдик. Маълум бўлишича, улар собиқ, синган миллионерлар бўлиб, таом беришларини кутиб туришар экан. Англияда омади кетганларнинг аҳволи шу экан.

Меҳнат биржаси олдида турган кўп картон қутиларни кўриб, янада ҳайрон бўлдим. Нега бу ерда бунча кўп қутилар қалашиб ётганининг сабабини сўраганимизда, йўлбошчимиз қутилардан бирини силкитди. Қутининг ичидан кимнингдир сўкинган овози эшитилди. «Ухлагани қўясизларми, йўқми?!» деб бақирди у. Бу одамлар нега меҳнат биржаси олдида ухлашлари бизга қизиқ туюлди. Шунда жавоб бериб айтишдики: «Бошқалардан олдинроқ иш олиш учун улар шу ерда тунашади». Меҳмонхонага маҳзун кайфиятда қайтдик.

Кейинги кунлари Брайтон, Глазго шаҳарларига бориб, ишчилар, талабалар, касаба уюшмаси фаоллари билан учрашдик. Учрашувлар жуда мароқли ва қизиқарли ўтди. Шундан кейин кайфиятимиз кўтарилди. Бир неча кундан кейин мамлакатга қайтдик.

1979 йилда Австралия касаба уюшмаси раҳбарлари билан учрашиш учун ВЦСПС мен билан ўзбекистонлик бир ишчини сафарга юборди. Одатда Австралияга бориш учун олдин Сингапурга учиб керак эди. Сингапурликларнинг ҳаёт тарзи ҳам қизиқ экан. Кўм-кўк боғлар орасидаги оппоқ уйлар эртақларни эслатар эди. Сингапурда, асосан, хитойлар яшар ва турли-туман моллар билан савдо қилишар экан. Савдо расталаридан бирида эшикларга русча ёзув ёпиштирилган дўконларни кўриб ҳайрон бўлдик. Бу дўконлардан бирнга кирсак, у ерда руслар ишлар экан. Маълум бўлишича, уларнинг аجدодлари бир вақтлар Сингапурга келиб муқим яшаб қолган экан. Шаҳарни айланиб, меҳмонхонага қайтиб келаётганимизда хитой ибодатхонасига дуч келдик. У ердан ўйин-кулги ва мусиқа овозлари эшитилар, одам кўп эди, биз сўрадик:

- Нима бўлаяпти бу ерда?
- Бу хитойча дафн маросими.

- Нега унда ўйин-кулги қилишаяпти, шўх мусиқа овозлари эшитиляпти?

- Йиғилганлар қариндошлари фоний дунёдан қутулиб, жаннатга кетгани учун хурсанд бўлишяпти.

Бундай одатни ҳаммамиз илк бор кўрдик.

Мельбурнда бизни касаба уюшмаси раҳбарлари кутиб олишди ва «Шератон» меҳмонхонасига жойлаштиришди. Бу тур меҳмонхоналар кўп мамлакатларда бўлиб, гўзаллиги, саранжом-саришталиги, юқори даражада хизмат қилишлари билан ажралиб туради.

Бу мамлакатнинг касаба уюшмалари фаоллари билан учрашдик, бир қанча саноат корхоналари билан танишдик. Трактор ишлаб чиқарадиган завод энг замонавий техника билан жиҳозланган. Иш кабинетлари бўлса ишлаш учун барча шароитлар муҳайёлиги, ҳатто, кофе қайнатиш, мусиқа эшитиш учун шарт-шароитлар яратилгани билан ажралиб туради. Қурилиш комбинатининг иш услуби бизникидан фарқ қилар экан. Пудратчи ташкилотга буюртмачи пул тўлайди. Унинг буюртмасига кўра пудратчи қурилиш сметасини тайёрлайди, барча қурилиш материаллари, ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлайди. Белгиланган муддатга оғишмай риоя этилади.

Мельбурнга хос хусусият шундай эканки, шаҳар марказида фақат ишхоналар жойлашган, одамлар шаҳардан ташқарида, асосан, бир қаватли уйларда яшайди. Барча ходимларнинг ўз машинаси бўлгани учун ишга келиб-кетиш муаммоси йўқ. Уйсиз ва ишсиз кишиларни учратмадик.

Бир куни маҳаллий аборигенларнинг намойишига дуч келдик. Улар саҳро минтақасида яшашар экан. Намойишга чиққанлар яшаш шароитини яхшилашларини ва иш билан таъминлашларини талаб қилишаётган экан. Шуниси борки, намойиш тинч, осойишта ўтди. Ҳеч қандай бақир-чақир, тўпалон бўлмади. Шиорлар кўтариб олган намойишчилар шаҳар марказидан ўтиб, тарқалишди. «Улар нимага эришдилар?» деган саволимизга мезбонларимиз: «Ўзларига эътибор қаратишди», деб жавоб беришди.

Чет мамлакатларда ёлғон шов-шувлар бўлиб тураркан. Бир куни эрталаб Австралия радио ва телевидениеси, газеталар Л.И.Брежневнинг вафот этгани тўғрисида хабар беришди. Биз совет элчихонасига мурожаат қилсак, бу ёлғон бўлиб чиқди. Афтидан, Л.И.Брежнев бироз хасталанган ва Австралия матбуоти ана шундай шов-шув кўтарган.

1979 йилда касаба уюшмалари делегацияси билан Кипрда бўлдим. Никосия шаҳри оролнинг ичкарисиди жойлашган бўлиб, кўп қаватли уйлар осмонга бўй чўзиб туради. Шаҳарнинг ўртасида кум солинган қоплардан тўсиқ қўйилган. Тўсиқнинг бир томонида грек, иккинчи томонида турк чегарачилари туришаркан. У ёқ бу ёққа ўтиш имкони йўқ. Чегарачилар бўлса ўзаро бемалол суҳбатлашаверадилар, бегоналарга икки метрдан ортиқ яқинлашишга ижозат бермайдилар.

Бир куни кечқурун меҳмонхонамизнинг ресторанида грек тўйи бўлиб ўтди. Меҳмонлар эшик ёнида турган дарбонлар қўлидаги патнусга пул солинган конверт ташлаб ўтишарди. Уларнинг ҳаммаси башанг кийинган эдилар. Меҳмонлар келин-куёвни табриклашгач, белгаланган жойларига бориб ўтиришарди. Асосан, мумтоз куйлар чалиниб, мутоз рақслар ижро этилди. Бироздан кейин келин-куёв тўйхона ўртасидаги катта ҳовузда қайиқда айланишди. Меҳмонлар уларнинг устидан атиргул япроқларини сочишди. Тўй кечки соат 12гача давом этди. Қизиғи шундаки, бу вақт мобайнида айрим меҳмонлар хайрлашиб кетар, янгилари келар эди. Кипрда ҳамма тўйлар шундай ўтадимми ёки бу алоҳида бир ҳолатми – бунисини билмадим, тўй бизга жуда ёқди. Ҳаммамиз шод-хуррам бўлиб қайтдик.

Умуман, дунёнинг турли мамлакатларида одамлар турлича яшашади. Ривожланган мамлакатларда инсонлар тўқ-фаровон яшашса, ривожланаётган ўлкаларда ишсиз, камбағал кишилар кўп. 1980 йилда Филиппинда ўтказилган конференцияга борганимда, бу мамлакатда яшовчи инсонларнинг турмушида кескин фарқ борлигини кўрдим. Анжуман пойтахт Манила шаҳрида бўлиб ўтди. Залга киришдан олдин хавфсизлик мақсадида бизни бошдан-оёқ текширдилар. Мамлакат президенти Маркос сўзлаш учун минбарга кўтарилганида ҳам уни олти қуролли соқчи қўриқлаб турди. У сўзини тамомлаган заҳотиёқ залдан чиқиб кетди. Биз келган вақтлари мамлакат нотинч экан. Президентга бир неча бор суиқасд уюштирилгани учун ана шундай эҳтиёт чоралари кўриляётган экан.

Манила маркази кўп қаватли ҳашаматли уйлари билан ажралиб туради. Шаҳар четида бўлса камбағаллар вайрона кулбаларда яшашади. Картон қутиларда яшаётган одамларни ҳам кўрдик. Шаҳарнинг бу қисмида ҳар қадамда чиқиндилар тўлиб-тошиб ётарди.

Филиппинлик аёллар баланд бўйли, сарв қомат, чиройли бўлишаркан. Маркоснинг рафиқаси мамлакатнинг энг гўзал аёли ҳисобланаркан. У ўша вақтда Манила шаҳри мэри эди. Маркоснинг икки қизи бўлиб, улар кейинчалик отаси билан Ўзбекистонга келишди. Мен уларни Тошкент, Самарқандга олиб бордим, Янгийўлдаги бир қанча хўжаликлар билан таништирдим.

Анжуман уч кун давом этди. Тўртинчи куни қайтишимиз даркор эди. Бироқ кучли шамол кўтарилиб, Филиппин самолётлари учмайдиган бўлди. Шамол тобора кучайиб борарди. Океандан баландлиги ўн қаватли уйдек келадиган ҳайбатли тўлқинлар қирғоққа ёпирилиб, улкан дарахтларни ҳам илдиз-пилдизи билан кўпориб ташлади. Нима қилишни билмай бошимиз қотди. Аэропорт хизматчиси бу аҳволга қарамай, икки соатдан сўнг Сингапур авиакомпаниясининг самолёти учишини, агар хоҳласак бизни шу самолётда учириб юборишини айтди. Чунки бу самолётнинг кечикиши компанияга бир неча юз долларга тушар экан. Биз тез учиб кетишимиз керак эди. Чунки Филиппинда бўлишимиз учун ажратилган маблағ тамом бўлган ва бир кун ҳам қололмасдик. Ноилож ўша самолётда учиб кетадиган бўлдик.

Туш пайти, тўфон жуда кучайган бир вақтда самолёт осмонга кўтарилди. Ярим соатча самолёт қаттиқ чайқалди. Ҳаммамиз юрагимизни ҳовучлаб ўтирардик. Хайриятки, самолёт кескин юқорига, ўн икки километр баландликка кўтарилгач, осойишталик таъминланди. Эсон-омон Сингапурга етиб олдик. Эртасига ватанга қайтдик.

Уйда мени кулфат қаршилади – онам вафот этган экан. У бутун умрини болаларининг бахти, келажагига бағишлади, ҳатто, сургунда бўлган кезлари ҳам бизни унутгани йўқ. У анча вақтдан бери оғир хаста эди. Сафарга кетишимдан олдин у ўзини бироз яхши ҳис қилган ва менга оқ фотиҳа берган эди. Бироқ тақдирнинг тақозоси билан ўлими олдидан уни кўриш менга насиб қилмади.

Онамни Умар, Эркили акам ва қариндошларимиз «Минор» қабристонига, боболаримиз ётган хилхонага дафн этишибди. У на насроний, на мусулмон эди. Онам яккаю-ягона парвардигорга ишонар эди. Бироқ ўлими олдидан у васиятнома ёзиб, ўзини ўзбек қабристонига, эрининг суюкли отаси ёнига дафн этишларини илтимос қилганди.

Онамнинг вафоти ҳақида аэропортдаёқ айтишди. Катталар бу ҳақда уйга боргунча айтмасликни келишиб олишган. Лекин олти ёшли неварам Шаҳноза ўзини тутолмай йиғлаб, «сир»ни ошкор этиб қўйди. Мазам қочиб, уйга қандай етиб борганимни ҳам билмадим.

Онам кўп азоб-уқубатларни бошдан кечирди, бу унинг соғлигига ёмон таъсир қилди ва охир-оқибат вафот этди. Болалари, невараларининг ҳузурини энди кўраман деб турган бир пайтда шафқатсиз ўлим уни олиб кетди. Ҳаммани яхши кўрадиган ва барчага қўлидан келганича яхшилик қиладиган мунис онамизни қариндош-уруғларимиз ҳамон эслашади.

Онамнинг вафоти узоқ вақт менга тинчлик бермади. Доимо – ишда ҳам, уйда ҳам уни ўйлаганим ўйлаган, йиғлаганим йиғлаган эди. Ҳатто, чет эл сафарларида ҳам бўш қолдим дегунча, уни эслардим.

1981 йилда ВЦСПС вакили сифатида Халқаро меҳнат ташкилоти йиғилишида қатнашиш учун Женевага бордим. Самолёт қўнар экан, тепасини қор босган Альп тоғлари, кўм-кўк майсазорлар кўзга ташланди. Бу гўзал манзара, мусаффо ҳаводан киши ўзини жаннатга тушиб қолгандай ҳис этади.

Женева Альп тоғи этагида жойлашган. Шаҳарнинг қурилиш услуби, меъморчилиги, уйлари, майдонлари Европадаги бошқа шаҳарларни эслатади. Соҳил бўйидаги уйларнинг деворларига осилган сариқ ва алвон реклама матолари шамолда ҳилпирайди. Бу матолар уйларнинг ойна ва айвонларини қуёшдан сақлаш учун осилган соябонларнинг рангларига уйғунлашиб кетади.

Женевада машҳур мутафаккирлар Жан Жак Руссо ва Вольтер туғилган.

БМТнинг Европа бўлими Миллатлар саройида жойлашган. Бу бинода муҳим халқаро конференция ва анжуманлар ўтади.

Мажлисга киришимиздан олдин Миллатлар саройи олдидаги ўтлоқда ўзини ёқиб юборган бир одамни кўрдик. Бу одам ишсиз қолган ва ўз муаммоларини ҳал қилиш йўлини топмагач, ўзини-ўзи ёқиб юборган экан.

Мажлисида турли мамлакатларда иш ўринларини ташкил этиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бу борада касаба уюшмаларининг ролини ошириш масалалари муҳокама қилинди.



Йиғилишдан сўнг биз Женева кўли соҳили бўйлаб сайр қилдик. Бир қанча кичик шаҳарлардан ўтдик. Улардан бирида Чарли Чаплиннинг вилласи ва мазори бор экан. Уч қаватли виллада Чарли Чаплиннинг беваси яшаган. Уй яқинидаги маҳаллий қабристонда Чаплин дафн этилган. Қабр оддийгина бўлса-да, атрофлари тозалаб, саранжом-саришта қилиб кўйилган эди. Чаплин қабри устида турар эканмиз, ҳаётнинг нақадар қисқа ва шафқатсиз эканлиги ҳақида ўйга ботдик.

Меҳмонхонага қайтиб келаётганимизда унинг бир томонида кўпгина машиналар турганини кўрдик. Бу машиналар биз келган куни қандай турган бўлса, ҳамон шу ҳолатда эди. Қизиқиб, сабабини суриштирсак, бир неча ой илгари араб мамлакатларидан биридан бу ерга бир амир қирқта хотини билан келган экан. Уларнинг сайр қилишлари учун амир хотинларига биттадан машина сотиб олиб берган. Ватанига қайтаётганида у яп-янги машиналарни меҳмонхона машиналар тўхташ жойида қолдириб кетган. Меҳмонхона маъмурияти: «Бу машиналарни нима қилайлик?» деб сўраганида, амир: «Билганингизни қилинг, ҳохласангиз уларни темир-терсак чиқиндиси сифатида топшириб юборинг» деб жавоб берган.

У Ванату мамлакатига борганимизда қизиқ бир ҳодиса бўлиб ўтди. Бу ерда «Жанубий-шарқ мамлакатларида ижтимоий ёрдам аҳволини яхшилаш» мавзуида касаба уюшмаси конференцияси бўлиб ўтган эди. Ванату жанубий ярим шарнинг жанубий-шарқ қисмидаги 800 та оролда жойлашган. Улардан фақат 8 тасида инсонлар яшайди. Мамлакатнинг пойтахти Порт-Вилла шаҳрида 3000 га яқин киши яшайди. Самолёт йўл-йўлакай Янги Каледония мамлакатининг пойтахти Нумея шаҳри аэропортига кўниб ўтди. Шаҳардаги кўп қаватли ҳашаматли уйларда французлар (мамлакат Франциянинг денгиз орти вилояти ҳисобланади), шаҳар четидаги қамиш томли кулбаларда маҳаллий аҳоли – кунаклар яшар экан.

Нумеяда бизни касаба уюшмаларининг раҳбарлари билан полиция вакиллари кутиб олганига ҳайрон бўлдик. Бизни алоҳида хонага олиб кириб, деворга қараб, кўлларимизни кўтариб туришни буюришди. Бизни тинтиб чиқишгач, полициячи кузатувида аэропорт меҳмонхонасига жўнатишди.

Мезбонларимиз кичкина ресторанда денгиз маҳсулотлари – балиқ, қисқичбақа ва ҳар хил ўтлардан тайёрланган таомлар

билан сийлашди. Овқатланаётганимизда кўшни столда бизни аэропортда тинтиган полициячи кўзини лўқ қилиб ўтирарди. Сабабини сўрасам, мезбонимиз бу полициячига бизни кузатиш топширилганини айтди. Қизиғи шундаки, сафардан қайтганимизда ҳам бу ерда тўхтаб ўтдик. Шунда ҳам ўша полициячи ёнимиздан бир қадам силжимасди. Маълум бўлишича, у ерда кунаклар иш ташлаган ва маҳаллий раҳбарият бу ҳодисага биз таъсир кўрсатишимиздан чўчиган экан. Мамлакатга қайтиб келганимиздан сўнг, Янги Каледонияда чоп этилган бир газетани юборишди. Бу газетада: «Бир неча кун илгари кўпурувчилик мақсадида келган рус Иван ва Катюша мамлакатимизда бўлди. Лекин хушёр полициямиз бунинг олдини олди ва улар мамлакатдан чиқариб юборилди» деб ёзилган эди. Касаба уюшмаларининг нима билан шуғулланишини ва мамлакатимизни билмайдиган баъзи кичкина мамлакатларда қандай бўлмағур ишлар содир бўлади!

Ванату аэропортида ҳам аёл полициячи мени тинтигач, меҳмонхонага боришга рухсат берди. Анжуманда қатнашган маҳаллий вакилларнинг шўрт, майка ва шиппак кийиб юриши ғалати эди. Қизиғи шундаки, танаффус пайтлари улар майка ва шиппакларини чиқариб ташлаб, шўртда юришар эди. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида касаба уюшмаларининг қилаётган ишлари ҳақида гапириб бердим. Қатнашчилар маърузамни жуда қизиқиб тинглашди ва кўп саволлар беришди. Танаффус пайтлари турли мамлакатлардан конференцияга келган вакиллар мен билан суҳбатлашишга ошиқишди. Шундан кейин сайр қилиш учун соҳил бўйига чиқдик. Биз ўзаро русча гаплашиб кетаётганимизда бир одам рўпарамизга югуриб келди ва деди: «Наҳотки, русчани эшитаётган бўлсам? Сиз кимсиз, қаердансиз? Афтидан сизлар конференцияга келган бўлсангиз керак?» У табассум билан бизга қўл узатди. Мен ва таржимоним Александр жуда хурсанд бўлдик. Маълум бўлдики, янги танишимиз Мишутушкин йигирма йилдан бери шу ерда яшаб, Океания мамлакатлари этнографияси санъатига оид нарсаларни йиғиш билан шуғулланар экан. Бу нарсаларни уникида меҳмон бўлган пайтимизда кўрдик. У маҳаллий рассом Полиоко билан дарахт шохлари ва баргларида сув устида қурилган кулбада яшар эканлар. Қизиғи шундаки, улар кўрпачада ўтирар ва ёстиққа ёнбошлаб ётишар экан. Кулбада кичкина хонтахта, кўрпача ва ёстиқдан бошқа ҳеч нарса йўқ

эди. Мишутушкин қандай қилиб Ванатуга келиб қолганини айтиб берди.

Унинг ота-оналари октябрь тўнтариши бошида Францияга кўчиб кетишган ва у ўша ерда туғилган. Ота-онасидан рус тилини ўрганган. 1960 йилларда Мишутушкинни армияга олишиб, Янги Каледонияга хизматга жўнатишган. Уч йилдан кейин армия хизматини тугатгач, у Океания мамлакатларини кўриб чиқишга қарор қилган. Оролларда жойлашган бешдан ортиқ мамлакатни кўриб чиққач, Ванатуда қолишни ихтиёр қилган. Чунки бу мамлакатнинг иқлими унга жуда ёқиб қолган. У ватани Франция, Англия, 1980 йилда Ўзбекистонда ҳам бўлган экан.

Шаҳардаги кичкина уйлардан бири олдидаги тахта ўриндиқда қимирламай ўтирган оппоқ узун соқолли қария бизни ҳайратга солди. Чунки унинг олдинги кунлари ҳам шу аҳволда қимирламай ўтирганини кўрган эдик. Сабабини суриштирсак, у бир умрга қамоқ жазосига ҳукм қилинган, маҳкум эканини айтишди. У бутун умрини уйда ёки уй олдида ўтириб ўтказиши керак экан. Ҳеч қандай кўриқчи йўқ эди.

Конференция тугаган куннинг эртасига мени бош вазир қабул қилиши керак эди. Бироқ тонг саҳарданоқ полициячи аёл келиб, эшикни тақиллатди.

- Муддатингиз тугади, Сиз зудлик билан мамлакатни тарк этишингиз ёки полицияга боришингиз керак! – деди у.

- Мен эртага учиб кетаман. Ҳозир бўлса Бош вазир ҳузурига боришим керак. Агар полицияга бориш ундан муҳим бўлса, идорангизга кетдик,- деб жавоб бердим.

Полициячи аёл кечирим сўради, лекин Бош вазир билан учрашувдан кейиноқ полицияга боришим кераклигини айтиб, чиқиб кетди.

Сал ўтмай мени олиб кетгани Бош вазирнинг одами келди. Шарти кетиб парти қолган машинада Бош вазир қароргоҳига йўл олди. Умуман, Порт-Виллада машиналар деярли йўқ, шунча кун мобайнида мен атиги икки-учта машина кўрдим, холос. Қароргоҳ остонасида Бош вазирнинг ўзи бизни кутиб олди. Меҳмонхонада қаҳва билан сийлади. Анча узоқ суҳбатлашдик. У Ўзбекистон ҳақида ҳеч эшитмаган, ҳатто унинг қаерда эканлигини ҳам билмас экан. Мен ўзбеклар ким эканлиги, нима билан шуғулланиши, юртимизнинг тарихи, бугунги кун ҳақида анча сўзладим. У тушунгандай бош

силкиб ўтирди, холос. Суҳбат охирида унга тўн, хотинига атлас совға қилдим. Бош вазир совғалардан жуда хурсанд бўлди ва, ўз навбатида, ёғочдан қилинган ниқоб совға қилди. Қайтиб келгач бу ниқобни кенгашимиз музейига топширдим. Бош вазир қабулидан чиққач, унинг одамига: «Энди мени полицияга олиб борсангиз, ўша ерга боришни топширишган эди» дедим. Унинг этлари тиканак бўлиб кетди шекилли: «Йўқ, йўқ, ҳеч қаёққа борманг, ўзим ҳаммасини тўғрилайман» деб жавоб берди. Эртасига биз юртимизга қайтдик.

Куба таассуротлари ҳам ниҳоятда жозибали. Бу ерда 1982 йилда ВЦСПС делегацияси таркибида бўлган эдим. Делегацияга ВЦСПС раиси И.Шибоев бошчилик қилди. Делегация таркибида собиқ иттифоқнинг барча минтақаларидан юздан ортиқ вакил бор эди. Умуман, конгрессда мингга яқин делегат иштирок этди. Анжуманни очган Фидель Кастро бу анжуман учун унинг мамлакатини танлашганидан жуда хурсандлигини айтди. У кейинги кунлари ҳам барча мажлисларда иштирок этди.

Анжуман ниҳоялангач, Куба ҳукумати номидан Ҳукумат уйида зиёфат берилди. Фидель Кастро барча мамлакатларнинг вакиллари билан бирма-бир кўришиб чиқди. Делегациямиз аъзолари билан кўришар экан, менинг елкамга оталарча қоқиб, деди:

- Мен Тошкентда бўлганман. У жуда чиройли шаҳар. Мамлакатингиз гўзал. Меҳмондўстлигингиз, хушфеъллигингиз ва гўзал қизларингиз менга жуда ёққан. Мендан Шароф Рашидовичга салом айтиб кўйинг.

Анжумандан сўнг, одатдагидек, шаҳар айландик. Гавананинг тарихий ёдгорликлари, обидалари ҳеч эсдан чиқмайди. Замонавий кўп қаватли уйлар, меҳмонхоналар соҳил бўйида жойлашган. Фанлар академияси ва Миллий кутубхона катта таассурот қолдиради. Инқилоб майдонида Хосе Марти, Максимо Гомес ҳайкаллари қад кўтариб турибди. Собиқ президент саройи эндиликда музей. Кубада саноат билан бирга, қишлоқ хўжалиги алоҳида ўрин тутди. Шакарқамиш, тамаки ва цитрус мевалари етиштирилади. Балиқчилик халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга.

Кубаликлар жуда хушчақчақ халқ. Қаерга борманг, мусиқа, рақс, ўйин-кулгига дуч келасиз. Бу гўзал мамлакатдан кетаётганда бир оз маҳзун бўлдик.

Францияда икки марта бўлганман. 1983 йилда ВЦСПС делегацияси, 1984 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари делегациялари таркибида бу гўзал мамлакатда бўлдим. Учрашувларда Франция томонидан касаба уюшмаларининг вакили Круз, котиб Пьер Жансус ва бошқалар қатнашди.

Париж қадимий ёдгорликларга бой гўзал шаҳар. Бу ерда осмонўпар, ойнаванд бинолар билан бир қаторда, қадимий меъморчилик ёдгорликлари ҳам кўп. Сена соҳилида Париж Момоҳавоси ибодатхонаси жойлашган. Луврда сақланаётган бебаҳо санъат намуналари кишини ҳаяжонга солмай қолмайди. Бу ерда жаҳонга машҳур рассомлар Рафаель, Леонардо да Винчи, Микеланжело, Рубенс, Рембрандт ва бошқаларнинг асарлари намоиш этилади. Сенанинг чап соҳилида Латин маҳалласи – талабаларнинг маҳалласи, китоб дўконлари жойлашган. Франциянинг қадимий университетларидан бири Сорбонна яқинида Вольтер, Руссо, Ҳюго ва бошқа буюк арбобларнинг қабрлари бор. Сўл соҳилда Ногиронлар уйи бор. Бу ерга Напалеон дафн этилган.

Бой французлар яшайдиган ғарбий маҳаллаларда ҳашаматли уйлар, ресторанлар, кинотеатрлар, давлат муассасалари жойлашган. Елисей саройи – президент қароргоҳи ҳам шу ерда. Баландлиги 314 метр бўлган Эйфель минораси, Зафар дарвозаси ҳам шу ерда. Шаҳарнинг ғарбий қисми Булон ўрмонига бориб тақалади.

Парижни роса сайр қилиб, мумкин бўлган ҳамма нарсани кўриб чиққач, жанубга – Ўрта Ер денгизи томонга йўл олдик. Соҳил бўйидаги вилоят Лангедок-Руссильон вилояти билан дўстона алоқалар ўрнатган эдик. Бу ерда, асосан, узум етиштирилади ва вино тайёрланади. Лангедокда касаба уюшмалари фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Бу ерда ҳам ўзбек халқи, унинг урф-одатлари, тарихи ва бугунги куни ҳақида мароқ билан сўзлаб бердим. Мезбонларимизга гўзал бир сўзана ҳадя қилдим. Сафаримиздан олдин тайёрлатган сўзанага: «Ўзбек ва француз касаба уюшмалари бир умрга дўстдир!» деган ёзув французча битилганди.

Ницца шаҳри Ялтани эслатади. Бахтимизга биз борганда бу ерда карнавал бўлиб ўтаётган экан. Барча кўчалар ранг-баранг чироқлар, пуфаклар билан безатилган эди. Карнавал кийимлари кийган одамлар кўчадан ўтиб боришарди. Бу жуда ажойиб манзара эди.

Сўнг Монако шахрига бордик. Монако XVIII асрда барпо этилган кичкина давлат. Монако шахрида Европадаги энг катта қиморхоналар жойлашган. Биринчи қиморхона 1861 йилда очилган. Дунёнинг бой одамлари бу ерда қимор ўйнашади, ҳордиқ чиқаришади.

Монакода чарм буюмлари, озиқ-овқат, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати ривожланган. Шаҳарнинг диққат тортадиган энг муҳим жойи – Океанография музейи ва ажойиботлар боғидир. Икки қаватли музей шундоққина денгиз бўйидаги қоя устига жойлашган. Бинонинг олдида оппоқ устунлар қад кўтариб туради. Улар орасидаги деворга денгиз ва океанларни кашф этишда, тадқиқ қилишда хизмат кўрсатган кемаларнинг номлари ёзиб қўйилган. Музейда турли-туман балиқлар, китлар ва бошқа жониворларнинг скелетлари қўйилган. Горни эслатадиган пастки қаватдаги аквариумларда сув ости жониворлари намоёниш этилади.

Ажойиботлар боғи «Ит калласи» деб номланувчи тик қояга жойлашган. Бу ерда пальма, кактусдан тортиб, анжир ва бодомгача бўлган турли-туман дарахтлар ўсиб турибди.

Қизиқиш юзасидан казинога кириб, қиморбозларнинг хурсандчилиги-ю, омади кетганларнинг фожеасини ҳам кўрдик. Кўз олдимизда бир неча миллиард долларини бой берган бир қиморбоз юрагини чангаллаб хушдан кетди.

Қадимий меъморчилиги билан Рим шаҳри ҳам мени ҳайратга солган эди. Италия касаба уюшмалари билан ҳамкорликда ишлаш тўғрисида шартнома тузиш учун 1985 йилда у ерга борган эдим. Шаҳар ўртасида Колизей қад кўтариб туради. Колизейни айланиб томоша қилар эканман, кўз олдимда гладиаторларнинг жанги намоён бўлди, томошабинларнинг ҳайқириқлари қулоғимга эшитилгандай бўлди. Колизей устидан бутун Рим кафтдай бўлиб кўринади. Шаҳар ичидаги шаҳар – Ватикан Колизей яқинида жойлашган. Авлиё Пётр майдони ва ибодатхонаси кишини ҳайратга солади. Майдонда Рим Папасидан фотиҳа олишни кутиб турган одамлар сон-саноксиз эди. Тушга яқин асосий бинонинг юқори қаватидаги эшик очилиб, қизил кийим кийган Папа айвонга чиқди. У маъруза қилди ва дуо ўқиди. Майдондагилар шод-хуррамлик билан уни олқишладилар. Бу ажойиб манзара эди.

Флоренция марказидаги ибодатхона ҳам ҳашаматли эди. Ибодатхонага кириш олдида мрамрдан ишланган Довут

хайкали қад кўтариб туради. Ибодатхона ичида фаришталар ҳамда буюк кишиларнинг ҳайкаллари қўйилган. У ердан Медича саройига ўтдик. Сарой хоналари ва даҳлизларини айланиб юрар экан, киши беихтиёр XVII-XVIII асрдаги сарой фитналари ва маккорликларини, қотилликларни эслайди. Эртасига сув устида жойлашган Венецияни бориб кўрдик. Венецияда готик услубда қурилган гўзал бино олдидаги майдон кабутарларга тўла. Улар одамларга ўрганиб қолган экан. Саёҳатчилар кўрганларидан ҳаяжонга тўлишар эди. Гондолаларда сузиб, ўзимизни ўрта асрларга тушиб қолгандай ҳис қилдик.

Пиза шаҳридаги машҳур қийшайган минорага чиқдик, ўтлоқлар, уйлар, дарёларни кўрдик, соф ҳаводан мириқиб симирикдик. Ана шундай таассуротлар билан ватанга қайтдик.

1985 йилда касаба уюшмалари делегациясига бош бўлиб, Того Республикасига бордим. Того Франциянинг мустамлакаси бўлган. Унинг пойтахти Лама шаҳри бўлиб, кўп қаватли уйлар диққатни жалб этади. Ҳаво жуда иссиқ ва дим эди. Шу боисдан уйларда ҳам, машиналарда ҳам кондиционерлар ўрнатилганди. Анжуман иши битгач, мамлакат бўйлаб сафарга чиқдик. Йўл-йўлакай сомон ва пахсадан урилган конуссимон уйларга дуч келдик. Бу уйларнинг деразаси йўқ эди. Дераза ўрнида кичкина туйнуклар бўлиб, ойнаванд қилинган эди. Эшик ўрни шундай очиқ қолдирилган холос. Маҳаллий аҳоли ёввойи ҳайвонлар кирмаслиги учун остонага кечаси махсус ёғ солинган шишани қўйиб, пилигини ёқиб қўйишар экан.

Тогода картошканинг ўзига хос бир тури етиштирилар ва у қишлоқ аҳолисининг асосий истеъмол маҳсулоти ҳисобланар экан. Картошканинг катталиги ярим метрдан катта бўлиб, таъми ширин, нон ўрнига ҳам шу картошкани истеъмол қилишар экан. Қишлоқ эркаклари фақат шўрт кийиб, яланг оёқ юришар экан. Аёллар бўлса, фақат юбка кийишар, кўкраклари очиқ юришар экан.

Қишлоқлардан бирида бир одамникига кирдик. У оилавий аҳволи ҳақида ҳикоя қилиб, учта кулбаси борлиги билан мақтанди. Маълум бўлишича, учта хотини бўлиб, ҳар бири алоҳида кулбада яшар экан. Икки хотинидан олтита фарзанди бор экан.

- Шунча хотинингиз бўлса, уларни ва бола-чақангизни қандай қилиб боқасиз?

- Бизда хотинларини ва бола-чақасини боқиш имконини берадиган даражада ери кўп бўлган кишиларгина кўп хотинли бўлиши мумкин. Менинг ерим кўп.

- Бу ерда ким ишлайди?

- Ҳар бир хотинимга ер ажратиб берганман. Улар экин экиб, ҳосилни йиғиб олишади.

- Сизлар ўзларингизга рафиқаларингизни қандай танлайсизлар?

- Эркаклар хотин танламайди, аксинча, аёллар ўзларига эр танлайдилар.

Унинг айтишича, ҳар йил баҳорда бўлиб ўтадиган байрам вақти ярим яланғоч қизлар ва йигитлар майдонда рақс тушишар экан. Рақс пайти қиз ўзи ёқтирган йигитга дастрўмол совға қилар экан. Шундан кейин улар турмуш қуришар экан.

Ундан кейин биз мусулмонлар яшайдиган бир қишлоқда бўлдик. Бу ердаги уйлар пахсадан кўтарилган эди. Қишлоқ марказида масжид бор экан. Биз аср намози вақтига тўғри келдик. Турли-туман ялтироқ кўйлақлар кийган аёллар, шим ва майка, шиппак кийган эркакларни кўрдик. Болалар ҳам ясан-тусан қилиб олишган эди. Бу қишлоқдан ўтиб, мамлакат президенти Эдеманга суиқасд қилинган жойга бордик. 1980 йиллар бошида Эдеман ўз соқчилари билан вилоятларни кўриш учун самолётда учиб бораётганида кимдир ўққа тутган. Натижада самолёт қулаб тушган, учувчи ва икки соқчи ҳалок бўлган. Эдеман бўлса соғ-омон қолган. Шу боисдан тоголиклар унга Худонинг назари тушган деб ҳисоблашар экан. Ҳалокат содир бўлган жойга катта бино қуриб, қулаган самолётни ҳамда Эдеман ўтирган самолёт креслосини намоёиш қилишар экан.

Бу сафарларнинг ҳаммаси ишчанлик руҳида ўтганини қайд қилмоқчиман. Делегациялар таркибида бирон-бир мамлакатга борар эканмиз, энг аввало, олдимизга қўйган мақсадни амалга оширишга ҳаракат қилар эдик. Фурсатдан фойдаланиб, учрашувларда жонажон Ўзбекистон ва унинг одамлари ҳақида дилдан сўзлаб берардим. Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашидаги иш мен учун жуда қизиқарли ва кўп қиррали эди. Атрофимдагилар – ҳамкасбларим ҳам, юқоридаги раҳбарлар ҳам, оддий меҳнаткашлар ҳам мени қўллаб-қувватлашларини доимо ҳис қилар эдим. Бу эса мени руҳлантирар ва куч-қувват бағишлар эди. Юқорида номлари келтирилган мамлакатлардан ташқари мен яна Венгрия, Болгария, Югославия, Швеция, Финляндия, Хитой ва



Польшада ҳам бўлиб, бу мамлакатларнинг касаба уюшмалари билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга имкон қадар ҳисса қўшдим. Бу мамлакатларда бўлиш туфайли менинг дунёқарашим янада бойиди, таассуротларим кенгайди. Шу билан бирга, хорижда Ўзбекистонни мумкин қадар тарғиб қилиб, таништирдим.

## ҲУНАРНИ АСРАБОН НЕТГУМ

1984-1985 йилларда Ўзбекистоннинг бошига офат ёғилди. «Пахта иши» деб аталган машъум жараён бошланиб, Марказқўм котибларидан тортиб, колхоз бригадирларига қадар юқори, ўрта ва қуйи поғоналардаги раҳбарлар ёппасига қамоққа олина бошланди. Ҳибсга олинганлар орасида гуноҳкорлар ҳам, бегуноҳлар ҳам бор эди. Бундай мушкул вазиятда ишлаш жуда қийин бўлиб қолди. Кўп раҳбарларни ҳеч бир сабабсиз ишдан ола бошлашди. Бунинг устига Умар қаттиқ касал бўлиб қолди. У қанд касаллигига гирифтор бўлди. Хасталик Умарнинг тинкасини қуритди. Хаста эримни ташлаб хизмат сафарларига бориш мумкин бўлмай қолди. Буларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, ишдан кетишимни таклиф қилишларини кутмасданоқ, ишдан бўшаш ҳақида ариза беришга қарор қилдим. Ўзбекистон КП Марказқўмининг биринчи котиби И.Б.Усмонхўжаев аризамни олиб, гўё ҳайрон бўлгандай бўлди. Лекин аризамни олиб қолди. Уч ой давомида ҳеч қандай жавоб бўлмади. Ниҳоят, 1985 йил 27 декабрда мени Марказқўмга таклиф қилишиб, «Икки кундан кейин Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашининг пленумини чақиринг, аризангизни кўриб чиқамиз» дейишди.

Ўзи шундоқ ҳам режамизда пленум чақиринг кўзда тутилган эди. Бу пленумда «Республика саноат корхоналарининг санитария-техника аҳволи ва уни яхшилашда касаба уюшмаларининг роли» масаласи муҳокама қилиниши керак эди. 28 декабрь куни олдиндан белгиланган режага мувофиқ радио орқали маълумотлар олиб, йил ҳамда соғломлаштириш мавсуми яқунларини чиқардик. Пленум 29 декабрь куни бўлиб ўтди. Унда И.Б.Усмонхўжаев ва бошқа катта раҳбарлардан тортиб турли соҳалар вазирларигача қатнашди. Бундай пленум камдан-кам бўлар эди. Чунки, одатда, республиканинг биринчи раҳбарлари курултойлардагина қатнашар эди. И.Б.Усмонхўжаев пленум

очилишидан олдин касаба уюшмалари раҳбарларини залга йиғди ва менинг раисликдан бўшаш ҳақида ариза берганлигимни, марказқўм аризани кўриб чиқиб уни қондиришга қарор қилганлигини, шу боис партия аъзоларидан бу қарорни қўллаб-қувватлашларини сўради. Ҳамма ҳайрон қолди ва пленум қарорини кута бошлади. Шундан кейин пленум очилди. Олдин кун тартибидаги биринчи масала кўриб чиқилди, сўнг И.Б.Усмонхўжаев минбарга кўтарилиб, аризамни ўқиб берди. Зал сув қуйгандай жим-жит бўлиб қолди. Ҳеч ким, ҳатто, пленумдан олдин йиғилган партия фаоллари ҳам Марказқўм котибининг илтимосига ҳеч нарса деб жавоб бермади. И.Б.Усмонхўжаев бир эмас, бир неча марта залда ўтирганларга қарата: «Ҳа» деб қўл кўтаришларингизни сўрайман» деб мурожаат қилса-да, ҳеч ким қўл кўтармади. Ўтирганлар жим эдилар. Ноилож ўрнимдан туриб, пленум аъзоларига илтимосимни қондириш тўғрисида мурожаат қилишга мажбур бўлдим. «Ҳозирги вақтда эрим касал, уни доимий парвариш қилишим лозим, ўзим бўлсам анча ёшга бориб қолдим. Энди илгаригига ўхшаб хизмат сафарларига боролмайман, ишдан кейин узоқ вақт қололмайман, олдингидай унумли ишлаш имконим йўқ», дедим. Бу сўзлардан кейин залдагиларнинг ярмигина мени ишдан бўшатишга розилик билдириб қўл кўтарди.

Шундай қилиб 1986 йил 1 январдан ишдан бўшадим. Менга иттифоқ миқёсидаги нафақа тайинланди. Шундай бўлса-да, фаоллигимни, ижодий имкониятларимни ҳисобга олган И.Б.Усмонхўжаев мендан сўради:

- Энди нима иш билан шуғулланмоқчисиз?

- Тиббиёт соҳасида, масъулияти камроқ ишда ишламоқчиман. Ахир, мен 1975 йилдан бери медицина фанлари докториман-ку!

Бир қанча лавозимларни таклиф қилишди. Бироқ олий ўқув юртида ишлашни азалдан орзу қилардим. Бор билишимни ёшларга ўргатиш ниятим бор эди. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё медицина педиатрия институтининг ижтимоий-гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш кафедрасига ишга ўтишга рози бўлдим. Кафедра мудирини лавозими бўш бўлиб, бу вазифани вақтинча доцент А.К.Хусанбоева бажариб турган экан. Бу аёл фаол, жонкуяр, ўз ишини яхши билладиган ходим эди. Кафедра мудирини бўлганимдан кейин маъруза ўқиш, амалий машғулотлар олиб бориш ва талабалар билан ишлашга

боғлиқ бошқа масалаларда ундан кўп маслаҳатлар олиб турдим. Шундай қилиб, ўқитувчилик фаолиятим бошланди. Маърузалар ўқидим, амалий машғулотлар олиб бордим. Тез орада институтнинг қайноқ ҳаётига кўникиб кетдим. Бунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашидаги фаолият давомида орттирган катта тажрибам кўл келди. Ҳар бир педагог олий ўқув юртида фаолият бошлашдан олдин амалиётда ишлагани яхши бўлади, деб ўйлайман.

1988 йил 11 мартда эрим Умар Қурбонович Қурбонов оғир хасталикдан сўнг вафот этди. У болалар учун ихтисослашган асаб-руҳий касалликлар шифохонасини ташкил этган ва шу ерда 20 йил бош шифокор бўлиб ишлаган эди. Бу шифохона республикагина эмас, иттифоқ миқёсида шуҳрат қозонди. Шифохонага ҳозир унинг номи қўйилган.

Юқорида айтганимдек, Умар ғамхўр ва меҳрибон инсон эди. Ҳатто, касал бўлган пайтлари ҳам менга ғамхўрлик қилар эди. Касалхонада ётган вақтлари доим унинг ёнида бўлишга ҳаракат қилдим. Умар бўлса мени ишга боришга ундар эди. Қизим Дилбар, ўғлим Ўктам ва Умарнинг дўсти Юсуф ака ва унинг рафиқаси Эльмия беморни парваришлашда менга ёрдам беришди. Фарзандларимиз ва дўстларимиз бизни холи қолдирган вақтларида Умар ўтган йилларимизни хотирлар ва кўзига ёш олиб: «Сен билан жуда яхши яшадик-а» дерди. Мен: «Яшадик эмас, ҳали яшаймиз», деб унга далда берардим. Умар маҳзун ҳолда бош чайқарди. 1988 йил 3 мартда 62 ёшга тўлганида Умарни табриклаш учун энг яқин кишилари – болаларимиз, қудамиз Барат Раҳматович рафиқаси Ҳалима опа билан, Ўктам Орипович Роза билан, Юсуф ака Эльмия ва ўғли Сайёр билан, шифохона ходимлари келишди. Ҳамманинг кўлида гулдаста, совғалар ва ажойиб таомлар бор эди. Дастурхонга палов ҳам, манти ҳам, торт ҳам қўйилди. Умар жуда хурсанд бўлиб, руҳланиб кетди ва дастурхондаги таомлардан тотиб кўра бошлади. Ҳамма кула бошлади. Дўстларимиз латифалар айтиб, даврани қиздиришди. Умар паловни тотиб кўрар экан, «Одам ўзига фойдали ҳамма нарсани ейиши керак деган латифа бор», деб қўйди.

Меҳмонлар кетишгач, чарчаган Умар бироз ётиб дам олди. Сўнг ўрнидан туриб, ҳадяга келтирилган кўйлақларни кийиб кўрди. Кўйлақлар унга жуда ёқди. «Наима, бу кўйлақлар менга ярашди, тўғрими? Тузалиб чиққанимдан кейин ҳаммасини кияман», деб такрорлади бечора. Сўнг хонага тўлиб

кетган гулларга қараб деди: «Бу йил сен 60 ёшга тўласан. Туғилган кунингда сенга 60 та қизил чинни гул совға қиламан». Бироқ, афсуски, у ниятига ета олмади. Эртасигаёқ Умарнинг аҳволи оғирлашди ва у ҳамма гулларни олиб кетишимни илтимос қилди. Оғир хаста ётар экан, ҳар куни мендан сўрарди: «Қачон илмий кенгаш бўлади, қачон сени кафедра мудирини этиб тасдиқлашади?» Ўша кун ҳам келди. 9 мартда мени Илмий кенгашга чақиришди. Ўша пайтда мен касалхонада, Умарнинг ёнида эдим. У руҳланиб кетди. Ҳатто мени пардоз-андоз қилишга мажбур қилди, сўнг оқ фотиҳа бериб жўнатиб юборди. Илмий кенгашга борар эканман, ичимни ит таталаётгандай бўларди. Фикру хаёлим эримда эди. Илмий кенгаш яхши ўтиб, мени кафедра мудирини этиб тасдиқлашди. Йиғилишдан кейиноқ оёғимни кўлимга олиб касалхонага югурдим ва ҳаммаси яхши ўтганлигини Умарга айтдим. Умар жуда суюнди. Унинг кўзларидаги қувонч ҳозиргача кўз ўнгимда.

Бир неча соатдан сўнг, 9 март куни Умар қимирлай олмай, тўшакка миҳланиб қолди. Лекин кўзлари очиқ бўлиб, хатти-ҳаракатларимни кузатиб ётарди. 10 март куни у кўлларини қовуштириб, ниманидир кузатиб ётар эди. Дўстига ҳамдам бўлиш учун Ўктам Орипович рафиқаси Роза билан касалхонага жойлашиб, доимо бизнинг ёнимизда бўлишди. Роза дуо ўқитиш учун мулла чақириш кераклигини шипшиди. Шундан кейин Умарнинг дўсти бўлган бир муллани касалхонага чақирдик. У дуо ўқиб қўйди. Ана шундан кейингина Умар енгил тин олди, кўллари бўшашди. Мулла: «Энди, у хотиржам бўлди, кўп ўтмай бу фоний дунё билан хайрлашади», деди. Ҳеч ишонгим келмади. Умар ҳозироқ кўзини очиб, ҳар доимгидай «Наима, Наима!» деб мени чақирадигандай туюлаверди. Бироқ, афсуски, бундай бўлмади. Умарнинг аҳволи тобора ёмонлаша борди. Шифокорлар қанчалик уринишмасин, фойдаси бўлмади. Унинг умри ниҳоясига етаётганлигини пайқаб, кўзларимдан тирқираб ёшлар оқа бошлади. Дод солиб йиғлагим келса-да, бир амаллаб ўзимни босдим. Тайёргарлик кўриш учун Дилбарни уйга жўнатдим. Ўктам билан келинойим Азани ёнимда олиб қолдим. Кечки соат олтиларга яқин Умарнинг нафас олиши оғирлашди. У хириллай бошлади, бирданига жим бўлиб қолди. Зудлик билан шифокорни, Ўктам Ориповични чақирдим. Бироқ кеч эди. Умар вафот этганди. Ўғлимиз Ўктам унинг

қовоқларини ёпиб қўйди. Кўп ўтмай, биз жасадни уйга олиб кетдик. Эртасига Умарни «Минор» қабристонига, онам ва Сиддиқ амакимнинг ёнига дафн этдик.

Бир йилдан сўнг қабр устига ёдгорлик тоши қўйдик. Ҳар ҳафта уни зиёрат қилиб турдик. Кейинчалик ҳам ишим юришмай қолса, дарров Умарнинг қабри устига борар, фикран у билан маслаҳатлашардим. Унинг йўқлиги жуда-жуда билинарди. Қабристонда ишлайдиган Абдурахмон деган йигит қабр устига гуллар, дарахтлар ўтқазиб, сугориб, парвариш қилиб турди. Умарнинг дўстлари уни унутишгани йўқ. Туғилган кунда ва бошқа муносабат билан доим қўнғироқ қилиб, аҳволимни, соғлигимни суриштириб туришди. Айниқса, Фуломназар ака Абдурашидов кўп меҳрибончиликлар қилди. У тез-тез уйимизга келиб, бирон нарсага эҳтиёжимиз бор-йўқлигини суриштириб турарди. Болаларим ва невараларим билан андармон бўлиш, институтдаги иш туфайли ёлғизлик ва ғам-андуҳни бир оз унутгандай бўлардим.

Мураббийлик иши билан бирга жамоат ишларини ҳам олиб боришга тўғри келди. Институтимизда хотин-қизлар қўмитаси ташкил этилгач, мени унга раис қилиб сайлашди. Бундан ташқари Юнусобод тумани хотин-қизлар қўмитасига ҳам раислик қилардим.

Тез-тез маҳаллаларда бўлиб, аёлларни фаол ишга тортардим. Туманда олиб борган ишларимдан мамнун бўлган ҳокимлик мени фахрий ёрлик билан мукофотлади.

1995 йилда касаба уюшмаларида ва институтда олиб борган жамоат ишларим учун биринчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотландим.

1992 йил эди. Бир куни кечқурун қўшним, киностудия директори А.М.Хўжаев бизникига кирди. Унинг ёнида Тошкент вилоят ижроқўми раисининг собиқ ўринбосари Г.Б.Йўлдошева ва тадбиркор И.Рашидов ҳам бор эди. Суҳбатлашиб ўтириб, республикада генофондни яхшилаш учун «Соғлом авлод учун» халқаро, ноҳукумат жамғармасини ташкил қилиши фикрига келдик. Фикримизча, бу жамғарма нодавлат ва жамоат ташкилотларини инсонпарварлик ва бошқа ёрдам беришга уюштирган бўлар эди. Бу гоёни ҳукумат ва шахсан И.А.Каримов қўллаб-қувватлади. 1993 йилда «Соғлом авлод учун» жамғармаси ташкил этилиб, Г.Б.Йўлдошева унинг раиси, А.М.Хўжаев ва мен унинг ўринбосарлари этиб сайландик. Г.Б.Йўлдошева раҳбарлиги остида жамғарма

қошида энг замонавий медицина ускуналари билан жиҳозланган тиббиёт маркази ташкил этишга муваффақ бўлди. Германиядан махсус жиҳозланган амбулатория-амбуланслар келтирилди. Бундай амбулаториялар республиканинг барча вилоятларида ҳам ташкил этилди. Бу ҳаракатчан амбулаториялар узоқ қишлоқларга ҳам бориб, аёллар ва болаларни кўриқдан ўтказиб турарди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда Скрининг марказлар барпо этилди. Бу марказларда ҳомийлар ва янги туғилган чақалоқларнинг хасталиклари аниқланадиган бўлди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда «Соғлом авлод учун» аёллар коллежи очилди. Бу коллеж республика учун социал соҳа мутахассисларини тайёрламоқда.

Жамғарма, унинг бўлимлари ва у билан боғлиқ муассасалар муваффақиятли ишлаётгани туфайли, аёллар ва болалар хасталиги аниқлаш ҳамда уларни соғломлаштириш иши яхшилангани кишини қувонтиради.

Ўша вақтларда мени «Олима» жамоат ташкилоти президентининг муовини қилиб сайлашди. Бу ташкилотни профессор С.Ш.Рашидова бошқара бошлади. Ташкилот олима аёллар фаолиятини янада яхшилашга ёрдам беради, улар ёзган тадқиқотларни чоп этишга, илмий тадқиқот тажрибаларини алмашишга кўмаклашади.

1998 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва институт Ўзбекистон касаба уюшмалари билан ҳамкорликда менинг 70 йиллик тўйимни ўтказиб беришди. Тантанали йиғилишда Соғлиқни сақлаш вазири Ф.Г.Назиров, вазир ўринбосарлари, бошқарма бошлиқлари, тиббиёт институтлари ректорлари, илмий тадқиқот институтлари директорлари, бош шифокорлар, кафедра мудирлари, касаба уюшмаси раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, «Соғлом авлод учун» ва «Олима» жамғармалари раҳбарлари, жами 200 дан зиёд киши сўзга чиқишди. Уларнинг сўзлари мени руҳлантиргани каби, зиммамга бу мақтов сўзларига лойиқ бўлишдек масъулиятни ҳам юклади. Камтарона меҳнатимни тақдирлаган Халқ таълими вазирлиги менга «Халқ таълими аълочиси» нишонини шу йиғилишда топширди.

Шундай қувончли дамларимни баҳам кўрадиган умр йўлдошим Умарнинг йўқлигидан афсусда эдим. Бутун ҳаётим бўйи қувончли дамларда ҳам, қайғули кунларда ҳам Умар доимо ёнимда бўлгучи эди.

70 ёшга тўлгач, кафедра мудирилиги лавозимидан озод қилишларини сўраб, ариза бердим. Бироқ аризамни қондиришмади. Мен яна ва яна ариза беравердим. Фақат 1999 йилдагина илтимосимни қондиришди. Менинг ўрнимга ёш, ғайратли, медицина фанлари доктори, профессор Шаҳноза Тўлқиновна Искандарова сайланди. Мен кафедрада профессор-маслаҳатчи бўлиб қолдим. Ҳозиргача шу ишда ишлаб келмоқдаман ва ишимдан мамнунман.

2004 йил кўпгина шодликлар ва ғам-ғуссалар йили бўлди. Йил отам Боту таваллудининг 100 йиллигига тайёргарлик кўриш билан бошланди. Таниқли шоир Абдулла Орипов бошчилигидаги Ёзувчилар уюшмаси ва филология фанлари доктори, профессор Наим Каримов бошчилигидаги «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси бу хайрли тadbирнинг ташкилотчиси бўлдилар. «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси тоталитар тузум замонида қатағон қилинган кишиларнинг фаолиятини ўрганиш ва номини абадийлаштириш билан шуғулланади. Н.Каримов менга, қариндошларим – профессор Баҳодир Ҳодиев (у ҳозирда Халқ хўжалиги университети ректори), ўғлим Ўктам Умаровичга машҳур шоир ва давлат арбоби Ботунинг 100 йилигини май ойида ўтказишда ёрдам беришни сўраб мурожаат қилди.

Отам 1904 йил 16 майда туғилган. Уни 1938 йил 9 майда отиб ташлашган. Шу боисдан май оиламиз учун алоҳида ой ҳисобланади.

Кези келганда отамнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тадқиқ этиш ва ёритишда хизмат кўрсатган кишиларни алоҳида миннатдорчилик билан тилга олгим келади. Отам ҳақидаги дастлабки илиқ гапларни 60-йилларда таниқли олим Иззат Султон айтган эди. Уша даврда бу жасорат ҳисобланарди. Ундан кейин Озод Шарафиддинов, Лазиз Азиззода, Маҳмудали Юнусов, Норбой Худойберганов, Аҳмад Алиев, Салоҳиддин Мамажонов каби олимлар ўз китоблари ва мақолаларида Боту ҳақида ижобий фикрлар билдиришди. Тадқиқотчи Люция Басирова архивлардаги материалларни ўрганди. Бироқ 70-йиллар охирига қадар Боту ижоди атрофлича тадқиқ этилмай қолаверди. Бу ишга таниқли ношир ва олим Бобоҳон Шариф 70-йиллар охирида киришди. У архивларда бўлиб, бор материалларни ўрганди, Ботуни кўрган-билган одамлар билан суҳбатлашди. Сўнг қаторасига бир қанча мақолалар ва рисоалар чоп этиб, Ботунинг ўзбек адабиётида тутган ўрнини

холис ёритди. Истиқлолдан сўнг бу масалага мустақиллик мафкураси нуқтаи назаридан ёндашиб, кўплаб мақолалар ёзди. Унинг тадқиқотларида Боту ижоди ва ҳаёти чуқур ва кенг ёритилган, деб ўйлайман. Умуман, отамнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида холис фикрлар айтган, китоб ва мақолалар чоп этган барча олимлару тадқиқотчиларга, хотира кунларини ўтказишда бош-қош бўлган ташкилотчиларга яна бир карра миннатдорчилик билдирмоқчиман. Бу хайрли ишларда жуда кўп инсонлар жонкуярлик кўрсатишди. Уларнинг меҳнатини қанча эъзозласам, шунча оз. Ботунинг 100 йиллигини ташкил этиш ва ўтказишда ҳам кўплар менга ҳамнафас ва ҳамқадам бўлишди.

Отам ҳақидаги архив материалларини, ёзувларни, Соловец оролларида юборилган мактубларни, фотосуратларни, Боту ижод қилган асарларни, хуллас, Боту ҳаёти ва ижодига оид маълумотларни йиғдик. Афсуски, бундай материаллар жуда оз эди. Чунки ўша вақтларда отамнинг ёзган нарсалари, ҳужжатлари мусодара этилиб, йўқ қилинган. Соловец оролларида 1936 йилгача отамдан мактублар келиб турарди. Мактубларда отам бизга ҳалол, меҳнатсевар, ватанпарвар бўлишни уқтирарди. Кўп китоб ўқишни маслаҳат берарди. Мактубларни 1941 йилгача, яъни НКВД онамни қамаб, мусодара қилгунга қадар сақлаган эдим. Бу мактубларни профессор Бобоҳон Шариф «Туркистон», «Голос Узбекистана» газеталарида чоп этиб, шарҳлади.

«Шаҳидлар хотираси» жамғармаси раҳбари Н.Каримов раҳбарлигида унинг шеърлари тўпланиб, чоп этилди. Олий ўқув юртлири, маҳаллалар, мактабларда учрашувлар ўтказилди. Тошкентдаги 260-мактаб, Кўкча маҳалласидаги бир кўча бугунги кунда Боту номи билан аталмоқда. Бу даргоҳларда ҳам ёзувчилар, олимлар, жамоатчилик иштирокида йиғилишлар бўлиб ўтди. Юбилей тантаналари Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтди. Йиғилишда сўзга чиққан Абдулла Орипов ва бошқалар Боту ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзлаб, унга катта баҳо беришди. Президент девонининг вакили Боту 20-йилларда энг машҳур шахслардан бири бўлганлигини таъкидлаб, у ўзбек халқи ҳаёти ва бахти учун курашган катта жамоат арбоби, шоир эканлигини айтиб, унинг хотираси абадий яшашини қайд қилди. Йиғилишда сўзга чиққан бир кекса ўқитувчининг сўзлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. У отам билан сургунда танишган, қамоқ азобларини бирга тортган. У сўзлар



экан, кўпчиликнинг кўзлари ёшланганини кўрдим. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни томонидан чоп этилган китоб юбилей тантаналари вақтида тарқатилди. Бу китоб Ботунинг ижодий ва сиёсий фаолиятини кенг ёритади.

Неварам Шаҳнозанинг номзодлик диссертациясини ёқлагани йилнинг энг қувончли воқеаларидан бўлди. А психатрия соҳаси бўйича аспирантурани тамомлаб, номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Ҳимояда соҳанинг таниқли олимлари, невропатологлар, қариндошлар ва дўстлар иштирок этишди. Айниқса, қизим Дилбарнинг боши осмонда эди. Қизининг муваффақиятини кўриш ва қувониш она учун нақадар катта бахт! Ҳар бир онага шундай бахт насиб этишини дилдан истайман. Оналар Оллоҳнинг паноҳида бўлсин, илоҳим. Ҳимоя юксак савияда ўтди. Шаҳноза дадил маъруза қилди, саволларга аниқ ва лўнда жавоб қайтарди. Илмий кенгаш аъзолари яқдиллик билан юз фойиз овоз беришди. 2004 йил декабрда у дипломини олди ва ҳаммамиз яна бир кара қувондик.

Дилбарнинг ўғли Азизнинг уйланиши ҳам ўша йилги муҳим воқеа бўлди. У Нилуфар исмли гўзал, оқила, хушфеъл қизга уйланди. Келинимиз ўшанда Халқ хўжалиги университетининг охириги босқичида ўқиётган эди. Тўйдан олдин келин-куёв қаерда яшаши масаласи ўртага кўйилди. Биз яшаётган хона анча торлик қилиб қолаётгани учун уни сотиб, ёшларга алоҳида уй олиб беришга қарор қилдим. Кўп елиб-югуришлардан сўнг, марказдаги уйни сотиб, ёшларга алоҳида, ўзимга алоҳида уй сотиб олдим. Бу қийинчиликларни энди бартараф қилдик деганимизда бошимга кулфат тушди. Бу ҳақда ёзишим жуда оғир. Лекин ёзмасликнинг ҳам иложи йўқ.

Қизим Дилбар қаттиқ касал бўлиб қолди. У касаллик хуружларига мардонавор дош берди. Дилбар йиғлагани ҳам йўқ, ҳеч кимга шикоят ҳам қилмади, ишонч билан яшади. Шифокорлар ҳузурида даволангиси келмаганидан, табиий ўтлардан тайёрланган дори-дармон ичди. 2004 йил августда Азизнинг тўйи бўлиб ўтганидан кейин кўп ўтмай унинг аҳволи оғирлаша бошлади. Октябрь охирида мен қизимни уйга олиб келдим ва Шаҳноза билан бирга парвариш қилдим. Дилбарнинг кўз ўнгимда озиб-тўзиб, сўлиб бораётганидан ичим ғам-ғуссага тўларди. Бироқ бандасининг қўлидан нима ҳам келарди. Дилбарни кўриш учун ҳар куни Пўлат, Дилноза, Азиз, Парвиз, Ўктам келиб туришарди.

Ноябрда Дилбарни шифохонага ётқиздик. Текширувлар унинг кўкрак беzi, ўпкаси ва жигари қаттиқ хасталанганлигини, яъни рак эканлигини кўрсатди. Мени қамраб олган гам-гуссани таъриф этиш учун қалам ожиз. Қизимнинг аҳволини яхшилаш учун қилмаган ишим қолмади. Дилбар ҳайратда қоларли даражада матонатли эди. У оғриқларга чидам билан бардош берди, фақат ҳаво этишмаётганлиги ва бел оғригидан шикоят қиларди, холос. 10 кундан сўнг уйга қайтиб келдик. Шаҳноза билан икковимиз ҳарчанд уринмайлик, у кундан-кунга заифлаша борди. Иштаҳаси йўқолди. Энди у юра олмай ҳам қолди. Қизимни аравачага солиб, айлантиргани олиб чиқар эдим.

Бир куни Азиз бу касалликни қандайдир ўтлардан тайёрланган дори билан даволаш мумкинлиги ҳақидаги бир китобни топиб келди. Чиқмаган жондан умид, дейишади. Азиз қаерлардандир бу ўтларни сотиб олиб келди. Улардан тайёрланган дорини Дилбарга ичирар ва ҳаммамиз унинг соғайиб кетишидан умидвор эдик. Табиблардан бири тоғларга бориб, кўлвор илонни топиб келиш, уни қайнатиб, шўрвасини ичириш ва гўштини едиришни тавсия қилди. Умар аканинг дўстининг ўғли Сайёр илон топиб келди. Шўрва тайёрладик. Бироқ Дилбар фақат кичкинагина бир бўлак гўштни еди, шўрвасидан уч-тўрт қошиқ ичди, холос. 1 декабрь эди. Оғир аҳволда ётган қизим мендан ёнига ётишимни илтимос қилди. У мени қаттиқ кучди. Бир соатча шу аҳволда қимирламай ётдик. Билишимча, қизим мен билан ана шундай видолашган экан, сўнг Дилбар ўзини мен ётадиган диванга ётқизишимизни илтимос қилди. Тун ярмида Дилбар сув сўради, сўнг уйқуси келаётганини айтди. Кейинги вақтларда у уйқусизликка мубтало бўлган эди. Шу бои суйқуси келганидан хурсанд ҳам бўлдим. «Ойижон, энди сиз ҳам ухланг, кейинги пайтда қаттиқ чарчадингиз. Менинг ҳам уйқум келаяпти», деди у. Шаҳноза онасини уқалаб қўйгач, ухлаш учун қўшни хонага чиқиб кетди. Мен бўлсам Дилбарнинг кроватига чўзилдим. Дилбар мен ухлайдиган диванда ётар эди. У тинчгина уйқуга кетди. Нафас олиши равон эди. Кўзим бир оз илингандай бўлди. Тунги соат учларда чўчиб уйғондим. Сакраб туриб, Дилбарнинг устига бордим, қарасам кўзлари юмуқ, лаблари сал очиқ, бироқ нафас олмас эди. Мен унинг қўлларини, бошини ушлаб кўрдим. Улар ҳали илиқ эди. Беихтиёр бақариб юбордим: «Шаҳноза, ойинг

нафас олмаяпти!» Шаҳноза югуриб келиб, онасини силкий бошлади. Бироқ Дилбар жонсиз эди.

Дарров Пўлат, Ўктам ва Азизга телефон қилдим. Ярим соат ўтмай етиб келишди. «Тез ёрдам»дан келган шифокор Дилбарнинг вафот этганлигини тасдиқлади. Бу лаҳзаларда унинг қариндошлари, болалари қандай қайғуга тушганлигини тасвирлаб бера олмайман.

Дилбар бутун умри бўйи, ҳатто, хасталик чоғларида ҳам кимнидир хафа қилишдан чўчир эди. Жони узилишини била туриб, ҳеч кимни безовта қилгиси келмади. У мусичадай беозор ҳолатда оламдан ўтди. Дилбарни «Минор» қабристонига, отасининг ёнига дафн этдик. Сўнг уни хотирлаш маросимлари ўтказилди. Таъзияга жуда кўп одамлар келди. Ҳатто, 15-20 йилдан бери кўришмаган яқинларимиз ҳам келиб, ҳамдардлик билдиришди. Бу ҳамдардлик бир оз тасалли бўлса-да, юрагимда қайғу-ҳасрат абадий қолди. Гарчи, атрофдагилар билан доимо табассум билан сўзлашсам-да, ичимни чироқ ёқса ёришмайди. Шафқатсиз ўлим юрагимнинг ярмини юлиб кетди. Дилбарнинг ҳамкасблари у ҳақда қуйидагича таъзиянома ёзиб келишди.

### Ҳамкасбимиз хотирасига

**Сиздай одамнинг борлигига шукур!**

2004 йил 2 декабрь куни шол касаллиги билан оғриган ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам Жамоатчилик маркази раиси Дилбар Курбонова вафот этди. Бу гўзал, ишчан аёлни таниган-билган кишилар унинг энди йўқлигига ҳеч ишона олмайдилар. Дилбар билан видолашар эканмиз: «Сиздай одамнинг бор бўлганига шукур, чунки сиз кўп кишиларга соғлигини тиклашда ва бахтли бўлишларида ёрдам бердингиз», деймиз.

Дилбар Умаровна Курбонова 1953 йил 16 июнда Самарқанд вилоятининг Ургут туманида шифокор оиласида туғилди. Ота-онасининг йўлидан бориб. 1970 йилда Тошкент Давлат медицина институтига ўқишга кирди. Уни 1976 йилда битиргач, институтдаги болалар неврологияси кафедрасида клиник ординатор бўлиб ишлади. 1977 йилдан 1984 йилгача Дилбар Умаровна Республика болалар психо-неврология касалхонасида поликлиника бўлими мудури бўлиб ишлади. Бу касалхонани унинг отаси Умар Курбонович Курбонов қурган

ва ташкил этган эди. Эндиликда бу касалхона унинг номи билан аталмоқда.

1984 йилдан 1993 йилгача Дилбар Умаровна И.А.Семашко номидаги илмий тадқиқот институти илмий бўлимига мудирлик қилди, 1982 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади. У 120 дан ортиқ илмий иш, битта монография, 2 та ўқув қўлланма, 12 та услубий тавсия, 8 та кашфиёт муаллифидир. 4 та кашфиёти учун Дилбар Умаровна 1999 йилда Фан ва техника давлат қўмитасининг «Йилнинг энг яхши кашфиёти» мукофоти ва дипломи билан тақдирланди. Унинг ишлари жисмоний ва руҳий хаста болаларни даволашнинг янги, оригинал услубиётига бағишланди.

1993 йилда Дилбар Умаровна «Умид – Умр» ногиронларни даволаш тиббиёт марказини очди ва 1998 йилгача унинг директори бўлди. Ҳар йили Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан келган 700 га яқин бола ва ўсмир бу марказда соғлигини тикловчи ёрдам олди. Ота-оналар ва болалар марказдаги хизмат кўрсатиш сифатидан ҳар доим мамнун эди. Марказ ҳақидаги маълумот халқаро ташкилотлар ва жамғармаларга ҳам бориб етди. Улар марказни замонавий жонлантириш ускуналари билан жиҳозлашда катта ёрдам бердилар. 1998 йилда Ўзбекистонга расмий ташриф буюрган Хиллари Клинтон марказни <sup>ташриф</sup> кўрди. У марказ иши, ходимлари билан танишди ва жуда мамнун бўлди. Кўп ўтмай, Америкадан, Хиллари Клинтондан инсонпарварлик ёрдами, кўпгина мебеллар, жонлантириш ускуналари, болаларнинг ақлий қобилиятини ўстирадиган ўйинчоқлар, хуллас, марказ фаолиятини яхшилашга зарур нарсалар келди. 1998 йилдан 2000 йилгача Дилбар Умаровна «Умид – Умр»да бош мутахассис бўлиб ишлади.

2000 йилнинг апрелида Дилбар Умаровна ташкилий гуруҳни уюштириб, шол касаллиги оқибатида ногирон бўлиб қолган болалар ва ўсмирларга ёрдам берувчи «Умр» жамоатчилик марказини очди. Умумий йиғилишда у бошқарув раиси этиб сайланди. Айни чоғда у «Умид – Умр»да бош мутахассис сифатида болалар ва ўсмирларни даволашда давом этди. У Фарғона водийси, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида 7 та дастлабки тиббий-ижтимоий жонлантириш пунктларини очди. Улар ҳозир ҳам ишлаб турибди. Дилбар Умаровна ота-оналар учун болаларни уй шароитида жонлантириш ва парваришlashга доир 100 дан ортиқ семинар

ўтказди, Ўзбекистоннинг турли минтақаларидаги болалар, ўсмир ногиронлар ва уларнинг ота-оналарига кўплаб тиббий маслаҳатлар берди.

Дилбар Умаровнанинг ниятлари, амалга оширмоқчи бўлган ишлари кўп эди. Бевақт ўлим туфайли у бу ишларни амалга оширолмади. Унинг ёрдамини олган барча кишилар уни ҳамиша миннатдорчилик билан эслайдилар. У ҳар доим оқкўнгил, ҳалол, хушфёъл, хушчақчақ, беғараз, жонкуяр ва ўз ишига содиқ Инсон сифатида қалбимизда қолади.

### Дилбар Курбонованинг ҳамкасблари

Энг азиз инсон бўлган қизимнинг вафотига қарамай мен ҳамон ишлашда давом этмоқдаман ва қизимнинг болалари онасининг йўқлигини ҳис этмасликлари учун кўлимдан келган барча ишларни қилмоқдаман.

Бироқ, хайриятки, мен ёлғиз эмасман. Ўғлим, невараларим, чевараларим, амакиваччаларим, жиянларим, Худоба шукурки, бор.

Сиддиқ амакимнинг 5 фарзанди – Ҳаммаджон, Ҳоқон, Нилуфар, Тулифар ва Маҳмуд бор.

Юнус амакимнинг ҳам 5 фарзанди – Бахтиёр, Дилором, Гулора, Холида ва Баҳодир бор.

Хайри холамнинг 3 қизи – Ноила, Ноиба, Назира бор.

Ҳамид амакимнинг 2 ўғли бор.

Эркили акамнинг 2 ўғли – Валик ва Алиш бор.

Бу қариндошларимнинг ёнида ўзимни ҳеч қачон ёлғиз ҳис қилмайман. Улар ҳар доим мени кўллаб-қувватлашга, ёрдам беришга шайлар. Бундан ортиқ бахт борми? Ҳаётда ёлғиз, суянчиқсиз қолишдан Худонинг ўзи асрасин!

2007 йилгача бўлган ҳаётим манна шундай кечди.

Ҳар қандай хотирани ёзганда такрорлар, узуқ-юлуқликлар бўлиши табиий. Бу хотираларимда ҳам шундай ҳолатлар борлиги учун азиз китобхондан яна бир бор узр сўрайман. Юқорида жондан азиз фарзандларим Дилбар билан Ўктамнинг ҳаёти ҳақида ёзиб ўтгандим. Бироқ, назаримда, такрор бўлса-да, уларнинг ҳаётини бир мунча батафсилроқ ёритмоқчиман. Гапни қизим Дилбарнинг ҳаётидан бошлайман.

## ФАРЗАНДИМ – ДИЛБАНДИМ

Дилбар, юқорида айтиб ўтганимдек, 1953 йил 16 июнда туғилди. У туғилишига яқин, биринчи фарзанд туғаётганимни ўйлаб, Ургутдан Тошкентга келдим ва Сиддиқ амакимникида яшай бошладим. Бундан ярим йил илгари, 1953 йил 2 январда бувим вафот қилган эдилар. У янги йилни мен билан бирга кутишни ният қилганди, бироқ иш туфайли Тошкентга бора олмагандим. Бувимни телеграмма орқали табриклай олдим, холос. Айтишларича, бувим мени кўзи тўрт бўлиб кутган. Ўлими олдидан: «Наимани ва унинг биринчи фарзандини кўролмай кетаётганимдан армондаман», деган экан бувим. Бувимни кўролмай қолганим, армонини ушата олмаганим менинг кўнглимда ҳам бир умр армон бўлиб қолди. Бувимнинг вафоти ҳақидаги хабар келиши биланоқ, тезда Тошкентга етиб бордим. Бироқ жанозага улгурмадим. Уйга борганимда одамлар қабристондан қайтишаётган экан. Анчагача ўзимга кела олмадим.

Ҳомиладорлигимдан бувимнинг хабари бор эди. 1952 йил октябрда Умар билан Тошкентга келганимизда у билан узоқ суҳбатлашган, дардлашган эдик. Ўшанда у туғилажак фарзандимни қандай парваришлаш, тарбиялаш кераклиги ҳақида маслаҳатлар берган, ўзимни аяшим кераклигини уқтирган эди. Бувимнинг меҳрибончилигини кўрган Умарнинг меҳри жуда ийиб кетгани эсимда. Ўша вақтлардаёқ бувим ўзини бир оз ёмон ҳис қилаётган эди. У буни билдирмасликка уринса-да, сезган эдим. Ҳар сафар бирор иш билан шаҳарга чиқиб қайтиб келганимда бувим илиниб кўйган бирон ширинликни дарров оғзимга тутар эди. Буни кўрган Умар кулиб кўяр ва сўрарди:

- Менга-чи, менга йўқми?

- Наима заифгина бўлса, бунинг устига оғирроқ бўлса, унга дармон кўпроқ керак, - дерди бувим бир оз хижолат бўлиб.

Умар ҳеч ҳам хафа бўлмас, аксинча, бувимнинг мени бунчалик яхши кўришидан мамнун бўлар эди.

15 июнь куни оғриқ бошланди, лекин билдирмасликка ҳаракат қилдим. Амакиваччаларим 10 ёшли Ҳаммаджон билан 8 ёшли Ўмир атрофимда гирдикапалак бўлиб, эртақ айтиб беришимни сўрашарди. Гоҳо ўзим тўқиган эртақларни айтиб берардим. Улар эртақни жуда яхши кўришарди. Эртаси куни

эртак айтаётганимда бирдан тўлғоқ тутди. Муборак келинойи Сиддиқ акага зудлик билан хабар берди. Мени ТошМИнинг туғруқхонасига олиб боришди. Тўлғоқ тонггача давом этди ва қизча туғилиб, ўша заҳотиёқ қичқириб йиғлади. Чақалоқ 3 кг эди. Хабарни эшитган Умар қанот боғлаб Ургутдан етиб келди. Кечки пайт у каттакон гулдаста билан кириб келди. Қизи туғилганидан боши осмонда эди. Умар қизимизга Дилбар деб исм қўйди. Беш кундан кейин туғруқхонадан чиқиб, Сиддиқ амакимникида яшай бошладим.

Сиддиқ амакимникида яшаган даврда Дилбарнинг соғлиги учун икки марта қаттиқ кўрққанман. Биринчи воқеа киндик тушиши билан боғлиқ эди. Дилбарнинг киндиги ҳа деганда тушавермади. Ўшанда менинг ва Дилбарнинг ҳарорати кўтарилиб кетди ва ҳадеганда тушмади. Киндик тушган заҳотиёқ менинг ҳам, Дилбарнинг ҳам ҳарорати жойига келди.

Иккинчи воқеа бўлса, кўлимда чақалоқни ушлаб ҳовлидаги ёғоч кроват зинасидан тушаётганимда қоқилишим билан боғлиқ бўлди. Қоқилиб йиқилар эканман, Парвардигорнинг ўзи кўллади шекилли, қандайдир бурилиб ерга елкам билан йиқилдим. Дилбарга ҳеч нарса бўлгани йўқ. Менинг елкам анчагача оғриб юрди. Сиддиқ амакимникида Дилбарнинг чилласи чиққунга қадар, яъни қирқ кун яшадик. Кейин Умар Муборак опа ва Хайри опа билан биргаликда мени Ургутга олиб борди.

Ургутга қайтгач бир неча кундан кейин ишга чиқдим. Дилбарга энагаси Рая қараб тутар эди. Дилбар соғлом ўсди. 10 ойлик бўлганида ўзидан-ўзи юриб кетди, «дада», «ойи», «бер» дейдиган бўлди. Дилбар «Альфа» лақабли итимизни жуда яхши кўрарди. У итнинг орқасидан чопиб юрар, «Афа, афа» деб чақирар эди. Касалхона ходимлари Дилбарни яхши кўришарди. Яхши кўрмай ҳам бўладими?! Дўмбоққина, оппоққина, доим шўх-шодон бу қизча ким чақирса югуриб борар ва қучиб олар эди. Икки ёшдан ошгандан кейин у тез-тез томоқ оғриғи билан хасталана бошлади. Ўзини сал ёмон ҳис қилди дегунча, мен дугонам, тажрибали шифокор Роза Мухлисовнани чақирардим. Роза Мухлисовна Дилбар яхши бўлгунга қадар бизникида қоларди. Дилбар ёшлиқ чоғларида чечак ва қоқшол касаллиги билан оғриди. Кейин у ҳеч қачон касал бўлмади.

5 ёшга кирганида Самарқандга кўчдик. Дилбар боғчага қатнай бошлади. У тезда ўқиш-ёзишни ҳам ўрганиб олди. 7 ёшида қизим мактабга борди. Унинг тез ўқиши, ёзиши ва

ҳисоблашини Самарқандда у 3-синфни битирди. Тошкентга кўчиб келганимиздан сўнг Чилонзордаги 103-мактабни битирди. Мактабда ўқиган йилларида у доим синфбоши бўлди. Оталар йиғилишига бориш менга хуш ёқарди. Чунки ўқитувчилар доим қизимни мақташарди. Дилбар мақтовларга қарамасдан, доим камтар, барчага хушмуомала эди. У ҳеч қачон ҳеч ким билан жанжаллашмасди. Шунинг учун ўқитувчилар уни ҳурмат қилишарди. 10 ёшга тўлганида Дилбарни ёзги таътил вақтида дам олиш учун Артекка юбордик. Дилбар у ерда хориждан келган кўп қизлар билан танишди ва улар билан узоқ вақт давомида хат ёзишиб юрди. Артекка бориш унинг учун жуда фойдали бўлди. Дилбар чиниқди, ўзига ишончи ортди. Қизимнинг дугоналари кўп эди. Улар кўпинча бизникига келиб, бирга дарс тайёрлашар, кейин бирга кино, театрларга боришар эди. Ёшлари бир оз улғайгач, бадий театр, опера ва балет театрларига борадиган бўлишди. Қизимнинг қизиқувчанлиги мени хурсанд қиларди. Мактабни аъло тамомлагач, Дилбар 1971 йилда ТошМИга имтиҳонсиз қабул қилинди.

ТошМИда аъло ўқиди. Институтни 1976 йилда имтиёзли диплом билан тугатди. Бу вақтда Умар Республика болалар психо-неврология диспансерида бош шифокор бўлиб ишларди. Дилбар кўпинча диспансерга бориб, бўлимларни айланар, ҳамшираларга ёрдам берар, церебрал шол касали билан оғриган болаларни парвариш қилар эди. Бу болаларнинг аҳволини кўрган Дилбар уларни даволаш мақсадида невропатолог бўлишга узил-кесил қарор қилди. 3-курсда ўқиётган пайтда Умар уни турмушга чиқаришга қарор қилди. Умарнинг дўсти, ТошМИ кафедра мудири, профессор Раҳим Худойбердиевнинг ўғли Мурод Худойбердиев кўпдан бери унинг кўлини сўрарди. Раҳим Худойбердиев бизникига бир неча бор совчиликка келди. Охири Умар розилик билдирди. Отаси бу ҳақда Дилбарга айтганида, гарчи у Муродни яхши танимаса-да, отасининг сўзини икки қилмади.

Унаштирганимиздан сўнг курсдошларидан бири Дилбарга телефон қилиб, учрашувга чиқишни илтимос қилган. Гарчи бу йигит қизимга жуда ёқса-да, у энди кеч бўлганлигини, унаштирилганлигини айтган. Йигит хафа бўлиб, кечирим сўраган. Бундан хабар топгач, ҳайратга тушдим. Зеро қизим ўз ҳаётининг энг масъулиятли чоғида ҳам ўзини эмас, отасининг



обрўсини ўйлаган эди! Бир неча кундан кейин бу йигитнинг онаси билан тасодифан учрашиб қолдим. Уни яхши танирдим. Аёл бир оз таъна ҳам қилди, оиласидагиларнинг ҳаммаси қаттиқ афсусланганлигини айтди. Тўй бўлиб ўтгандан кейин Дилбар Худойбердиевларникида яшай бошлади. Муроднинг ота-онаси Дилбарни яхши кўришарди. Бир йилдан сўнг, 1974 йил 27 октябрда Дилбар фарзанд кўрди. Қизига Шаҳноза деб исм қўйишди. У отаси Муродга жуда ўхшар эди. Яна икки йилу тўрт ойдан сўнг, 1977 йил 8 февралда ўғли Азиз туғилди. Муроднинг онасининг исми Азиза бўлгани учун Дилбар ўғлига ана шундай исм қўйди.

Дилбар айна чоғда ҳам ўқир, ҳам болаларни тарбия қилар, ҳам уй-рўзғорга қарар эди. Ёш келинчак учун бу иш осон эмасди. Шунинг учун мен ва ўғлим Ўктам унга ёрдам бериб турардик. 1976 йилда Дилбар уч хонали уйга кўчиб ўтди ва улар мустақил яшай бошлашди.

Турмушга чиққан биринчи кунлардан бошлабоқ Мурод Дилбарни яхши кўришини таъкидласа-да, унга нисбатан кўпол муносабатда бўлди. Арзимаган нарса устида улар тез-тез жанжаллашиб туришарди. Чидай олмаган Дилбар ундан ажралишга қарор қилди. Умар, гарчи бир оз феодал қарашлар тарафдори ва ажралишга қарши бўлса-да, бу ҳолатда бошқача иш тутди. У фақат ажралишга рози бўлибгина қолмай, буни талаб ҳам қилди. 1979 йилнинг бошида қизим эри билан ажрашди. Шундан кейин у бизникига кўчиб келди. Бу вақтда қизим институтни битириб, асаб касалликлари клиникаси аспирантурасига ўқишга кирган эди. Ҳам ўқиш, ҳам болалар тарбияси билан шуғулланиш қийин бўлгани учун, у сиртдан ўқишга қарор қилди. Дилбар Республика психоневрология диспансерининг поликлиника бўлими мудирини бўлиб ишлай бошлади. У церебрал шол касаллиги билан оғриган болаларга жуда ёрдам бергиси келарди.

Диспансерда ишлайдиган шифокорлардан бири 1979 йил май ойида Дилбарни электрик-инженер бўлиб ишлайдиган жияни Пўлат билан таништирган. Ўша вақтда бева бўлган Пўлат Душанбада ишлар эди. Унинг вафот этган хотинидан 6 яшар Темур исмли ўғли бор эди. Дилбарнинг тақдиридан бохабар бўлган ҳамкасби унга раҳми келиб, тезроқ оилали бўлишини истагани учун ўртага тушган. Пўлат билан Дилбар бир-бирига ёқиб қолган ва улар икки ой мобайнида учрашиб юришди. Июнь ойида уларнинг тўйи бўлиб ўтди. Тўйдан кейин

ёшлар Ленинград пансионатларидан бирида асал ойини ўтказишди. Қайтиб келишгач, улар Тошкентдаги Марказий универмаг яқинидаги икки хонали уйда яшай бошлашди. 1980 йил 27 мартда уларнинг Дилноза исмли қизи туғилди. Шундан кейин Умар Шаҳноза ва Азизни ўз тарбиясига олишга қарор қилди. Набираларимиз бизникида яшай бошлашди.

1982 йилда Дилбар церебрал-шол касали билан оғриган болаларни даволаш мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади. Ҳимоядан сўнг уни Семашко номидаги физиотерапия ва курортшунослик илмий-тадқиқот институти болалар асаб касалликлари бўлимига ишга олишди. Бу бўлимга мудирлик қилган йиллари Дилбар жуда кўп хаста болаларни даволади. Ана шундай касаллик билан оғриган болаларни даволаш ва соғлигини тиклаш услубиёти бўйича 5 та кашфиёт қилди ва патент олди. Бундан ташқари у 10 та услубий тавсия ишлаб чиқди. Бу касаллик билан оғриган болаларни ва катталарни даволаш учун Дилбар тиббий марказ очишга қарор қилди. Чунки Республика диспансерига фақат 14 ёшгача бўлган болалар қабул қилинади. Дилбар очмоқчи бўлган нодавлат марказида бўлса болалар ҳам, 40 ёшгача бўлган катталар ҳам даволаниши кўзда тутилган эди.

Марказни ташкил қилиш учун Дилбар машинасозлик ва электроника касаба уюшмалари марказқўмига мурожаат қилиб, Ўзбекэлектроаппарат заводининг Сергели туманида жойлашган санаторий-профилакторийсини ажратишларини илтимос қилди. Бу касаба уюшмалари президиумининг қарори билан корхонанинг тўрт қаватли ётоқхонасида жойлашган хоналар марказга берилди. Дилбар марказни ташкил этиш, ишини йўлга қўйиш учун кўп куч-ғайрат сарфлади ва кўп нарсага эришди. «Наврўз», «Экосан», «Болалар жамғармаси», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Қизил ярим ой» жамияти ва бошқа ташкилотлар марказни ташкил этиш учун пул маблағлари, анжомлар ажратдилар.

Марказни очиш учун биринчи маблағ Дилбарнинг эри Пўлат Раҳматов бошқараётган «Солнцезащита» заводи томонидан ажратилди. Дилбар 1991 йил 1 июнда, яъни Болаларни ҳимоя қилиш кунида тўртинчи фарзанди – Парвизни туғди. Болали бўлишига қарамай, қизим ўз режаларини амалга оширишда давом этди. Елиб-югуришлар натижасида Дилбар марказни очиш учун маблағ тўплашга муваффақ бўлди ва Соғлиқни сақлаш вазирлигидан тегишли

рухсатномани олди. 1993 йил охирида очилган Марказ «Умид» деб атала бошланди, кейинчалик у «Умид-Умр» маркази деб атала бошланди. Муассасанинг очилишида туман ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, касаба уюшмалари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди. Тантанали йиғилиш қатнашчилари Дилбар Умаровна ногирон болаларни даволашдек ниҳоятда хайрли ишга қўл урганини таъкидлашди. Марказ бундай касаллик билан оғриган болаларни даволашнигина эмас, балки энг аввало, жонлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бунинг учун Дилбар ишлаб чиққан услуб асосида турли даволаш-жонлантириш муолижалари олиб борилад эди. Тарбия ишига катта аҳамият бериларди. Шуниси борки, муолижалар ота-оналарнинг кўз ўнгида амалга ошириларди. Ота-оналар боласининг қандай даволанаётганини кўрибгина қолмай, даволашда ўзлари ҳам фаол иштирок этишарди. Болаларга ўз-ўзига хизмат қилиш, ўзини идора қилиш малакаси ўргатилад, сўнг сўзлаш, ўқиш, ёзиш, расм чизиш, бичиш-тикиш, суратга олиш, чилангарлик, ҳатто, компьютерда ишлаш ўргатиладди. Бемор болалар «Умид-Умр»да 14 кун даволанар, сўнг ҳам йил давомида ҳар 3-6 ойда бир марта келиб, муолижа олишарди. Болани олиб кетишидан олдин Дилбар Умаровна унинг онасига муолижалар орасида нималарга эътибор бериши кераклигини батафсил тушунтирарди. Даволаш ишини Марказда ва уйда узлуксиз қўшиб олиб бориш катта самара берарди. Кўп беморлар 2-3 йилдан кейин оёққа туриб кетар, буро-бурро сўзлай бошлар, ўзини ўзи эплар, ҳатто, айрим ишлаб чиқариш топшириқларини ҳам бажара оларди. Албатта, ҳамма болалар ҳам бирданига бунга эриша олмасди. Баъзилар учун анча вақт керак бўларди. Бироқ ота-она ва Дилбарнинг қатъияти, эринмай даволаши ҳар доим ижобий натижа берарди. «Даволаб бўлмайдиган болалар бўлмайдди, - дерди Дилбар.- Фақат ҳар томонлама, мақсадни кўзлаган ҳолда, қатъият билан муолажа қилиш керак. Бемор ўзининг жамиятга кераклигини ҳис қилса, албатта, тузалиб кетади. Бу эса, кўп жиҳатдан, уларнинг ўзига боғлиқ». Дилбар қизимнинг қатъияти, матонати, меҳнатсеварлиги бу хайрли фаолиятида унга қўл келди.

Мазкур муаммо билан фақат Дилбар шуғулланди, дейишим унчалик тўғри бўлмас. Чунки ўша вақтда церебрал шол болалар муаммоси кўпчиликни ташвишлантирар ва кўплар бу муаммо устида бош қотираётган эди. Дилбарнинг

ўзига хос томони шунда бўлдики, у қилаётган ишининг хайрли ва зарур эканига дилдан ишонар, бемор болаларни жамиятга қайтариш учун тиним билмай ишлар эди. Дилбар шу туфайли республикадагина эмас, ундан ташқарида ҳам яхши ном қозонди.

Ўзбекистоннинг кўпгина жамоат ташкилотлари, Москва, Олмаота, Украина, Қозоғистон, Новосибирск ва бошқа жойлардан бундай касалларни даволаш билан шуғулланадиган кўп шифокорлар Марказ иши билан танишиб, тажриба алмашиб кетдилар.

1995 йилда Англия ташқи ишлар вазирининг рафиқаси Марказни келиб кўриш хоҳишини билдирган. Шунда тўстўпалон бошланиб кетди. Сергели ҳокими, ҳокимлик ходимлари уни кутиб олишга қизгин тайёргарлик кўра бошладилар. Сергели тумани корхоналари, айниқса, «Солнцезащита» ишлаб чиқариш бирлашмаси кўмагида Марказ биноси жорий таъмирланди. Лекин ташқи ишлар вазирининг рафиқаси бу ерга келганида уни биринчи навбатда бинонинг кўриниши эмас, балки даволаш-жонлантириш ишларининг аҳволи қизиқтирди. Чет эллик хоним, айниқса, бемор болаларнинг ота-оналари билан олиб борилаётган ишга, Мантессорий услуби бўйича олиб борилаётган тарбия ишининг аҳволига қизиқди.

Зиёрат сўнггида меҳмон мамнун эканлигини айтиб, Марказ ходимларига ниҳоятда хайрли ва зарур ишларида муваффақият тилади. Бир неча кундан кейин у Англиядан Марказга совға-саломлар ва мактуб юборди. Мактубда Марказ ходимларининг фаолияти унда катта таассурот қолдирганлиги яна бир карра таъкидланган эди.

Бир неча ойдан сўнг мамлакатимизда АҚШ президентининг рафиқаси Хиллари Клинтон меҳмон бўлди. У аёллар ва болалар муаммолари билан шуғулланадиган жамоат ташкилотлари фаолиятига қизиқди. Бундай ташкилот раҳбарларидан олти кишини у «давра столи» атрофидаги суҳбатга таклиф этди. Улар орасида Дилбар ҳам бор эди. Дилбарнинг «Умид-Умр» жонлантириш Маркази ҳақидаги ҳикояси меҳмонни жуда қизиқтириб қўйди ва у Марказни бориб кўрди. Хиллари Америкага қайтгач, кўп ўтмай Марказга инсонпарварлик ёрдами жўнатди. Юк билан келган мактубда Марказ ходимларига хайрли ишлари учун миннатдорчилик сўзлари битилган эди.

Бундан ташқари, Франция, Чехословакия, Руминия, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон сингари мамлакатлардан келган меҳмонлар ҳам Марказ ишига юқори баҳо беришди.

Меҳмонлар Дилбар Умаровнани ногирон болаларни даволаш ва соғлигини тиклашга бағишланган конференцияларга таклиф қилишарди. У Америка, Франция, Янги Зеландия, Германия, Венгрия ва бошқа мамлакатларда бўлиб, тажриба алмашиб қайтди. Дилбар борган жойларида анжуманлардан бўшади деганча, даволаш-жонлантириш ишларининг аҳволи билан танишар, илғор усулларни ўрганиб, ўз фаолиятида жорий этишга интиларди.

У кўпгина мамлакатлардан махсус грантлар олишга муваффақ бўлди. Буларнинг ҳаммасига у таниш-билиш эмас, балки ўз меҳнати билан эришди.

«Умид-Умр»нинг иши ўз маромида давом этар, беморлар бирин-кетин даволаниб қайтиб кетар эдилар. Бироқ бу Дилбарга камлик қилгандай кўринди. Чунки биргина шу муассасанинг ўзи кўп сонли беморларни даволашга ожизлик қиларди. Шу боисдан Дилбар «Умр» деб номланган яна бир ташкилотни очишга қарор қилди. Янги муассасанинг таъсис ҳужжатлари тайёрланди. Уставда «Умр»нинг асосий вазифалари куйидагича кўрсатилган эди:

1. Республика бўйича шол бўлган болалар ва ўсмирларни аниқлаш. Ҳар бир вилоятда Марказнинг бўлимларини ташкил этиш. Бу бўлимларда ногиронлар соғлигини тиклаш, уларни даволаш, тарбиялаш, меҳнат кўникмаларини ўргатиш.
2. Дунёдаги реабилитация марказлари, Ўзбекистоннинг жамоат ташкилотлари билан яқин алоқа ўрнатиш.
3. Бундай хасталик билан оғриган беморларни даволайдиган шифокорлар учун семинарлар, ўқув курслари ташкил этиш ва ҳоказо.

2000 йилда «Умр» расман ташкил этилди ва тўрт йил ичида вилоятларда еттита бўлими очилди. Япония, Чехословакия, Франция мамлакатларининг тегишла марказлари билан ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузилди. Хорижлик ва ўзбекистонлик вакиллар иштирокида тўртта семинар ўтказилди. 500 дан зиёд ногирон болалар ҳисобга олинди. Бўлимлар бу беморларни «Умид-Умр»га жўнатишар, бу ерда улар даволанар эдилар. Дилбар Умаровна бу ташкилотда бош мутахассис сифатида ишлашда давом этди.

Ишлар эндигина йўлга қўйилиб, томир отаётган бир паллада Дилбар тўсатдан вафот этди. Эндиликда у бошлаган хайрли ишларни унинг ҳамкасблари давом эттирмоқдалар.

Дилбарнинг ўн-ўн беш йиллик оилавий ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Унинг ўғли Темур 2004 йилда институтни тамомлади, номзодлик диссертациясини ёқлади. Ҳозир у тери-таносил касалликлари илмий тадқиқот институтида муваффақиятли ишляпти. Темур уйланди, бир қизи ва бир ўғли бор.

Қизи Шаҳноза ҳам институтни битирди, номзодлик диссертациясини ёқлади. Ҳозир у Тошкет Шифокорлар малакасини ошириш институти психатрия кафедрасида ишляпти. У тиббиёт фанлари доктори бўлиш истагида. Шахсий ҳаётда анчагача унинг омади келмади. Бундан қаттиқ ташвишда эдим. Ниҳоят, 2006 йилда у ўз бахтини топди. Яхши, ҳалол ва суюкли инсонга турмушга чиқди. 2007 йил 20 мартда ўғли Алишер туғилди.

Азиз олдин халқ хўжалиги институтини, сўнг магистратурани тамомлади. Мутахассисларни ишга жойлаш агентлиги директори бўлиб ишляпти. Яхши қизга уйланди.

Қизи Дилноза Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини тугатди, халқ хўжалиги университети магистратурасини тамомлади, Миллий банкда ишлади. Турмушга чиққач, эри билан Олмаотага кўчиб кетди. У ерда ҳам банкда бош мутахассис бўлиб ишляпти.

Дилбарнинг ўғли Парвиз 2007 йилда Тошкентдаги 17-мактабни тамомлади ТошПМИ лицейига ўқишга кирди. У келгусида шифокор бўлиб, оиламиз анъанасини давом эттириш ниятида.

Болалари Дилбарнинг жони-дили эди. Ҳар қандай она каби Дилбар ҳам болаларини бахтиёр кўришни хоҳлар эди. Илоҳим, болалари бахтли бўлсин! Куёвим Пўлат билан болаларимиз яхши тарбияланиши ва бахтли бўлишлари учун қўлимиздан келган барча ишларни қиляпмиз. Дилбарнинг руҳи бундан шод бўлишига ишонаман.

## ЎКТАМИМ – КЎЗИМНИНГ ОҚУ ҚОРАСИ

Юқорида айтиб ўтганимдек, Ўктамжон 1955 йил 17 мартда Самарқандда туғилди. Азбаройи иш кўп бўлгани учун то тўлғоқ тутган дақиқага қадар хизмат жойимда эдим. 16 март куни

тўлғоқ бошлангач, дарҳол Самарқандга Саъдулла акага телефон қилдик. У зудлик билан бизга «Волга» машинасини юборди. Машинага ўтириб, Самарқанддаги туғруқхонага йўл олдик. Аксига олиб, машина бузилиб қолди. Ҳа деганда тузалавермагач, йўловчи машина тўхтатишга тўғри келди. Ўша вақтлари Ургутдан Самарқандга борадиган енгил машиналар жуда кам эди. Шу боисдан фақат бир соатдан кейингина машина топишга муваффақ бўлдик. Тўлғоқ азоби бўлса дақиқадан дақиқага кучайиб борарди. Болани йўлда туғиб кўйишдан кўрқар эдим. Худога шукурки, Самарқанд медицина институти гинекология клиникасига етиб олдик. Ҳайратда қоларлиси шундаки, туғруқхонага кирдим дегунча, тўлғоқ дарди камайиб қолди. Бироқ боланинг юрак уриши нормал эди.

Профессор И.З.Зокиров, доцентлар В.Ф.Фарҳодий, М.З.Ҳайитова туғруқни тезлаштирадиган дори беришга қарор қилишди. Бола оёғи билан келаётганини ҳисобга олиб, бу ишни улар эҳтиёткорлик билан амалга оширишди. Эрта тонгдан дард кучайди. Умар ҳар ярим соатда телефон қилиб, аҳволимни суриштириб турди. Боланинг оёқлари чиққан заҳоти Умарга телефон қилиб, фарзанди ўғил эканини айтишди. Бола туғилган заҳоти оёқ-қўллари билан силкиб, йиғлай бошлади. Еттинчи куни биз уйга қайтдик. Умар ўғлига қандай исм кўйишни аллақачон ўйлаб ҳўйган эди. Институтда бирга ўқиган ва ётоқхонада бирга яшаган дўсти Ўктам Орипович шарафига Умар фарзандимизни Ўктам деб аташга қарор қилди. Бу ҳақда дўстига мурожаат қилганида, у жуда хурсанд бўлиб, розилик билдирди. Умар ўз авлодида исмини сақлаб қолишни жуда истар эди. Шу сабабли у Ўктамжонга Умаров фамилиясини берди.

Ўктамжон жуда шўх, чаққон бола бўлиб ўсди. Гўдаклигидаёқ тенгдошлари, гоҳо катта ёшдаги болалар билан уриш-жанжал чиқарарди. Азбаройи қизиқувчанлиги, шўхлигидан у турли кўнгилсиз ҳодисаларга кўп дуч келди. Бир гал ариқда оқиб кетишига, иккинчи гал қудуққа тушиб, чўкиб кетишига сал қолган. Яхшиямки, кўшнилари бор экан, уни қутқариб қолишди. Ургутдан Самарқандга кўчиб келганимизда Ўктамжон 3 ёшда эди. Лекин у каттароқ ёшли болага ўхшар эди. Болалар билан уришар, каттароқлари уни уриб қолгудай бўлса, дарҳол «қайтимини» берарди. У доим ўзига эътибор талаб қилгани-қилган эди. Болалар боғчасига велосипедда

бориб келишни ёқтирарди. Аммо кўп ҳолларда энагаси уни ҳам, велосипедни ҳам кўтарган ҳолда ҳарсиллаб уйга қайтиб келарди. Самарқандда мактабда ўқий бошлади. 1963 йилда Тошкентга кўчиб келганимиздан сўнг Ўктамжонни 103-мактабнинг 2-синфига жойлаштирдик. У яхши ўқиди, айниқса, математикани яхши кўрарди. Мактабни 1969 йилда битирди. У ҳамон шўх ва тўполончилигича қолди. Мактабдан кўпинча у ер бу ери кўкарган ҳолда қайтарди. Нима гап бўлганини суриштирганимизда ёлғонламасдан, тўғриси айтирди. «Оғайнимни уришса мен қараб турайми?» дерди у. Болалар ундан кўрқисарди десак, тўғри бўлмас, уни ҳурмат қилишарди. Ўктамжоннинг дўстлари кўп эди. 7-синфда ўқиб юрган кезлари кечкурун уйга қайтсам, ўғлим дўсти Миша билан бирга ўтирган экан. Миша жуда хафа кўринарди. Маълум бўлдики, Мишани отаси жазолаб, уйдан қувиб юборган. Сабабини айтмади. Ўктам дўстининг бизникида тунашига розилик беришимни илтимос қилди. Чунки боланинг борадиган бошқа жойи йўқ эди. «Оғайнимнинг вокзалда тунашини истамайман», деди Ўктам. Мен рози бўлдим. Умарни ҳам кўндирдим. Ўша кечаси Миша бизникида тунади. Эртасига суриштириб билсак, Миша чека бошлагани учун отаси уни жазолаган экан. Бир неча кундан кейин ота-бола ярашишди ва Миша уйига кетди.

Бундай ҳодисалар кўп бўлган. Ўктам нимадандир ранжиган, хафа бўлган ўртоқларини уйга бошлаб келар, биз бўлсак боланинг ота-онаси билан гаплашиб, уларни яраштирардик. Агар дўстларини мактабда ёки кўчада хафа қилгудай бўлишса, Ўктам ҳар доим уларни ҳимоя қиларди.

Ўктам жониворларни – балиқчалар, қушлар ва итларни яхши кўрарди. Мен унга аквариум балиқлари ва тўтилар сотиб олиб бердим. Уйда ит сақлашни ёқтирмаганим учун ит боқишига рухсат бермадим. Бироқ ҳар сафар ишдан қайтиб келганимда остонамизда қандайдир дайди ит ўтирган бўларди. Оч-наҳор итга раҳми келган Ўктамжон уларни уйга олиб келиб боқарди. Тўтилар масаласида ҳам қизиқ ишлар бўлиб ўтган. Одатда мен бир жуфт эркак ва урғочи тўти сотиб олиб берардим. Негадир доимо бир тўти учиб кетган бўларди. Уларга ем бераётган вақтда қафас эшикчасини ёпиб қўйишни унутишгани учун тўти учиб кетарди. Иккинчи тўти бўлса ҳамгин ўтирарди. Бир куни қарасам Ўктамжон тўтига қараб йиғлаб ўтирибди. У бу тўтига жуда ачинаётганини, шунинг



учун учириб юборишга рухсат беришимни сўрарди. Шундай қилиб иккинчи тўти ҳам озодликка чиқди.

Энди Ўктамжон балиқ боқиш билан шуғуллана бошлади. У турли балиқчаларни олиб келар, оғайнилари билан балиқ алмаштириб, аквариумни янгилар эди. Бир куни хизмат сафарига кетган вақтимда Ўктамжон амакиваччаси Сашанинг ёнига бориб, балиқ алмаштирмоқчи бўлган. Балиқчаларни шиша банкада олиб кетаётиб, ариқдан сакраган вақтида қоқилиб кетиб йиқилган. Банка синиб, Ўктамжоннинг чап чеккасини кесиб юборган. Яра чуқур бўлгани учун уни тикишга тўғри келган.

Сафардан қайтиб келиб не кўз билан кўрайки, Ўктамжоннинг юзида чандиқ бор. Ўктам бўлса жилмайиб: «Ойижон, ҳеч ташвиш қилманг, энди ўғлингизни разведкага ишга олишмайди», деди. Мактабда у тўполончи бўлса-да, ёмон ўқимасди. Бироқ ота-оналар йиғилишига боришни ёқтирмасдим. Чунки, албатта, қайсидир ўқитувчи Ўктамжоннинг тартиббузарлиги тўғрисида шикоят қиларди.

Кўчабезориликдан қайтариш учун Ўктамжонни мусиқа мактабига бердим. У фортепиано чалишни ўргана бошлади. Биз унга ва опаси Дилбарга пианино сотиб олиб бердик. Бироқ кўп ўтмай Ўктамжон мусиқа билан шуғулланишни ташлади. Ўктам ҳам, Дилбар ҳам мусиқа билан шуғулланишгани йўқ. Бу масалада, афтидан, мен етарли даражада қатъият кўрсатмаган бўлсам керак.

Спорт гимнастикаси билан шуғулланиш Ўктамжонни ҳам жисмонан, ҳам руҳан чиниқтирди, иродасини мустаҳкамлади. 10 яшарлик вақтида Иссиққўлда чўкиб кетишига оз қолгач, уни сузиш секциясига топширган эдим. Бироқ Ўктамжон кўп ўтмай спорт гимнастикаси бўлимига ўтди. У қаттиқ шуғулланиб, мусобақаларда олдинги ўринларни эгаллай бошлади, дипломлар эгаси бўлди. Бахтимга, у тажрибали мураббий Талалаевнинг кўлига тушди. Бу мураббий Ўктамжонга спортнигина эмас, балки ҳаёт қонун-қоидаларини ҳам ўргатди. Бир сўз билан айтганда, Талалаев Ўктамжон учун мураббийгина эмас, дўст ҳам бўлиб қолди. Ўктамжон кейинчалик ҳам устози билан алоқасини узмади. Институтда ўқиган йиллари ҳам у устозининг ёнига бориб, маслаҳат олиб тургучи эди. Ўктам отасини қаттиқ яхши кўрар, қулоқ солар эди. Бироқ нимадир унга ёқмаса, отасининг фикрига кўшилмасди.

Мактабни тугатгандан кейин, Ўктамжоннинг медицина институтига киришини хоҳлар эдик. Лекин Ўктам математикани яхши кўргани учун математика ўқитиладиган олий ўқув юртида ўқишини, иқтисодчи бўлишни хоҳлашини айтиб, қаттиқ туриб олди. Умар узоқ қаршилик қилди. Лекин уни кўндиришга муваффақ бўлдим. 1969 йилда Ўктам халқ хўжалиги институтига ўқишга кирди.

Институтда яхши ўқиди. Спорт билан шуғулланишда давом этди. Жамоат ишларида фаол қатнашди. Факультет декани П.Қосимов уни жуда ҳурмат қилар эди. Институтни тугатганидан сўнг, уни аспирантурада олиб қолишмоқчи бўлишди. Лекин Ўктам ишлашни маъқул кўрди. У Иқтисодиёт ва режалаштириш илмий тадқиқот институтида ишлай бошлади. Бир йилдан кейин у мени ҳайратда қолдирди. Бир куни уйга келиб, аспирантурага кирганлигини, Кибернетика институтида ишлайдиган профессор Н.Зиёдуллаевни унинг раҳбари қилиб тайинлашганини айтди. «Ўзбекистон иқтисодиётида тақсимот механизми» мавзусини ҳам тасдиқлатиб улгурибди. Ўктамжон таниш-билиш орқали эмас, ўз кучи ва хоҳишига кўра иш қилишини яна бир марта исботлади. 1982 йилда Ўктамжон номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Аммо анчагача ҳужжатларини Олий аттестация комиссиясига жўнатмади. Ҳужжатларини жўнатмаётганидан жаҳлим чиққанида, ўғлим: «Фан номзоди дипломи мен учун унчалик аҳамиятга эга эмас, масалани ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёни муҳим, мен бу ишнинг уддасидан чиқдим», деди. Отаси билан қаттиқ туриб талаб қилгачгина, у ҳужжатларини жўнатди. Кўп ўтмай иши тасдиқланиб, дипломини олди. Шундан кейин у Кибернетика институтида, сўнг Молия вазирлиги қошидаги ҳисоблаш марказида ишлади. Пировардида тадбиркорлик билан шуғуллана бошлади, Венгрия ва Австралиядан ҳамкорлар топиб, компьютерларни эҳтиёт қисмлар билан жиҳозловчи фирма очди. Сўнг Белоруссия ва Москва тадбиркорлари билан мактаб мебелли тайёрлайдиган кўшма корхона ташкил қилди.

21 ёшга тўлганида отаси Ўктамжонни уйланишга ундай бошлади, лекин у ҳали эрта деб, пайсалга солаверди. Лекин бир куни кечкурун тўсатдан отаси ва менга гапи борлиги айтиб қолди. «Адажон, ойижон, мен бир қизни яхши кўриб қолдим, унга уйланмоқчиман», деди у. Умар ҳеч нарса демасдан, ўрнидан туриб ётоқхонага кириб кетди. Ўктам асабийлаша

бошлади. «Ойижон, уйланишим масаласида отамнинг фикри қандай экан?» деб қайта-қайта сўрай бошлади. Мен уни тинчлантириб, отаси билан ўзим сўзлашишимни айтдим. Бу ҳақда Умарга оғиз очганимда у: «Бу қиз ким ўзи? У қандай тарбия олган? Ота-онаси ким? Қаерда ўқийди? Буларни биласанми?» деди.

Жавоблар тайёр эди. Қиз Педагогика институтида логопед ихтисослигида ўқирди. Ота-онаси оддий, камтар ва яхши одамлар. Қизнинг отаси ҳисобчи, ўзбек. Онаси бўлса, акушер, украин миллатига мансуб. «Хўш, ундай бўлса қизини бизга кўрсатсин», деди Умар. Ўктам эртасига бўлгуси рафиқаси Ларисани уйимизга олиб келди. Қиз менда жуда яхши таассурот қолдирди. У жуда камтар, айти чоғда ўз қадрини биладиган қизлиги кўриниб турарди. Розилигимни билдирдим. Ўша куни Ўктам «Отамнинг олдига зудлик билан кириб чиқмасам бўлмайди, уни кўриб ўтайлик» деб Ларисани отасига кўрсатишга муваффақ бўлди. Қиз Умарга ҳам ёқди.

«Жуда чиройли, сарвқомат, хушмуомала ва камтар қиз экан. Яхши тарбия олгани кўриниб турибди. Розилигимни Ўктамга айтгин», деди у кечқурун. Кўп ўтмай совчиликка бордик ва тўй ҳаракати бошланди. 1978 йил ноябрь ойига тўй белгиланди. Ёшлар тўйни камтарона ўтказиш тарафдори бўлиб чиқишди. Лекин отаси: «Қандай лозим бўлса, шундай ўтказамиз», деди қатъий. Ёшлар учун «Зарафшон» ресторанида, катталар учун Марказқўмнинг Дўрмондаги дачасида тўй маросимини ўтказдик. Биринчи тўйда фақат Ўктамнинг дўстлари ва Ларисанинг дугоналари ҳамда ёш-яланг қатнашди. Тўй жуда шод-хуррамлик билан ўтди, барча, келин-куёв ҳам хумордан чиққунча рақс тушишди. Иккинчи тўй анча тантанали бўлди. Бу тўйда Ўзбекистоннинг биринчи раҳбарлари, вазирлар, қариндошларимиз ва дўстларимиз қатнашдилар. Ажойиб қадаҳ сўзлари айтилди, машҳур хонандалар мумтоз ва эстрада кўшиқларини ўзбек ва рус тилларида ижро этдилар.

Тўй эртасига Ўктам билан Лариса асал ойини ўтказиш учун Москвага жўнаб кетишди. Тўйдан кейин ёшларни тўй саёҳатига жўнатиш – менинг одатим эди. Икки ҳафтадан кейин улар мамнун қайтиб келишди. Ўғлимнинг бахтли оилавий ҳаёти шундай бошланди. Ёшлар аввалига биз билан бирга яшашди. Уларнинг бир-бирига меҳрибонлигини, меҳр-муҳаббатини кўриш мен учун ёқимли эди.

1978 йил 6 октябрда уларнинг биринчи фарзанди – Комила туғилди. Қизча чаққон, соғлом бўлиб ўсди. Комила ўғил болага ўхшарди, ҳеч нарсадан кўрқмас, ўйлаб ўтирмай ўзини ҳовузга отар, дарахтга тирмашар эди. Унинг дугоналари кўп эди. Комила Халқ хўжалаги институти ва магистратурани муваффақиятли тамомлади. Инглиз тилини мукаммал билди. Яхши йигит – Равшанга турмушга чиқди. 2005 йил 21 ноябрда ўғли Беҳзод туғилди. 1984 йилда Ўктамнинг иккинчи қизи – Васида туғилди. Бироқ бола анча заиф эди. У кўп касалланди, охир-оқибат, 1998 йилда менингит касаллигидан вафот этди. У менга жуда меҳрибон эди. Кексалик пайтимда шу набирам билан яшайман, деган ниятим бор эди. Шунинг учун ҳам мен қаттиқ қайғурдим.

1992 йилда Ўктамнинг яна бир қизи – Мадина туғилди. У ақли, меҳрибон, хушмуомала қиз.

## ХОТИМА ЎРНИДА

Мана, хотиралар ҳам поёнига етди. Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари инсонни улғайтириб қўйганини сезмай қоларкан, киши. Бир вақтлар бир ярим ёшлик гўдак отасидан мосуво бўлиб, қариндошларининг қўлида ўсиб-улғайди, тарбияланди. Ота-онадан ажралиб қолган ёш гўдакларни боққан, тарбиялаган бобом, бувим, амакиларимдан доим миннатдорман. Бошимизга кулфат тушган вақтлари ота-онамнинг яқин дўсти бўлган кўп кишилар кўрқув салтанати даҳшатларидан ваҳимада бўлганликлари учун биздан юз ўгириб кетдилар. Хайрихоҳлар эса дамани ичига ютишга мажбур бўлишди. Бунинг сабабларини яхши тушуганим учун ҳеч кимни қораламайман, ҳеч кимдан хафа эмасман. Тақдирнинг тақозоси шундай бўлган. Қизил империя замонида асосий кўпчиликнинг оёқ-қўлигагина эмас, оғзига ҳам кулф урилган эди. Мустамлака азоб-уқубатларини кўриб-билиб турсак-да, оғиз очолмасдик. Сал бош кўтарган одамнинг калласи кетиши турган гап эди. Ана шундай қийин шароитда халқимизнинг ҳаётини имкон қадар яхшилашга, фикрли одамларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилдик. Шўро даврининг кейинги йилларида катта лавозимларда ишладим. Қаерда ишлашимдан қатъи назар, бу вақтда халқимизнинг ҳаётини яхшилашга ҳисса қўшиш бутун фаолиятимнинг мағзи бўлди. Бунинг уддасидан қанчалик чиқдим – бунга китобхоннинг ўзи баҳо беради. Ҳаётимда яхши инсонларга кўп дуч келдим. Кимдир яхши сўзи билан, кимдир қандайдир ёрдами билан кўнгилимизни олди, далда берди. Яхшилик ерда қолмайди. Мен ҳам, акам Эркили ҳам яхшилик қилган инсонларга кейинчалик қўлимиздан келганча яхшилик билан жавоб бердик. Бировнинг дилини оғритганимни, ноҳақ жабр ўтказганимни эслай олмайман. Мабодо, шундай ҳоллар бўлган бўлса, ундай кишилардан узр сўрайман. Турмуш ўртоғим Умар ҳаёт қийинчиликларини мен билан баробар тортди. Ҳар нафас, ҳар қадам ёнимда бўлди. Афсуски, у ҳаётдан эрта кўз юмди. Кўп яхши ниятлари, орзулари бор эди. Унинг орзуларини эндиликда фарзандлари, набира-чеваралари рўёбга чиқаришмоқда. Улар катта боболари – Ботудек ватанпарвар, халқпарвар инсон бўлишга ҳаракат қилмоқдалар. Ботунинг хотирасини эъзозлаб, яхшилик йўлидан бормоқдалар. Отамнинг номи ва ижоди оқланиб, холис баҳосини олишида хизмат қилган барча-барчага,

Кўлимни кўксимга қўйиб, яна бир бора ташаккур изҳор этгим келади. Боту ҳаёти ва ижодига мустақиллик йилларидагина чинакамига холис баҳо берилди. Боту орзу қилган истиқлол Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва қатъияти билан амалга ошди. Хурриятимизни эъзозлаш, кўз қорачигидек асраш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини жондан азиз фарзандларимга ҳам, талабаларимга ҳам сингдиришга ҳаракат қилмоқ-даман. Қатағон қурбонларининг муқаддас хотираси шунни тақозо этади!

## МУНДАРИЖА

Болалик ва ўсмирлик. Меҳнат ва оилавий Ҳаётнинг бошланиши.....	3
Туман санэпидстанциясида бош шифокорлик фаолияти.....	26
Самарқанд вилоят санэпидстанцияси бош шифокори сифатидаги фаолиятим.....	36
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири муовини сифатидаги фаолиятим.....	42
Чет эл сафарлари.....	56
Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашидаги фаолиятим.....	61
Юрган – дарё.....	87
Хунарни асрабон нетгум.....	112
Фарзандим – дилбандим.....	125
Ўктамим – кўзимнинг оқу қораси.....	133
Хотима ўрнида.....	140

Наима МАҲМУДОВА

ҚАТАҒОН ҚУРБОНИ ҚИЗИНИНГ ХОТИРАЛАРИ

*Ўзбек тилида*

Нашр учун масъул	<i>М.Пўлатов</i>
Муҳаррир	<i>З.Жўраев</i>
Тех. муҳаррир	<i>В.Барсукова</i>
Рассом	<i>И.Сагдуллаев</i>
Компьютерда саҳифаловчи	<i>М.Холбекова</i>

АБ N 63

«Муסיқа» нашриёти, Тошкент, Ботир Зокиров кўчаси, 1.

Босишга рухсат этилди 08.11.2007 й. Офсет усулида чоп этилди. Офсет қоғоз. Бичими 60x90 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Нашр тобоғи 8,2.

Шартли босма тобоғи 10,0. Адади 200 нусха.

Баҳоси шартнома асосида.

«Rep-Poligraf» босмахонасида чоп этилди. Тошкент,  
Муқимий кўчаси, 178. Буюртма N 1247.



+998903213957

Нема.

902.

28 апрел

Шулекина Нина

Афаносевича

19402